



ФАН ВА ТУРМУШ



В. И. Ленин умрининг сўнги йиллари оғир дардга чалинган, ниҳоятда уқубатли ўтган...




Зулфия МУМИНОВА



КЎЗИМГА ЙЎЛ КЎРИНАДИ

Кўзимга бир узун йўл кўринади,
Ҳақим — деб эзилган эл кўринади.
Энам-ов не учун пахтазорларда,
Беклар кўринмайдир, қул кўринади.
Худоим, бу элнинг ёзиғи шўми!
Қўлда йўргак билан қарғайин уни
Қотилингни кўрсат, Сариосиё,

Боланг уйғонмоқда кўзлари қуёш.
Боланг уйғонмоқда келажаги нур.
Бу кўздан ёш эмас, қон оқмай туриб,
Қотилингни кўрсат, муқаддасим ер.
Бир қилич қайралар томирларимда
Мусулмонман деган ҳар жон
Мусулмон қўлида Қуръон қўлласин,
Фарғона, Қўқонда отилган гўдак,

Шаҳидлардан томган ҳар қон
қўлласин.
Мен куйган кўкайда туйғу талошман,
Узбекка отилган ҳар тошга қасдман
Узбегим, демасам шу кўни пастман,
Кимдир бориб сотсин шу сўзим учун,
Кимдир келиб отсин шу сўзим учун,
Мен мағрур айтаман:
миллатпарастман.






1988 йилнинг декабрь ойида арман заминида даҳшатли зилзила давом этиб турган кунлари Ўзбекистон ФА ҳақиқий аъзоси Турсун Рашидов раҳбарлигидаги олимларимиз Арманистонда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришди. Ана шу илмий кузатишлар натижаси хусусида ойномамизнинг ушбу сонидида мақола берилган.

Т. РАШИДОВ ва Л. ЭШМЕТОВ суратга олишган.

арман фожеаси такрорланмасин!



*Илм олмакка ингилиш
ҳар бир муслим ва
муслима учун қарзу фарз*
ҲАДИС



1933 йилдан чиқа
БОШЛАГАН
АПРЕЛЬ—1991

Таъсисчи
Ўзбекистон
Фанлар
академияси

БОШ МУҲАРРИР:
Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдували АБДУВАҲОБОВ
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ
Жўра АБДУЛЛАЕВ
Турсун АЗЛАРОВ
Аҳмадали АСҚАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Бўри АҲМЕДОВ
Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ
Наби МАЖИДОВ
Ёрмуҳаммад МУБОРАКОВ
Муҳаббат ОБИДОВА
Уктам ПРАТОВ
Ҳайдар ПУЛАТОВ
Ўткир РАСУЛОВ
Асомиддин РАФИҚОВ
Елқин ТЎРАҚУЛОВ
Ҳусниддин УМАРЗОДА
(масъул котиб)
Комил ХОЛМУҲАММАД
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод ШАРИФХУҲАЕВ
Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ
Наримон ҲОТАМОВ

БЎЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:
Рустам ОБИД
Оқилхон ОДИЛХОН
Саид МУРОД

МУҲАРРИРЛАР:
Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи
Рустам БОЙТУРА

Ассалому алайкум азиз муштарий!
Ойноманинг ушбу сонида

Муфтий Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ ҳаз- ратларининг табриги	2
АҲМЕРОВ Қ.	
Самовий кўприк	2
НУРМУҲАММАД Умарзода Ҳусниддин	2
Маъдан излаб	4
РАШИДОВ Т., ЭШМАТОВ Л.	
Арман фожеаси такрорланмасин	6
НУРИДДИНОВ Е.	
Коинотнинг ерга номаси	8
ХОЛБОВ С.	
Мунаввар қори	10
БУЛАТОВ С.	
Нақш тили	13
АСҚАРОВ М.	
Камолот	14
МАНСУРОВ А.	
Ҳадис	16
Фан ва техника тарихидан	18
БЕГМАТОВ Э., ҚОРАЕВ С.	
Бизга фамилия керакми!	20
Ҳур фикр	22
ОДИЛХОНОВ О.	
Пул	24
ҲАСАНОВ М., ГЕРМАНОВ В., ШОДИЕВ Қ.	
Амир Олимхон фожеаси	26
Бухоро халқи чеккан кулфатлар тарихи	27
Рустам ОБИД	
Улимдан кейинги ҳаёт	30

каби мақолаларни ўқийсиз.

Муаллифларнинг мулоҳазалари ойнома муҳарри-
рияси ва таҳририятининг нуқтаи назарига ҳар вақт
ҳам тўғри келвермаслиги мумкин.

МУҚОВАДА

Диққатингизга ҳавола этилаётган муқова саҳифаларидаги
сувратлар ойномамиз мазмунини бойитади деган умидда-
миз. Зеро, биринчи саҳифадаги В. И. Ленин суврати бежиз
берилмаган. Бу йил коинот забт этила бошланганига 30 йил
тўлди. АПН сувраткаши Н. Умарбеков Бухорои шарифдаги
Мачити калонда жума номози кўни ушбу сувратни олган.

КЕЛГУСИ СОНДА

● Қондош ва жондош бўла оламизми ● Му-
тақия — вужудда тўсатдан рўй берадиган ўзга-
риш дегани ● Туркистонга мўғулий ирқ қандай ке-
либ қолган ● Ойнаи жаҳонда жаҳонни кўра ола-
мизми ● Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бир қараш-
да батареяга яна қувват бағишлайди. ● «Адабиёти-
миз жаллодлари»нинг давоми ● XX аср очофати.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон
 муслмонлари диний бош
 қармасининг раиси, СССР
 халқ депутаты муфтий
 Муҳаммад Соғдиқ
 Муҳаммад Юсуфнинг
 Руза Хайити муносаба
 ти билан
 табриқи

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим!
 Муҳтарам шайримизнинг кўп миллат
 ли муслмонлари ва «фан ва турмуш»
 ойнамасининг кўп сонли муштафий
 лари! Биз аввало Аллоҳи Таолога
 беҳад ҳамду санолаб айтаман
 ки, шайримиз муслмонлари бир
 ой мобайнида Рамазон рў
 засини тутуш билан бирга кундалиқ
 ибодатларида ва кечалари масжид
 ларда жамоат билан ўқиган таро
 вех намозларида Аллоҳнинг ер юзи
 даги барча бандаларига тинчлик, сало
 матлик, раҳмат ва мағрифат сўраб
 илтижо қилдилар. Танғининг июяти ва
 фазлу қарам билан, алҳамду лиллоҳ,
 Руза хайитига ҳам етиб келдик.
 Бинобарин, мана шундай муқобак
 сана ва улф байрам билан ҳаммала
 рингизни самимий табриклайман ва
 дунёда тинчлик, халқлар ўртасида
 дўстлик ва ҳамжиҳатлик қарор топи
 ши йўлида олиб бораётган диний
 ишимизда куч-қувват ва тавфиқ ато
 этишини даргоҳи илоҳийдан сўраб
 қоламан.

САМОВИЙ КЎПРИК

ШУ СОННИНГ
 РЕПОРТАЖИ



Уша кун лабораторияга барвақт
 роқ келиб тажрибани бошлаб юбор
 ган эдим. Асбоблар кўрсатаётган маъ
 лумотларни дафтарга ёзиб турган
 пайтимда олий билимгоҳимиз хонала
 ридан «Урра! Урра! Урра!» деган
 овозлар эшитилди. Йўлакка чиқсам
 ҳаммаёқ ғала-ғовур, одамлар бир
 бирларини кучиб табрикларди. Ав
 валига нима бўлаётганига тушунол
 май турдим. «Табриклайман, ватан
 дошимиз коинотга учибди, — деди
 олдимга югуриб келган чимкентлик
 касбдошим Турор Мирзабеков. —
 Ҳамма Қизил майдонга кетаяпти, юр
 биз ҳам борамиз». Шунда эрталаб
 ўн яримлар чамаси эди. Бутунитти
 фоқ радиосининг диктори Юрий Ле



Юрий Гагарин «Восток» самовий кемасида
 Ер атрофидаги саёҳати чизмаси.

виган совет фуқароси майор Юрий
 Гагарин жаҳонда биринчи бўлиб ко
 инотга учганлиги ҳақидаги ТАСС хаба
 рини ўқиб эшиттирдим. Одамлар қу
 вончи ичига сиғмасди. Ҳа демай, Қи
 зил майдонга келиб қолганимизни
 ҳам билмай қолдик. Бу воқеа 1961
 йилнинг 12 апрелида рўй берганди.
 Ушанда мен Москвадаги Кимё-техно
 логия илмгоҳи аспирантурасида таҳ
 сил кўрардим.

Қизил Майдон одамлар билан лик
 тўлган. Бир вақт: ҳозир фазогир
 нинг суратини осешар эмиш, деган гап
 тарқалди. Ҳамманинг нигоҳи Бош уни
 версал магазиннинг пештоқида. Шу
 орада универмаг томида бир неча
 киши пайдо бўлди. Улар бино пеш
 тоқига ҳарбий учувчи, катта лейте
 нант Юрий Гагариннинг расмини илиб
 кўйишди. Радиода эса коинотга майор
 Гагарин учди, дейилганди. Кўпчилик
 ҳайрон бўлди. Эҳтимол, унга учиб
 олдидан майор унвони берилгандир,
 деди бир киши. Саратов далаларида
 кўшни қишлоққа иш билан кетаётган
 унинг отасига: «Уғлингиз — майор
 Юрий Гагарин коинотга парвоз қилиб
 ди, табриклаймиз! — дейишганда у
 ишонинқирамай: «Бошқа Гагарин бўл
 са керак, менинг ўғлим катта лейте
 нант-ку» деган. Радиода унинг таржи
 маи ҳоли ўқиб эшиттирилгандан

кейингина у бу гапнинг чинлигига ишонади. Дарҳақиқат, Юра коинотга кўприк ташлаш арафасида майор унвонига сазовор бўлганлигини кейин билгандик. Биринчи фазогир расмига боқар эканман, унинг чеҳрасидаги илиқ табассуми-ю ўткир нигоҳи хотирамда муҳрланиб қолди. Шунда уни рўбарў кўриш, бақамти суҳбатлашиш ва иложи бўлса, дастхатини ёздириш нияти туғилди менда. Орада кўп ўтмай ниятимга етдим...

14 апрель куни Юрий Гагарин Москвага келди. Уни Внуково аэродромидан то Қизил майдонгача бўлган йўлнинг икки четида юз минглаб москвалликлар ва меҳмонлар олқишлаб кутиб олишди. Фазогирни қутлаш учун Никита Хрущёв бошчилигидаги партия ва давлат раҳбарлари ва Юрий Гагарин Мавзолей минбарига чиқишди. Миллионлар қатори камина ҳам ўша куни минбар ёнидан ўтдим. Ҳарбий кийими ўзига жуда ярашган, қўлига оқ қўлқоп кийган Юрий Алексеевич ҳаммага кулиб боқар, иккала қўли билан одамларни олқишлаб, қувонч ва ташаккурини улашарди. Мақбара рўпарасида одамлар Гагаринни яхшилаб кўриш учун қадамни секинлаштирарди. Ўша куни халқ намойиши алламаҳалгача давом этди. Коинотни забт этиш шарафига отилган мушаклар ҳаммаёқни ёритиб, кўркамлаштирарди. Мана, ўттиз йилдирки, ўша тарихий кунни кечагидек эслайман.

Орада ярим ой ўтгач — Биринчи Май намойишида биринчи фазогир мизини яна кўришга муяссар бўлдим. У бир оз қорайиб, тўлишган. Бу орада Юрий Алексеевич Чехословакияда бўлиб қайтган эди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузи қаторига Чехословакиянинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юлдузи ҳам қўшилганди. Кейин бундай учрашуларга таклифлар кўпайиб кетади. Болгария, Финляндия, Англия, Польша, Куба, Канада, Венгрия, Ҳиндистон, Шри Ланка, Афғонистон, Миср, Гана, Либерия, Греция, Кипр, Австрия, Япония, Дания, Франция, Мексика, Швеция, Норвегия ва бошқа мамлакатларга сафар қилди. У ишчилар, деҳқонлар, фермерлар, президентлар, талабалар, ўқувчилар, олимлар билан учрашуларда фазони ўзлаштириш иши энди бошланганлигини уқдирар, ҳали Марсга парвоз қилиб, у ерда каналлар бор-йўқлигини ўз кўзи билан кўриш ниятида эканлигини айтди. Дарҳақиқат, Гагарин сўзлари ҳақ бўлиб чиқди. Унинг издошлари — америкалик фазогирлар Ой юзасига уч марта кўнишди, автомат станциялар эса қўшни сайёралардан «хабар» олиб қайтди, неча миллионлаб километр наридаги юлдузларга сафар қилди. Инсон қўли билан яратилган коинот аппаратлари Галлей кометасининг ички тузилишини тадқиқ қилиши, коинот қаърида органик молекула, радикал, сув қолдиги, азотли бирикмалар, метан ва бошқа бир қанча моддалар

борлигининг кашф қилиниши Гагарин бошлаб берган ишнинг давоми бўлди. Ерда ҳаётнинг вужудга келиши ҳам ана шу коинот молекулалари воситасида рўй берган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фаразларни келтириб чиқарган. Бас шундай экан, олам чексизлиги, Ердан узоқдаги Коинот жисмларида ҳаёт бўлса керак, деган фикр ўртага ташланди. Ҳаёт у жисмларда олдинроқ вужудга келган бўлиши мумкинлиги ҳақида илмий тадқиқотларга асосланган далиллар олинди. Сомон йўли ёки бошқа жисмларда ҳаёт асоси бўлган оксилнинг пайдо бўлиши учун керакли таркибий қисмларнинг қаердан келиб қолганлиги ҳамон жумбоқдир.

Камина таҳсил йиллари Юрий Гагарин билан бўлган бир неча учрашув ва суҳбатларда қатнашишга мушар-



Ҳар киши у билан мулоқотда бўлишга, қўлини олиб, қалб туйғусини билдиришга интиларди.

раф бўлдим. Ана шундай учрашулардан бири Москва давлат дорилфунунида ўтганди. Учрашув олдида қўлай вазият келиб қолди. Дорилфунунинг уч-тўрт ходими билан биргаликда Юрий Алексеевич учрашув залига кириб келишди. Учрашув тайёргарлиги қиёмига етмаганлигидан Гагарин тўпланиб турган одамлар орасига келди. Мен унга яқинлашиб: «Ассалому алайкум! Здравствуйте, Юрий Алексеевич! — дедим. «Салям алайкум, друг мой!» — деб қўлини узатди менга. «Ўзингизни таништирайсизми!» дея гапга аралашиди ёнидагилар. Тошкентдан эканимни, исм-шарифимни айтдим. Исмнинг русчада нима маънони билдиради! — қизиқди суҳбатдошим. Мен шошиб қолиб «Мощность» или «Сила» дедим. Юрий Алексеевич ўзига хос юмор билан «С мощным человеком дружить неплохо, а!» — деб қўйди. Менинг кимёгар эканлигимни, катализ соҳасида илмий изланишлар олиб бораётганимни билиб олди. Ота-оналарим борлигини билиб, Тошкентга борганимда уларга салом айтиб қўйишимни илтимос қилди. Шунда мен уни Ўзбекистонга таклиф қилдим. У қўлини кўксига қўйиб миннатдорчилик билдирди.

1964 йил ёзида Ўзбекистонга ташриф буюрди. У Водилда бир неча

кун дам олди ҳайрлашув олдидан Гагаринга, одатимизга кўра, дўппи кийдиришди. «Ўзбек йигитининг ўзи бўлдингиз-қўйдингиз» — ҳазиллашди дўстлари, — бўлмаса, бир суратга тўшайлик» — таклиф қилди фазогир. Ўша сурат «Комсомольская правда» рўзномасининг 1990 йил 12 апрель сонидан берилди.

Бундан бир неча йил муқаддам илмгоҳимизга ташриф буюрган икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Жонибеков учрашув чоғида биринчи фазогир бошлаган иш ишончли қўлларда эканлигини таъкидлади. Хусусан, фазогирлар олдида коинотда ҳайвонлар ҳаётини ўрганиш, донли ва техника ўсимликларини ўстириб, ҳосил олиш, очиқ коинот шароитига мослашиш каби мураккаб муаммолар турганини айтди. Ю. А. Гагарин номидаги фазогирлар тайёрлаш Маркази бошқармасининг бошлиғи генерал-майор Владимир Жонибековдан биринчи ўзбек фазогир тайёрланаётганини йўқми, деган саволга қониқарли жавоб олинганлиги ҳаммамизни қувонтирди. У коинотга қилинаётган парвозларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятига тўхталиб, бу борада жумҳуриятимиз деҳқонларининг оғирини енгил қилиш тадбирлари устида тўхталди. Айниқса, сув таъминоти, экин-тикинлар аҳволи, об-ҳаво ўзгаришлари ва Орол муаммоларини биргаллашиб ҳал қилиш салмоқли натижа бериши тайин.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг илгариги Президенти Обид Содиков фазогирлар, жумладан Б. Греčko билан ҳамкорликда халқ хўжалиги учун амалий аҳамиятга молик анчагина илмий тадқиқотларни бошлаб қўйган эди. Бунинг академик Обид Содиковнинг жумҳурият Фанлар академияси Биоорганик кимё илмгоҳида барпо этилган музейида кўриш мумкин.

Ўша олтимиш биринчи йилнинг тарихий кунлари ҳамон кўз ўнгимда. Утган ўттиз йил мобайнида қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлди. Юрий Гагариннинг ўзи бевақт оламдан ўтди. Ҳозир ҳаёт бўлганида эллик беш ёшга кирар эди. Лекин у бошлаган улғувор иш илдам давом этаётганлиги, коинотни чуқур ўрганиш, самовий илмий изланишлар маълумотларидан амалий фойдаланилаётганлиги бизга далла беради. Демак, унинг дунёни ларзага келтирган 108 дақиқалик парвози — коинотга солган кўприги боқий бўлиб чиқди. Бу кўприк ўзбек ўғлини, фазогирликка номзод катта лейтенант Солижон ШАРИПОВга ҳам омад келтирсин.

Мен Юрий Гагарин ҳақидаги эсдаликни тугатар эканман, ўша тарихий 14 апрель куни уни кўпроқ суратга ололмаганимдан афсусланаман.

Қудрат АХМЕРОВ,
Тошкент Политехника олий билимгоҳи
умумий ва анорганик кимё кафедраси
мудир, кимё фанлари доктори,
профессор.



Закийлик шарофати тўфайли ўлкамизда қанчадан-қанча конлар очилди. Лекин улардан олинаётган кўплаб қазилма бойликларнинг аксарияти жумҳуриятимизга сариқ чақалик наф келтирмай қаяқларгадир ташиб кетиляпти. Зеро пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис салом Ҳадиси шарифларида шундай деган эдилар: «Тангри сенга берган неъматларини ўзинга ҳам сарфлагин!» Шояд жумҳуриятимиз иқтисодий мустақилликка қоғозда эмас, амалда эришса, пайғамбаримизнинг бу каломлари рўёбга чиқур эди.

Ҳа, жумҳуриятимизда вольфрам маъдан конларини топиш ва уларнинг sanoat заҳираларини аниқлашдек мураккаб тадқиқотни амалга ошираётган Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика илмгоҳининг раҳбари, геология-минералогия фанлари доктори, Ленин мукофоти совриндори Иброҳим Ҳамробоев, геология-минералогия фанлари номзодлари Олимжон Бобожонов, Эшим Искандаров, Мамажон Исмоилов, Мирира Кучукова, Неъмат Жамолiddинов, Қўйтош геология хизматининг бош геологи Сапар Искандаров сингари Абу Райҳон Беруний номидаги жумҳурият давлат мукофоти совриндорларининг ҳам нияти шу.

Маъданлар ичида энг қаттиқларидан бўлган вольфрам Ер куррасида сайёрамиз вазнининг 0,0001 фоизини ташкил этади. Соф вольфрам 3410 даража ҳароратда эрийди ва 6690 даражада қайнай бошлайди. Бунақанги ҳарорат Қуёш сиртида кузатилади. Ваҳоланки, бундай ҳароратда деярли барча маъданлар бугга айланиб кетади.

Вольфрамдан ясалган буюмлар жуда мустаҳкам бўлади, лекин айни пайтда бу маъдан қайишқоқдир. Қаранг, бор-йўғи 200 грамм келадиган вольфрамдан нақ 80 минг метр сим ясаса бўлар экан.

Илк бор вольфрамни швед кимёгари К. Шееле бундан 210 йил муқаддам топган. Кейинчалик маъданлар мустаҳкамлигини ошириш учун уларнинг таркибига вольфрам қўшилаётган бўлди. Чунончи, 1907 йилда хром, кобальт ва вольфрамдан иборат стеллит қотишмаси тайёрланган. Бундай қотишмадан ишланган кескичлар бир дақиқа мобайнида 45 метргача маъдан кесиши мумкин эди. Ҳозирги вақтда эса бундай тезлик 2000 метргача етган. Қолаверса, стеллит коррозияга учрамайди, кислоталар таъсирига чидамли.

Асримиз бошларида ихтирочи А. Ладигин вольфрамдан чўғланма тола учун фойдаланиш борасида ўн йил тадқиқот олиб бориб, 1911 йили мурод ҳосил қилди. Бугунги кунда бундай чўғланма толали лампалар хонадонимизни ёритиб тургани ҳаммага аён.

Ўқ ўтмас зирҳли ҳарбий техника яратишда вольфрамнинг ҳиссаси катта. Таркибида вольфрам бўлган пўлат билан танк, бронемашина, бронетранспортёр, космик ракеталарнинг сирти қопланади. Улуғ Ватан уруши йилларида вольфрамга юқорида айтилган хусусиятлари тўфайли эҳтиёж ортди. Лекин мамлакатда вольфрам конлари оз бўлиб, уларда маъдан қазиб олиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган эди. Бундай конларнинг аксарияти Ўзбекистон заминида жойлашган эди. Уша кезларда мудофаа учун зарур бўлган вольфрам ва молибден маъданларининг нақ 70 фоизини Ғарбий Ўзбекистонда жойлашган Лангар, Қўйтош, Ингичка конлари етказиб берган.

Вольфрамдан халқ хўжалигининг хилма-хил соҳаларида фойдаланилади. Жумладан, кумуш вольфрамли қотишмалар электр контактлари учун ишлатилади. Платина вольфрамли қотишма эса ёндирувчи свечада, мис ва вольфрам қотишмаси пайванд электродларида асқотади. Рух вольфрамли қотишмалардан патрон ўқи тайёрланади. Соф ҳолда эса электр лампасининг чўғланма қисмини тайёрлашда асқотади ва лампанинг юқори даражада нур сочишини таъминлайди. Булардан ташқари, вольфрамдан радиотехника ва рентген техникасида, ўтга чидамли, сув ўтмайдиған газлама тайёрлашда, офтоб таъсирига чидам-

ли лак, бўёқлар тайёрлашда ва ҳоказо фойдаланилади.

Дарвоқе, халқимизда «Туриб еса, Турум тоғи ҳам чидамас», деган нақл бор. Ахир ҳа деб кенг кўламда қазиб олинаверганидан кейин, айниқса «икки беш йиллик режасини бир беш йилликда бажариш» ҳаракати илдам авж олганда конлар ҳам сўпталашиб қолди, бинобарин, тадқиқотчилар олдида ер бағрининг янада чуқурроқ, кўздан йироқ қатламларига назар ташлаш вазифаси кўндаланг бўлиб қолиши табиийдир.

Жумҳуриятимизда вольфрам конларини тадқиқ этишни ўзбек алломаси Ҳабиб Абдуллаев бошлаб берган эди. У теран илмий тадқиқотлари ўлароқ 1939 йили Лангар вольфрам кони мавзуида геология-минералогия фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилиб, бу борада махсус асар ҳам яратди.

Улуғ Ватан уруши даврида Кавказдаги Тирнауз йирик вольфрам кони фашистлар Германияси томонидан босиб олингач, мамлакатимизнинг бу маъданга бўлган эҳтиёжи асосан жумҳуриятимиз ҳудудидаги Лангар ва Қўйтош конларидан олинган хом ашё эвазига қондирилди. Хом ашё стратегик аҳамиятга молик бўлганлигидан, бу конларда машғул бўлган ишчилар, ҳатто дўппи тор келганда ҳам, жанг майдонларига сафарбар этилмаган. Бироқ Лангар конидан ўша даврда пала-партиш фойдаланилгани сабабли ишдан чиқиб, 1959 йили, ниҳоят ёпилди. Айрим маълумотларга қараганда, қадимда Лангар конининг ғарбий қисмидан мис ва олтин ҳам қазиб олинган экан. Бинобарин, бу кон қадимдан ўз бойликларини инсониятга сахийлик билан тўхфа этиб келган.

Ўзбекистоннинг вольфрам конлари жойлашган ҳудуд-

Кон аломатлари Иброҳим Ҳамробоев иштирокида муҳокама қилиняпти.





ларида 50-йилларда академиямиз ва Геология вазирлигининг геологлари ҳар томонлама изланишлар олиб боришди. Бундай тадқиқотларда асосан шу конларнинг тузилишини, таркибини, ҳосил бўлиш жараёни магматик тоғ жинслари билан боғлиқлиги ва бошқа аломатларни аниқлашни мақсад қилиб қўйилган эди. Лекин илмий тадқиқотлар савияси ўсиб, маълум бўлган конлардаги маъданларнинг камаявериши сайин олимлар олдида янги-янги вазифалар кўндаланг бўла борди. Минг афсуслар бўлсинки, ўша кезларда геологик тадқиқотларни янги даражага кўтариш зарур эканлигини ҳамма ҳам тушуниб етавермадики, бу ишда катта тўсиқлар вужудга келтирди.

Маъдан конлари билимдони Иброҳим Ҳамробоев 1969 йилга келиб бу борадаги илмий тадқиқотларни янги йўналишга буриш кераклигини мутасадди ташкилотларга уқтирди. Ер юзасига чиқиб ётган вольфрам конлари тугаганини, энди уни чуқурдан қидириш кераклигини, бунинг учун чуқурда ётган вольфрам қатламларининг ер юзасидаги аломатларини топиш, изланишнинг янги усулларини яратиш кераклигини Геология ва геофизика илмгоҳининг вольфрамшунослари олдига кўндаланг қўйди. Шундан сўнг ўзи бошчилигида петролог, минералог, петрофизика мутахассислари билан ҳамкорликда каттагина тадқиқотчилар гуруҳини тузиб, иш бошлаб юборди.

Илк тадқиқот Шимолий Нурота тоғидаги Қўйтошда бошланди. Бу ер нима учун Қўйтош номида аталганини айтиб ўтиш фойдадан холи эмас. У ердаги гранит тошлар худди ўтлаб юрган қўйларни эслатади. Шу боисдан бу худуд Қўйтош деб аталади.

Хўш, нега энди айнан Қўйтош кони тадқиқот манбаи қилиб олинди, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, 40-йиллардан буён маъдан қазиб олинаётган бу конда 60-йилларга келиб ҳам ашё сифати пасайиб, ўзи миқдоран камайиб, таннархи ошгани ҳисобига бу кон ўз харажатларини қоплай олмай қолди. Мазкур кон ишларини йўлга қўйиш учун истиқболли маъдан топиш зарур эди. Шу мақсадда бу ерда 1969 йилдан изланиш бошланди. Бу пайтга келиб ҳатто Қўйтош конини ёпиш мўлжалланган, бу ҳам етмаганидек уни янги ташкил этилган Жиззах вилоятининг қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш базасига айлантириш режаси ҳам бор эди. Шунда Иброҳим Ҳамробоев ташаббуси билан юқори ташкилотларда Қўйтош муаммоси таҳлил қилиниб, унинг истиқболли экани қатъий исботлаб берилди. Бунда Иброҳим Ҳамробоев зўр матонат кўрсатди. Лекин жумҳурият Геология вазирлигининг ўша вақтдаги муовини Виктор Гарьковец коннинг истиқболли эканига шубҳа билдириб, бу ғояга қатъий қарши туриб олди. Бошлаган ишини собитлик билан охиригача етказиш бутун вужудига сингиб кетган Иброҳим Ҳамробоев бошчилигидаги кончилар гуруҳи уч йил узлуксиз тадқиқот олиб борди. Натижада бу ерда бир қанча истиқболли манбаларни, жумладан, Қўйтош ва Угом конлари оралиғидаги худудни аниқлаб, тавсиялар жумҳурият Геология вазирлигига, ССЖИ Рангли маъданшунослик вазирлигига, Қўйтош конига ва Ўзкомфирқа Марказий Қўмитасининг саноат бўлимига топширилди. Мазкур тадқиқотчилар гуруҳи ҳамкорликда иш олиб бориб, кейинчалик Лангар, Ингичка, Қоратепа, Яхтон, Саритоғ, Тим ва бошқа вольфрам конларида шундай изланишлар ўтказди. Кон башорат қилиш аломатлари борган сайин янги-янги далиллар билан бойиб борди, натижада ёпиқ вольфрам конларини излашнинг изчил услубияти яратилди.

Кон қандай изланади? Ахир ёпиқ конлар аксарият ер бағрининг анчагина чуқур қисмида бўлади-ку, ер устида туриб қандай билиш мумкин? Айтайлик, узоқда тутун кўрсак, у ерда гулхан ёқилаётганини фарз қиламиз. Агар тоғтошларда юрганимизда тоғ ёнбағрида атрофга нисбатан анчагина кўкаламзор жой борлигини кўрсак, у ерда сув борлигини пайқаймиз. Шунга ўхшаш чуқурда кон ҳосил бўлиш жараёнида юқори магматик ва магмадан кейинги юқори ҳароратли жараёнлар албатта атроф-муҳитда ўз аксини топади, дейди биз билан суҳбатда тадқиқот иштирокчиларидан бири, Геология ва геофизика илмгоҳининг катта илмий ходими Олимжон Бобожонов. Бу ва бошқа турли аломатлар тоғ жинсларининг физик хусусияти ўзгариши

тарзида намоён бўлади. Кон аломатлари ниҳоятда хилма-хилдир. Шундай аломатлар учратилганида, айниқса бир эмас, бир неча аломат биргаликда учраганида ер бағрида кечган геологик жараёнлар тўғрисида фикр юритиш, коннинг катта-кичиклиги, интенсивлиги, жойлашиш чуқурлиги ва бошқа хусусиятлари борасида мулоҳаза қилиш мумкин. Бундай аломатлар кондан ҳам хил масофада бўлади. Ана шу узоқ-яқинликнинг ўзи ҳам муайян маълумот беради. Шунга асосланиб кон изловчиларимиз янгича миқдорий кўрсаткичлар ҳам ишлаб чиқишди. Хусусан, ўрганилаётган жойда у ёки бу аломатлар ёхуд барча аломатларнинг бир метр масофада қанча учраши ҳам кон ҳосил бўлиш жараёни шу ерда кучли ё кучсиз кечгани ҳақида маълумот бериши аниқланиб, ўрганилаётган майдонларда татбиқ этилди. Кўп ўтмай, узоқ йиллик бу тадқиқот ўз саховатини намоён этди.


Ер бағрига яширинган вольфрам конларини башорат қилишнинг янги омиллари ва мезонларини аниқлаш воситасида жумҳурият вольфрам хом ашё захирасини кўпайтиришни мақсад қилиб олган ушбу тадқиқот Жанубий Тяньшаннинг скарн-вольфрамли чуқур қатламларида 60-йилларнинг охириларидан бошланган.

20 йилдан кўпроқ мuddат мобайнида академиямизнинг Геология ва геофизика илмгоҳи олимлари томонидан шу соҳада олиб борилган изланишлар саховати ўлароқ ер бағрида маъдан ҳосил бўлиши жараёнининг ботиний қонуниятлари ошкор этилди, худудда скарн-вольфрам конларининг вужудга келиши ва жойлашининг илгари маълум бўлмаган қонуниятлари аниқланди, вольфрам рудаларининг янги турлари топилди. Буларнинг бари ер бағрида маъдан ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан яхшигина тадқиқ этилган бўлса-да, скарн-маъдан ҳосил бўлиш назариясига, бинобарин, илм-фан ривожига салмоқли янгилик киритди. Геолог олимларимиздан бир гуруҳи шулар асосида пинҳоний вольфрам маъдан манбаларини аниқлашнинг туркум янги мезонларини яратди. Ана шу мезонлар жумҳуриятимизнинг бир қанча скарн-маъдан конларининг чуқур қатламларида, шу жумладан 60-йилларнинг бошларидан самарасиз деб ҳисобланган Қўйтош конида синовдан ўтказилди.

Геология ва геофизика илмгоҳи тавсияларига мувофиқ Қўйтош кони ва мамлакат Рангли маъданшунослик вазирлигининг геология-қидирув гуруҳи томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижаси ўлароқ катта миқёсдаги вольфрам маъданларининг янги саноат захираларини топишга муваффақ бўлинди. Ҳозирги вақтда мамлакат Рангли маъданшунослик вазирлигининг геология-қидирув гуруҳи аниқлаган вольфрам захираси бир неча миллион тонна бўлса, Қўйтош — Угом минтақасининг ўзидагина кутилаётган нақд вольфрам захираси ундан анчагина кўп деб баҳоланапти. Мазкур рудаларни ишга солиш учун ҳозирги вақтда шахта барпо этиляпти ва мавжуд бойитиш фабрикаси таъмирланапти. Ушбу вольфрам захираси Қўйтош конининг ҳатто иш қуввати 1—2,5 ҳисса оширилганида ҳам камида 25—30 йил самарали ишлашини таъминлайди. Қўйтош конидан вольфрам маъдани қазиб олиш 2 миллион 600 минг сўмлик иқтисодий самара бериши ҳисоблаб чиқилди.

Ҳа, бир вақтлар айрим фармонбардорлар истиқболсиз, беҳуда сарф-харажатлар заволи деб «башорат» қилган бу изланиш фанимиз яловбардорларидан бўлмиш Иброҳим Ҳамробоев бошчилигидаги зукко тадқиқотчиларнинг тинимсиз меҳнати туфайли саховатга олиб келди, эл назарига тушди. Зеро мазкур тадқиқотчилар гуруҳининг Абу Райҳон Беруний номидаги жумҳурият давлат мукофотиغا сазовор бўлганлиги фикримиз далилидир.

Ҳусниддин Умарзода НУРМУҲАММАД,
ССЖИ Жўгрофия уюшмасининг
ҳақиқий аъзоси.



арман фожеаси такрорланмасин!

Турсун РАШИДОВ,
Ўзбекистон ФА ҳақиқий аъзоси,
Лутфулла ЭШМАТОВ,
хикмат-риёзиёт фанлари номзоди,
Тошкент Политехника олий
билимгоҳининг доценти.

Инсоният тарихида Курраи арзда юзларча фалокатли зилзилалар бўлиб ўтгани муқаррар. Юнонистондаги қадимги Помпей харобалари шундан далолат беради. Француз денгизчи олими Жак ив Кусто эса баҳри уммон тубида кўплаб қадимий шаҳарларнинг харобаларига дуч келган. Ҳозирги Иссиқкўл қирғоқлари бўйлаб ҳам кўҳна давр саройлари ва қасрларининг қолдиқлари ҳамон сақланиб, ўша қадимий ер силкинишларидан гувоҳлик бериб турибди. Охириги 50 йил ичида бўлиб ўтган кучли зилзилалар эса ҳали замондошларимиз хотирасидан ўчган эмас. Вайронгарчилик ва қурбонлар миқёсига кўра 1948 йилги Ашхобод зилзilasидан кейинги энг даҳшатли фожеа «Спитак зилзilasи» номини олди. У 1988 йилнинг 7 декабрь кuni содир бўлди. Дастлабки кучли силкинишининг ўзида 20 минг нуфусли Спитак шаҳри ва унинг атрофидаги бир неча қишлоқлар бутунлай яқсон бўлди, 200 минг нуфусли Ленинанкан шаҳри замонавий биноларининг ярмидан кўли қулади ёки тиклаб бўлмайдиган аҳволга келди. 120 минг нуфусли саноат маркази бўлмиш Кировокан, бирмунча кичикроқ Степанован шаҳарлари ва бошқа қатор қишлоқлар талафот кўрди.

Вайронгарчилик миқёсининг шунчалик катталигига сабаб нима! Фақат зилзилами! Йўқ, бу борада ҳамма мутахассисларнинг ҳулосаси бир хил: қурилиш ишларининг сифати ниҳоятда паст, лойиҳадан чекинмишлар, пала-партишлик ва бошқа камчиликлар кўп учрайди. Келинг, яхшиси муҳандис нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрайлик бунни.

ҚУРИЛИШ СИФАТИ. Замонавий биноларда цемент ва цементли қоримша албатта ишлатилади. Бузилган деворлар орасидан цементли қоримшани олиб қўл кафтида сиқилса, дарров уваланиб, қум қолади, бунинг цементи борли, ўзи деб ҳайрон бўласиз. Ғишт ва тош деворларнинг аксарияти шундай қоримшалар билан тикланган. Қурувчилар тайёрлаётган бетон белбоғлар ва ёрдамчи қисмлардан ҳам цементни «тежаб» қолишган, улар етарли зичланмаган, ичида ғишт, туф парчалари каби бегона жинслар учрайди. Заводда тайёрланган темир-бетон қисмларининг ҳам сифати паст, меъёр талабларига жавоб бермайди. Биз 9 қаватли йирик панелли уйдаги темир-бетон деворнинг бурчагини суратга олдик. Унда қум ва цементнинг етишмаслиги яққол кўриниб турибди, демак, бетон зичланмаган. Зилзила натижасида шағал тошлар тўкилиб тушган. Шундай бўлса ҳам уй сақланиб қолган.

Зилзила арафасида қуриб битказилган радио қисмлари тайёрлайдиган заводнинг ағдарилиб тушган 105 метрли мўрисидан фақат 30 метри қолган, унинг ҳам бир томони эзилиб, майдаланиб тушган. Мўрининг бузилиш ҳолатига кўра шунини айтиш мумкинки, бетон ниҳоятда мўртлигидан, арматуралар гўёки хамирдан қил суғургандай енгилгина сидирилиб чиққан. Махсус асбоб ёрдамида ўлчаб кўрилганда бетон маркази 300 ўрнига 150—200 бўлиб чиқди. Электр пайвандларининг ночорлиги сабабли кўплаб деворлар чокидан ажралиб кетган.

КОНСТРУКЦИЯ ҚУСУРЛАРИ. Арманистоннинг ғишт ўрнида ишлатиладиган асосий қурилиш ашёси тоғ жинси — туф тошидир, у оғирлиги ва механик хусусиятларига кўра хумдонда пиширилган ғишга яқин туради. Одатда туфнинг беш томони текис кесиб, олтинчи томони узиб олинади. Энсиз деворлар одатдагича, қалин деворлар эса «мидис» усулида кўтарилади. Бу усулда туф блоклари ҳар бир қаторга икки ёндан, нотекис томони ичкарига қара-

тиб терилади ва ораси гипсли ёки цементли қоримша билан тўлдирилади. Усулнинг камчилиги шундаки, тошлар бир-бирини «тишламайди». Зилзила оқибатида узунасига икки қатлам ажралиб кетганининг сабаби ҳам шунда бўлса керак. Беш қаватгача бўлган биноларнинг аксари туфдан шу усулда қурилган.

Кўп қаватли биноларнинг пастки қавати хонадон учун эмас, балки асосан маъший хизмат, савдо муассасалари учун мўлжаллаб қурилган. Шу боисдан дераза ва эшикларни катталаштириш ҳисобига юк кўтарувчи оралиқ деворлар кичрайиб қолган. Натижада таянч кучи йўқолиб, юқори қаватларнинг босимида дош беролмай эзилиб кетган.

Биз кузатган яна бир бинода ақл бовар қилмайдиган ҳодиса содир бўлган: остида ойнаванд магазин жойлашган зилзила бинонинг биринчи қавати устунлар ёрдамида кўтарилган. Зилзила туфайли бинонинг икки ён қаноти йиқилиб тушган, ўрта қисми эса биринчи қават устунларини эзиб бир қават бўйича пастга чўккан ва йиқилмай тўрт қаватли бўлиб қолган. Бу ҳолат биринчи қаватдаги устунларнинг ночорлигини тасдиқлайди.

Яна бир ажабланарли ҳолат. Беш қаватли бинонинг ҳамма қаватлараро тўсиқ плиталари осонгина ажралиб тушган, юк кўтарувчи ёндор эса йиқилмай устивор турибди. Демак, плиталарнинг учлари деворга озгина илинтириб қўйилган холос. Агар пухтароқ маҳкамланса, балки бу бино бузилмай қолармиди! Шуниси ажабланарлики қурилиш нормаларида ҳам плита учларининг деворга кириши 10—12 сантиметр қилиб белгиланган, бу эса етарли эмас. Аммо ҳаддан ташқари ортиқчалик қилинса плиталар деворни кесиб, унинг мустаҳкамлигини бўшаштиради. Бу ўринда плита конструкциясини бошқача тузиш керак бўлади. Таассуфки, лойиҳачилар, бош қотириб ўтиришмаган.

Кўпчилик мутахассис олимларимиз маъқул деб ҳисоблаган синчли эгилувчан бинолар Арманистон шаронтида ўзини оқламади, аниқроғи Арманистон қурувчилари уни бадном қилдилар. Спитак ва Ленинанкан шаҳарларидаги бундай биноларнинг деярли ҳаммаси ё бузилиб тушган ёки вайрон бўлган. Кировоканда эса бундай биноларнинг кўпи яшаш учун яроқсиз ҳолга келган. Темир синчли биноларнинг яллисига бузилишининг асосий сабабларидан бири, устунларнинг улиниш ночорлигидир. Заводда тайёрланган темир-бетон устунлар қурилиш майдонида учма-уч қўйилиб, арматуралари пайвандланади, сўнгра атрофига қолип ўрнатиб ичига бетон қўйилади. Табиийки, устуннинг бу жойи бошқа жойларидан бирмунча бўш чиқади. Устунларнинг ўша улиниш жойидан бузилиш намунасини эса биз юқорида кўрсатиб ўтдик. Умуман устунли иморатларда арматуралар бўйлама куч таъсирида букчайиб, эгилиб қолган, улардан бир қисми эса бўйлама эгилишга бардош беролмай синиб кетган. Бу ҳолат 9—10 қаватли биноларнинг асосан биринчи ва иккинчи қаватларида ва қисман учинчи қаватида учради. Устунларнинг шундай чўкиши ҳар бир қаватда 5—10 сантиметрдан бўлиб, пастки учта қавати бўйлаб умумий чўкиш 15—20 сантиметрга етса, бино турғунлигини йўқотади. У бир томонга оғиб ағдарилиб кетиши муқаррар. Сўнгги 15—20 йил мобайнида қурилган Ленинанкандаги энг замонавий турар жой даҳаларидаги биноларнинг ярмидан кўпи ичидаги рўзғору одамлари билан ерда ястаниб ётар, қолганлари ҳам ўзининг охириги кун ва соатларини кутиб турарди.

ЯХШИ САҚЛАНГАН БИНОЛАР. Юқорида биз кўриб чиққан вайронлар қаторида кам шикастланган ва умуман зарар кўрмаган, яъни зилзилага яхши бардош берган иморатлар ҳам бор. Бу-

МУШТАРИЙЛАР КОНКУРСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

1. Табиатда рўй бераётган СИРЛИ ХОДИСАЛАР, номаълум учувчи жисм (НУЖ)лар билан ғаройиб учрашувлар, полтергейст ҳодисаси, ғойибдан билувчилар, ғаройиб қобилиятли кишилар, хусусан ойномамизнинг ўтган йилги 12-сонда «Сирли ҳодисалар» номли муҳарририят мақоласида саналган шу каби кўплаб воқеа-ҳодисалар ҳақида Сиздан қизиқарли, асослаб, атрофлича тушунтириб ёзилган мактублар кутамиз.

2. Мактубларингиздан намуналар ёритилаётган «ХУР ФИКР» рўкини учун: фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм)га асосланган ҳолда, истилган мавзудаги, лекин бугунги кунда Сизга ором бераётган, қаттиқ ўйлантираётган ижтимоий, иқтисодий, оддий

лар асосан 60-65-йилларгача қурилган эски бинолар бўлиб, кўп-да зилзилабардошлик тадбирлари ҳам қўлланилган эмас. Одамлар бу уйлари ташлаб чиқиб кетишмаган ҳам. Яхши сақланган бинолар қаторида йирик панелли бинолар ҳам учраб туради. Спитак шаҳрида бундай биноларнинг кўплари йиқилмаган. Ленинкандагилари эса ҳали яшаш учун яроқли. Мазкур уйлارнинг биринчи, иккинчи ва тўққизинчи қаватларидан бошқа қаватларида ҳаттоки қилдек кичик ёриқлар ҳам учрамайди. Демак бу йирик панелли бинолар ўзининг зилзилага чидамлилигини яна бир бор кўрсатди.

Хусусий бинолар ичида босиб қолганлари кам учрайди (тахминан 5 фоз), кўплаб уйларда жиддий шикастланишлар йўқ. 1957 йили қурилган Боку комиссарлари номли кўчадаги икки қаватли уйни гўёки зилзила четлаб ўтгандай. Унинг на ичкари ва на ташқарисидан бирорта кичик ёрилишу ёки сувоғи кўчган жойни кўрмадик. Энг ажабланиш ва ниҳоятда ачинарли ҳол шуки, ўша уй билан ёнма-ён қад кўтарган, баҳоси миллион сўмлар билан ўлчанадиган 16 қаватли ҳашаматли замонавий бино қайта тиклаб бўлмас даражада ҳалокат ҳолатида бўлса! Унинг ташқи кўриниши бинойидек, ичидаги тўсик деворларнинг эса деварли ҳаммаси йиқилиб тушган, бикирлик ўзаги эзилиб арматуралари бетондан ситилиб чиқиб кетган. Бу бино бир томонга бир оз огган. Бу уйда энди яшаб бўлмайди. Бунга қандай баҳо берамиз! Бундан юз карра арзонга қурилган эски бинолар ер ости турткиларидан қилт этмасан, фан ютуқларига асосланиб замонавий техника ва қурилиш ашёлари билан бунёд этилган бинолар, кўп қаватли катта-катта даҳалар ер билан яқсон бўлса! Бунинг сабаби нима, бунга ким айбдор! Бир неча ўн минглаб қурбонлар, битта ҳам жон омон чиқмаган 500 ўқувчилик мактабу, минглаб ҳатин-қиз, келин-чақларни қаърига ютган пайпоқ тўқши фабрикаси-чи, буларнинг барчасига ким жавоб беради, фақат зилзилами!

Шу ўринда баъзи далилларни келтиришни лозим деб ҳисоблаймиз: зилзила содир бўлган вилоят шу давргача 7 балли зонага киритилган ва ҳамма нишоотлар 7 баллга ҳисоблаб лойиҳалаштирилган. Бу сейсмолог олимларимизнинг хатосидир. Ахир шу соҳада қанча-қанча илмий ишлар бажарилди, илмий даража, унвонлар олинди ва лавозимлар эгаланди. Мана унинг завоғи қайтарган хизматлари! Юқорида айтиб ўтилган қурилишлар сифатининг пастлиги, цемент ва бошқа қурилиш ашёларидан ўтириш, ишдаги масъулиятсизлик, лойиҳадан чекинмишлар ва ниҳоят конструкциядаги камчиликлар ҳаммаси қурувчилар бўйнидаги айбонадир. Ахир, нима учун бирор кимсага жароҳат етказган шахс жиноий жавобгарликка тортиладию, ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг қотиллари жазосиз қолаверади!

Партиянинг 60—70-йиллардаги даъватига биноан «иқтисод тежамли бўлиши керак» эди. Биз унга лаббай деб жавоб бердик ва ҳамма соҳада тежашга киришдик, жумладан маорифда, тиббиётда, қурилишда ва бошқа соҳаларда тежасини бошлаб юбордик, ниҳоят бугунги иқтисодий, сиёсий инқироз ҳолатига етиб келдик. Иқтисодий нафси бўлмаган илмий ишларни илмий кенгашлар рад қиладиган бўлди. Оқибатда асоси бўлмаган ҳавойи иқтисодий нафлар ўйлаб топилма бошланди. Қани ўша қоғозларда ёзилган миллиард-миллиард иқтисодий фойдалар! Қурилишдаги тежамкорликни аввалги мустаҳкамлигидан кам бўлмаган янги ашёлар ёки конструкциялар яратиш ҳисобига эмас, мавжудларини бўйнидан ва эндиан йўниш ҳисобига бажарилди. Замонавий ғиштаримиз ҳам аввалги қиёфасини ўзгартиб қўйди, ўлчамли кичрайиб сифати пасайиб кетди. 20-30-йилларда қурилган биноларга қаранг! Улар қанча зилзилаю, ёғин-сочин синовларидан баралла ўтиб келаётди. Замонавий ғиштаримиз-чи, нам тегар-тегмас уваланиб тушади. Бунинг устига хумдондан чиққан ғишларнинг энг сараси шахсий хўжалик қурилишларига, «қозон тағида куйгани» ҳамда тобига етмай хом қолганлари давлат ва жамоат қурилишларига жўнатилади.

ҳаётий муаммолар, уларнинг ечими йўлидаги ўйлар, ўзига хос таклифлар, янги, қутилмаган, «теша тегмаган» кузатиш, тадқиқот ва ғоялар, мустақил фикрларни ёзиб юборинг.

3. Йил бўйи турли фан соҳалари, маънавий, иқтисодий, социал ҳаётимиз муаммоларига оид «ФАН ВА ТУРМУШ» СУРОВЛАРИ (Масалан, 1-ва шу сонда миллий мактаб ҳамда қайта қуриш муаммолари ёритилган саволлар каби) бериб бориладими, Сиз уларга жавоб ёзиш билан юракни ёғ қоплайдиган хотиржамлик, ўтмишни унутган манкуртлик, бугунги унутган лоқайдлик каби иллатлардан тозаланиб бораётганимизни ҳис этасиз. Демак, бу борада ҳам мактубларингизни кутамиз.

Шу уч йўналиш бўйича Сиз юборган мактубларнинг саралари ойнамада эълон қилиб борилади ва конкурс совриндорлари деб топилган мактуб эгалари «ФАН ВА ТУРМУШ» КУТУБХОНА-СИ» туркумида бу йил чоп этиладиган қизиқарли рисоаларнинг ҲАММАСИНИ бир йўла қўлга киритишди. Совриндорлар номи келгуси йилнинг дастлабки сонларида эълон қилинади. Конкурсга марҳамат!

Зилзила вайроналари орасида кезар эканмиз, шоиримиз Гафур Ғулмонинг «тақдирни қўл билан яратур одам», деган хитобни эшитилаётгандай эди. Дарҳақиқат, Арманистон қурувчи ва лойиҳачилари бу «жаҳаннамни» олдиндан тайёрлаб қўйган эдилару, инсонларни унга ташлашнинг мавриди келмаганди. Бу зилзила эса бир баҳона бўлди, холос. Юқорида келтирилган хато ва қусурларга йўл қўйилмаса, қурилиш сифати ошса, қурбонлар сони бир неча бор камайган бўлмасмиди! Ахир сифатли қурилган эски бинолар бешикаст турибдику! 7 балл ўрнига 9 балл бўлди, деб ўз жиноятларини ҳаспўшламасинлар, зилзила қаллобларни кечирмайди! Сейсмик фаол минтақалардаги шу кунги қурилиш сифати йўл қўйиб бўлмайдиган даражада ночор эканлигини ҳисобга олсан, яқин келажақда содир бўлиши мумкин кучли зилзила оқибатини кўз олдида келтира оладиган ҳар бир инсон қалбини фақат ваҳима босади, холос.

Келинг энди Тошкентимизга қайтайлик. 1966 йилги зилзилагача энг баянд бино 3 қаватдан ошмасди. Зилзиладан сўнг мутахассисларимиз довурак бўлишиб, биноларни кўкка қараб бўй чўздир бошладилар. Ававалига 8—9 қават, сўнг 16,20 ва, ниҳоят, 23 қаватгача яқинлашиб қолдик. Сейсмик фаол ҳудудларда бунинг чегараси борми! Бу бинолар ҳали зилзила синовидан ўтганича йўқ. Демак, мутахассисларимизнинг, лойиҳачи-қурувчиларимизнинг ҳисоб-китобларидан шубҳаланишга асосимиз бор. Мабодо кучли зилзила такрорланиб қолса, бошимизга Арманистон фожеси тушмаслики кафолатини ким бера олади! Бу билан ҳам-шаҳарларимиз юрагига гулгула солмоқчи эмасмиз, аммо «ўзингга эҳтиёт бўл» деган нақлни унутмайлик. Тўғри, кўнглимизга таскин берадиган омиллар ҳам бор: сейсмологларимиз сейсмик микрорайонлаштиришда унчалик қўпол хатога йўл қўймагандилар, қурилишларимизнинг сифати Арманистондагидек ночор бўлмас керак, деб умид қиламиз. Бироқ янги уйларга кўчиб кирганларнинг қурилиш сифатидан шикоятлари тобора ортиб бораётганига қараганда хотиржамликка асос йўқ. Агар биноларнинг эшик-деразалари, шипи ёки поли сифатсиз бўлса-ку баҳарнаб, бердию юк кўтарувчи қисмларнинг, электр пайвандларнинг, цементли қорншма ёки бетоннинг сифати паст бўлса-чи! Бунга ҳаёт-мамонт иши дейдилар! Шунинг учун ҳозиргача мавжуд фойдаланиб келинаётган бино ва нишоотлари батафсил текширувдан ўтказиш, уларнинг мустаҳкам ва сифатли қурилганлиги кафолат берилиши зарур. Ҳар бир нишоот ёки бинонинг мустаҳкамлигини текширган ва унга жавобгар шахсларнинг, қурувчи-лоийҳачиларнинг исми шарифлари мармар ёки гранит лавҳаларга ёзилиб шу бинонинг деворларига кўндириб қўйилса, доим уларни ҳалқ эслаб, яхшиларидан миннатдор бўлади, ёмонлари эса албатта қарғишга қолади. Оқибатда қурувчиларнинг ўзлари ҳам бинонинг тақдирини ва келажагини учун доим жавобгар эканликларини ҳис эта бошлайдилар. Умуман қурилишда кучли назорат ўрнатиш зарур.

Бутун дунё зилзилашунос олимларининг эзгу орзулари бўлажак зилзилани олдиндан айтиб беришдир. Бу соҳада катта илмий изланишлар олиб борилмоқда, жуда катта маблағ сарфланмоқда. Бу мураккаб ер ости жараёнининг содир бўлиш жойи ҳамда вақтини яқин келажақда айтиб беришар дея олмаимиз. Мабодо фаннинг қудратию олимларимизнинг қаромати билан зилзила аниқ айтиб берилса, одамларни қўтқариб қолиш мумкин бўлади, аммо биноларни эмас. Бас, шундай экан, мустаҳкам ва сифатли қурилган бошқа чора йўқ. Юқорида қайд этганимиздек сифатли қурилган бинолар 7 балл ўрнига 9 балли зилзилага ҳам дош берди. Сифатли ва мустаҳкам қурилганлиги сабаблигина қадимий мадраса, масжид, мақбара ва миноралар асрлар оша зилзилаларга дош бериб бизнинг давримизгача сақланиб келмоқда.

Умуман, шахарсозлик хусусидаги жиддий фикрларимиз, тавсияларимиз эса «ФТ»нинг ўтган йилги 9-сонда эълон қилинган «Хўшёрликка даъват» мақоласида баён этилган.

КОИНОТНИНГ ЕРГА НОМАСИ

Ёрқин НУРИДДИНОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

ХУРМАТЛИ МУХАРРИРИЯТИ! «Фан ва турмуш»нинг 1990 йилги 12-сонида берилган «Сирли ҳодисалар: «ФТ-91» мақоласи бизда жуда катта қизиқиш уйғотди. Узиям, ойноманинг биргина саҳифасида бир неча йилга етгулик қизиқарли мақолалар режаси берилибди. Шундан буён «Фан ва турмуш»нинг ҳар бир сонини зўр қизиқиш ва сабрсизлик билан кутаётган бўлиб қолдик.

Уша мақолада таклиф этилган мавзуларнинг ҳамма-ҳаммасини ёритишингизни сўраймиз. Лекин авваламбор ўзга олам вакиллари билан мулоқотлар ҳақида ҳикоя қилсангиз. Учар ликопчада келган мавжудотлар билан алоқа боғлаган кишилар Ўзбекистонда ҳам кўплиги ҳақида ёзишяпти. Лекин эшитишимча, Ерда туриб бошқа сайёрада яшаётган мавжудот билан ғойибона мулоқотда бўлувчи одамлар ҳам бор экан. Ана шундай кишилар ҳақида ҳикоя қилсангизлар деган илтимос билан

Ҳаввожон МАТНАЗАРОВА,
тикувчилик соҳасида муҳандис-технолог,
Хоразм вилоятининг Хонқа ноҳиясидан.

Ойномамизнинг 12-сони муҳтарам муштарийлар қўлига етиб борар-бормас «Сирли ҳодисалар: «ФТ-91» мақоласи юзасидан хатлар ёғилиб кетди. Мана, тўртинчи ойдирки, муҳарририятга бетўхтов оқиб келаётган мактубларнинг ниҳояси кўринмайди. Очиги, кичкинагина мақола шу қадар катта қизиқиш уйғотади деб кутмагандик сира. Яқин орада бирон мақола юзасидан бунчалик кўп хат олмагандик ҳам.

Муштарийларнинг аксарияти ўша мақоладаги режа-таклифларимизни битта қўймай кўчириб ёзиб, ҳар бирини ёритишимизни сўрашибди, баъзилар ҳатто қатъиян талаб қилибди! Бу хил муштарийларимизни хотиржам қилишга ошиқамиз: таклиф этилган ўнлаб мавзуларнинг ҳар бири бўйича юзлаб хатлар олаётимиз, демек, биронта илтимосингиз ҳам ерда қолмайди, ҳар бир мавзу ёритилади.

Хуллас, «Сирли ҳодисалар: «ФТ-91» режаларини амалга оширишни бошлаймиз.

Ўзга Олам вакили билан ғойибона алоқа боғлаган тошкентлик мулоқотчи Клара Маликова ҳақида жумҳурият ва иттифоқ матбуотининг рус тилида чоп этилувчи нашрларида кўплаб мақолалар эълон қилинди. Бу аёлнинг Ўзга Оламлик мавжудот билан ғойибона мулоқоти натижасида вужудга келган ғаройиб суратлари ҳам кўпчиликка таниш: улар «Билим» жамиятининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар уйларида ташкил этилган уфологик кўргазмаларда намойиш қилинди («УФО» — «номаълум учувчи жисм» нинг инглиз тилидаги қисқартмаси). Илтимосларга кўра, Кларанинг фазовий мулоқоти ҳақида ўзбек муштарийларига ҳам ҳикоя қилиб берайлик.

Жамиятимизнинг ривожланиш жараёнидаги бузилишлар нафақат тараққиёт йўлида иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий йўқотишларга олиб келди, балки мавжуд воқеликни идрок этиш имкониятларимизни чеклаб ҳам қўйди. Унлаб йиллар мобайнида бизда турғун-материалистик дунёқараш, оламга сохта-дахриёна муносабат шакллантириб келинди, бунинг оқибатида эса борлиқни англаш, идрок этишнинг сунъий равишда яратилган қолипига сиғмайди-



ган ҳар қандай нарсани суриштириб ўтирмасдан, кўр-кўрона инкор этаверадиган бўлиб қолдик.

Мавжуд воқеликда одамлар дуч келаётган, бироқ ҳозирги илмий билимлар билан изоҳлаб бўлмаётган кўплаб ғаройиб ва сирли ҳодисалар ўша одамларнинг гўёки носоглом руҳий ҳолатига олиб бориб боғланмоқда. Оламни англаб етишнинг фақатгина ақл-идроқка асосланган йўлини яққою ягона тўғри усул деб билиб келган ва, минг бора таассуфки, ҳозирги кунда ҳам шу қайсарлигидан воз кечишни истамаётган расмий илм-фан оламни англаб етишнинг ҳис-туйғуга асосланган ва кўп асрлик бой таърибага эга бўлган яна бир усулини унинг анъанавий қолипига сиғмаётгани учунгина ҳанузгача рад этиб келаётир.

Эндилликда ҳаммага яққол аёнки, инсон ўзини табиатдан, Коинотдан юлиб олиши билан ҳозирги фожевалар сари дастлабки қадамини қўйган. Инсон бир бутун, яхлит фазовий ҳаётнинг кичик бир, лекин узвий зарраси эканлигини эса биз энди-энди, сал-пал идрок эта бошладик. Маълум бўлаётирки, шу жойда, Ерда юз берадиган ҳар қандай ҳодиса Коинотнинг қайсидир олис-олис пучмоқларида аксадо берар ва ёки аксинча бўлар экан. Бошқача айтганда, инсон мўъжазгина бир система сифатида атрофини ўраб турган улкан муҳит — Коинот билан беҳисоб, лекин кўзга кўринмас ришталар орқали чамбарчас боғлангандир. Ана шу хил алоқа ришталари орқали инсон Коинотдан оладиган қувват ва ахборот унда асосан ақли ботинийда тўпланиб бораверади ҳамда вақти-соати келиб инсон вужудига хилма-хил тарзда таъсир кўрсатиб туради. Масалан, денгизда сув қалқиши ва қайтиши ҳодисаси тўлини Ой ва янги Ой билан бевосита боғлиқ экани ҳаммага маълум, бироқ Ойнинг бу ҳолатлари инсон вужудигаги суюқлик миқдори, бинобарин, унинг кайфиятига ҳам таъсир кўрсатар экан.

Бироқ гоҳо-гоҳо ташқаридан олинган бирон-бир қувват-ахборот ногаҳон онгимиз юзасига қалқиб чиқади ва биз бу фикр, ғоя, образ ёки рўё кутилмаганда қаердан пайдо бўлганини билолмай ҳайратда қоламиз. Тўғри, бу билан биз бемор тасаввур, рўё ва шу каби ҳодисалар бўлиши эҳтимолини инкор этмоқчи эмасмиз асло, аммо айни вақтда муайян шифокорлик муассасаларида мажбуран «даволанаётган» айрим «беморлар» Коинотдан онгли равишда ва фаоллик билан қувват-ахборот олувчи ҳамда ҳозирча бизга номаълум фазовий мавжудотлар билан бевосита мулоқот қилувчи кишилар бўлиб чиқиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Кейинги вақтларда маълум бўлаётирки, бизнинг орамызда Коинотдан олинувчи қувват-ахборотни бемалол ўқий олишдек, ҳатто бизга номаълум сирли мавжудотлар, ўзга оламликлар ва ҳоказолар билан мулоқот қила олишдек ғаройиб қобилиятга эга одамлар бор экан. Чунончи, Пермь вилоятидаги аномаль зона ҳаммага таниш, бу тўрида Павел Мухортов ва бошқа қаламкашлар кўп ёзишди. У ерда Коинотнинг бошқа оламларидан келаётган мавжудотлар билан ғаройиб, баъзан ҳатто саломатлик учун хавфли бўлган учрашувлар юз бермоқда. Мулоқот асосан номаълум мавжудотлар кўпроқ қўллайдиган телепатик усулда олиб борилади. Номаълум мавжудотлар деб атаётганимизнинг сабаби шундаки, улар қаердан келаётганини ҳали аниқ билмаймиз. Улар балки олис юлдузлардан келаётгандир, эҳтимол, Ерда яшар, биз билан сайёрадошдир... ёки, пировард оқибатда қандайдир соф ақли ботиний жараёнларнинг бир кўриниши бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Энди эса бизда сохта-дахриёна мафкура тарбиялаб етиштирган бадгумонликни бир четга суриб қўйиб, лекин айни вақтда мистикага ҳам берилмаган ҳолда бир одамнинг номаълум мавжудот билан қувват-ахборот мулоқоти ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Бу бизнинг юртдошимиз, Тошкентдаги лойиҳа илмгоҳларидан бирининг ходимаси Клара Маликовадир. Унинг айтишича, 1990 йил 9 июль кунидан бошлаб Пуатостон сайёрасида яшовчи Ковеспуль исмли мавжудот билан мунтазам телепатик алоқа ўрнатган. Бу ўринда шуниси қизиқарлики, Ковеспуль Кларанинг қўли билан бир-бириндан ғаройиб суратлар чизади.

Сурат чизишда Клара одатда оддий шарикли ручкадан фойдаланади, лекин акварелда ишланган суратлари ҳам бор, шу вақтгача чизган жами суратлари юзга яқин. Ковеспуль Кларанинг ёрдамида сурат чизар экан шунчаки кўнгилхушлик учун қилмайди бу ишни, балки одамлар учун зарур бўлган қандайдир ахборотни беришга уринади. Шерикликда чизилаётган бу суратлар Ерда ҳаётнинг ривожланиши, сайёрамизнинг ҳозирги экологик аҳволи, фазовий алоқалар ва ҳоказо мавзуларга бағишланган. Улар гўё инсоният ниҳоят ўйлаб кўриб, табиатга ваҳшиёна муносабати ҳалокатли оқибатларга олиб боришни тушуниб етсин деган мақсадда Пуатостон сайёрасининг Ер сайёрасига нисбатан ўзига хос мурожаатидир.

Шунингдек, Ковеспуль Кларага ўз сайёрасининг алифбосини ўргатиб, шу ёзувда инсониятга ўз номасини ҳам юборди. Бу матн ўқилиб, сўзма-сўз таржима қилинди. Марҳамат, Коинотнинг Ерда номаси билан танишинг.

ИНСОНГА ҲИТ

Коинот йўл кўрсатгай куч-қудрат сари
Шу ўғитдан бошланажак мактуб муқаддимаси.
Нур қаерни кўрсатса — мактуб муқаддимасини изланг,
мактуб муқаддимасини эса Коинотнинг кучи кўрсатгай.
Еруғлик нури Коинот қалъаларини кўрсатгай.
Бу қудрат, ўғит мисол, Коинотнинг Оллоҳ сари
ёруғлигини кўрсатгай.
Оллоҳ — куч-қудрат, йўл-йўриқ, ўғит, ёруғликдир.
Йўл ҳисобини галактика кўрсатгай.
Куч қандай қилиб Коинот қудрати сари
олиб боришидан маслаҳат берайин.
Куч сари йўриқни Оллоҳ кўрсатгай —
Коинот нурини бергай.
Сиз учун йўриқдир: қайси муддатдан
бошлаб ва қандай қилиб Коинотнинг
ёруғлик нури йўл-йўриқ кучига олиб бориши.
Мен инсонни куч-қудрат, қатъийлик сари
олиб бормоқдаман.
Схема берайпман — сенга йўриқдир, йўл берайпман,
сўз берайпман — инсонга белгидир: куч, йўналиш,
ҳисоб, мактуб муқаддимаси, физикавий ва кимёвий
ҳолат, фазовий алоқа.
Мен кўрсатдим мактуб кучини,
ҳаёт ёруғлигини, ёруғликнинг
ўсишга бўлган кучини.
Бу менинг инсонга ўғитимдир,
йўригимдир.

Ҳадемай ўзим кўрсатгайман мулоқот қандай қилиб, қаерда, қачон бўлишини ва муддатини.
Куч кўрсатгай сўз калитини қаерга ёзишни.
Буни ўз муддатини кўрсатгай йўриқ,
ўша куч қандай туғилишини.
Коинот кўрсатгай бу куч ... муддатгача қандай ўсиши мумкинлигини.
Менинг йўригим. Сизга очаман: инсон мактуб муқаддимаси билан кўриши мумкин Коинотни.
Куч мулоқот учун онг ўсиши билан биргаликда ўсмоғи даркор — инсонга маслаҳат.
Мен сенга — инсонга йўриқман, агар инсон кучга нисбатан ҳалол бўлса ва яшаса виждонан. ТАМОМ.

Сиз кўриб турган сурат Ковеспульнинг номаларидан бири. Кларанинг ўзи изоҳ беришига кўра, унда Мотамсаро Она — Табиат тиз чўккан ва илтижо билан қўлларини осмонга чўзган ҳолда тасвирланган. Табиат инсониятдан ўзининг узвий бир зарраси сифатида инсоннинг ўзини, шунингдек, қушлару ҳайвонларни, газандалару ўсимликни, сув ҳавзалари ва ҳоказоларни атом офатидан, кимёвий ва бошқа хил қуроллар талафотида сақлаб қолишни сўраб, зор-зор эланаётир, ёлвораётир гўё.

— Қаранг, — деб кўрсатмоқда Ковеспуль — суратнинг юқори қисмида табиати ва бутун тирикликни йўқотаётган атом кўзқоринини кўрасиз. Ерни сақлаб қолинг, инсонлар! Бу — Ерни авваламбор Эзгулик, Муруват, Шафқатгина қутқариб қолиши мумкинлигини кўриб турган Ўзга Оламнинг Ердаги инсонга йўриғидир! Бу — дунёни қандай қилиб сақлаб қолиш йўриғидир!

Суратнинг чап тарафиди Эзгулик аломати акс эттирилган, унинг ёнида наботот гуллаб-яшнаб турибди. Айни вақтнинг ўзида суратнинг ўнг томонида атом ҳалокати оқибатида вужудга келувчи вазиятни — илдизи билан кўпорилган дарахтларни, қуриб қовжираган гулларни, мадад сўраб ўтинаётган бор тирикликни кўриб турибмиз.

Энди, Клара ва унинг мулоқоти тўғрисидаги тасаввурингиз тўлароқ бўлиши учун у билан суҳбатимиздан бир парча келтирсам.

— Клара, мулоқот қандай бошлангани, нималарни ҳис қилганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— 9 июль куни ишга келиб хизматга оид ҳужжатлардан бирини ёзмоқчи эдим, нима учундир қўлим титраб, бўшашиб кетаверди. Кейин... қўлим ногаҳон ўз-ўзидан ёзиб кетди, лекин менинг ихтиёримдан ташқари ёзаётганлари керакли ҳужжат эмас, балки қандайдир иероглифлар эди. Бу хил ҳолат икки ҳафта давом этди, 21 июлдан эса сурат чиза бошладим. Лекин ҳеч қандай кўрқувни сезмадим.

— Ундан сўраб кўрганмисиз: мулоқот учун нега айнан сизни танлади экан?

— Айтишича, мулоқот учун мен ҳар томонлама тўғри келар эканман.

— Узи бIRON марта бўлса ҳам кўриндимиз кўзингизга!

— Фақат бир мартагина. Уйда телевизор кўриб ўтиргандим. Бир маҳал телевизор олдида бўйи бир метрча келадиган аллақандай мавжудотнинг тутунсимон шарпаси пайдо бўлди. Қиёфасига кўра, у одамга ўхшаб кетар, лекин орасидан телевизор кўриниб турар эди.

— У инсониятнинг, сайёрамизнинг тақдиридан бирон хабар бердимиз?

— Одамларга ёрдам бериш керак, деб аввалбошдаёқ айтган.

Бу суҳбатга яна шуни қўшимча қилиб ўтиш керакки, шу мулоқот натижасида Кларада айрим экстрасенсорик қобилиятлар уйғонди, бу — шундай ҳолларда рўй берадиган одатдаги воқеадир.

Хулоса ўрнида эса бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардик. Бу — ақл бовар қилмайдиган, бизнинг бугунги дунёқарашимиз қолипига сиғмайдиган ғайриоддий ҳодиса, албатта. Бироқ эртанги дунёқарашимиз янги-янги билимлар билан бойиш эвазига ўзгариши ҳам мумкин-ку ахир! Болгариялик дунёга машҳур башоратчи Ванга билан кўп мартаба учрашган атоқли ёзувчи Леониди Леонов бу ноёб ҳодиса ҳақида бундай деган эди: «Бу — инсон қобилиятларининг олий даражада намоян бўлишидир. Ванганинг қобилиятини ҳозирча тушунчаларимиз билан изоҳлаш мумкин эмас. Биз бу хил изоҳлар даражасига ўсиб етолганимиз йўқ ҳали».



**СИРЛИ ҲОДИСАЛАР
СОЛНОМАСИ**

МУНАВВАР ҚОРИ

1878 йили тошканди азимда мадраса мударрисларидан бирининг оиласида учинчи ўғил дунёда келади. Бу оила Шайхонтовур даҳа Дархон маҳалласида яшаган. Падари бузруквор, эл-юртга таниқли Абдурашидхон ва волида меҳрибони Хосиятхон фарзандига Мунаввар, яъни нурга тўлган ва нур билан ёритилган, ёруғлик келтирувчи маъноларни англатувчи исм қўйишади. Болалар кўп ўтмай етим қолади. Оналари Хосиятхон маҳаллада отинойилик қилади. Уз даврининг ўқимишли ва фозила аёлларидан бўлган Хосиятхон жигаргўшаларига дастлабки савод ва бошланғич илмдан сабоқ беради. Акалари Аъзамхон билан Муслумхон ҳаётда ўз ўрнини ота касби — мадраса мударриси бўлиб етишишда кўради. Муслумхон бутун умр (1954 йилгача) масжидда имомлик қилади. Аъзамхон эса 1919 йилда вафот этади.

Мунаввар ҳам акалари қатори илмга чанқоқ эди. У дастлаб Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида, сўнг Бухородаги мадрасалардан бирида ҳадис ва фикҳ илми таҳсилга берилади. У масжидда диний таълим-тарбия билан чекланмайди. Энди у Ватан тақдири, халқ бахти, унинг ижтимоий-иқтисодий турмуши, Русия «оқпошшо» ва унинг ўлкадаги ҳарбий диктаторлик тузуми ўрнатган босқинчилик тартиботи ҳақида ўйлайди. Ниҳоят, Мунаввар Қори Ватаннинг озод бўлиб, иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлига кириши, мусулмонларга дунёвий билимлар беришнинг бирдан-бир йўли энг аввало мавжуд диний мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, янги-ча маориф тармоқларини яратишда деб тушунади. Бу борада у, албатта, ёлғиз эмас эди. Рус босқинчилар исқанжасида инграётган Туркистон генерал-губернаторлиги, «оқпошшо»га ярим қарам ҳолга келган Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлигида яшовчи халқлар орасида ҳам Мунаввар Қори билан ҳамфикр кишилар етишиб чиққан эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мунаввар Қори ўтган асрнинг 80-йилларида Исмоилбек Ғаспринский томонидан Кримда асос солинган «усули жаҳид» — янги усулдаги мактабларни Тошкентда биринчи бўлиб очишга бел боғлайди.

Халқ фидокорининг жаҳид мактаби, яъни янгича мактаб очиш тўғрисидаги дастлабки сўровига маҳаллий маъмурият рухсат бермайди. Жуда катта меҳнат ва турли таъқибларга бардош бериш эвазига Мунаввар Қори 1901 йили биринчи жаҳид мактабини очиб,

Мунаввар Қори рафиқаси Лазизахон ва жияни Муҳаммадхон билан 20-йиллар ўрталаридаги сурат.



болаларни ўқитишга муяссар бўлади. У бу усул билан ўқувчиларга беш йил ичида ўргатиладиган билимларни уч йилда беришга муваффақ бўлади. Мунаввар Қори жаҳид мактаблари учун янги товуш усулида дарсликлар — «Адиби аввал» [«Биринчи адиб», 1907 й.] алифбеси ва «Адиби соний» [«Иккинчи адиб», 1907 й.] ўқиш китобларини чоп эттиради. Булар ўлкадаги асосий дарсликлар сифатида бир неча бор қайта нашр этилади. У халққа маърифат тарқатиш билан чекланмай, буюк рус шовинизмининг хилма-хил найрангларига қарши ҳам курашди. Инқилобдан олдин бу «қилмиши» учун бир неча марта чор амалдорлари томонидан ҳибсга олинади ва таъқиб қилинади. Аммо булар уни сира чўчитмади.

Мунаввар Қори фаол адиб, журналист, ношир, олим ва Тошкент жаҳидларининг раҳнамоси сифатида фақат Туркистондагина эмас, балки Урта Осиё ва Русия мусулмонлари орасида ҳам катта обрў қозонади. У дастлаб 1906 йилда Исмоил Обид муҳаррирлиги ва ҳамкорлигида Тошкентда «Тараққий» рўзномасини нашр этишга муваффақ бўлади. Халққа ўз аҳволи тўғрисида тўғри маълумотларни берганлиги учун рўзнома тез орада ҳукумат томонидан ман этилади. Мунаввар Қори шу йили ҳарбий ҳокимиятдан рўзнома чиқаришга рухсат олади ва сентябрь ойининг бошларидан «Хуршид»ни нашр этади. Саккиз саҳифалик бу рўзнома Тошкентнинг Занжирли маҳалласида чоп этилган. Унинг саҳифаларида ислом, хусусан, шариятга оид масалалар билан бир қаторда халқнинг аҳволи, иқтисод ва сиёсат муаммолари ёритилгани учун мусодара қилинади. У дўстлари ва маслакдошлари Абдулла Авлоний, Аҳмаджон Бектемир, Му-

ҳаммаджон Жалилнинг яна рўзномалар чиқаришга рухсат олишларига эришади: «Суръат», «Осиё», «Ҳақиқат» рўзномалари бири ман этилса, иккинчиси нашр этилиб туради. Булар ҳам олдингилари каби илғор фикрлиги, мустамлакачиликка қарши, халқ эрки ва мустақиллиги учун мақолалар босганлиги сабабли ман этилади. 1908 йили «Сабзавор» [бадий асарлар тўплами], «Ер юзи» [географияга оид], «Тажвид» [Қуръони каримнинг ўқиш усулини ўргатувчи] китоблари босилиб, жаҳид мактабларида то Октябр инқилобидан кейин ҳам ўқилади. 1910 йили Тошкентда 10 та жаҳид мактаби бор эди.

1917 йилги Февраль инқилобидан сўнг Мунаввар Қори ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш билан бирга, «Нажот», «Кенгаш» рўзномаларини ташкил этиб, уларга муҳаррирлик қилади.

Октябрдан сўнг Мунаввар Қори янги ўрта махсус ва олий таълим асосчиларидан бири сифатида фаолият кўрсатиб, катта ғайрат билан ижодий ишга киришади. Бу борада унинг ўзи 1927 йилда Тошкент округ маданиятчилари қурултойида шундай деган эди: «Жаҳидлар... мактабларини ҳукуматга бериб, ўзлари шўро муассасаларида ишлай бошлади».

Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли Тошкент дорилфунунинг пойдеворини қўйган, унга асос солган кишилардан биридир. У Тошкентда дорилфунун ташкил этиш учун бошланган ҳаракатда илғор рус олим ва зиёлилари билан ёнма-ён туриб, ўз атрофига мусулмон уламолари ва мадраса мударрисларини тўплайди.

1918 йил 9 апрелда Мунаввар Қори уйида тўпланган жаҳидчилар Туркистон Халқ дорилфунунининг Мусулмон бўлимини ташкил этиш мақсадида 9

кишидан иборат ташкилот комиссиясини тузади. Комиссияга Мунаввар Қори (раис), Бурҳон Ҳабиб, Исо Тўхтабоев, Содиқ Абдусатторов, Муродбек, Муродхўжа, Мухтор Бакир, Абдусами Қори Зиёбоев ва бошқалар кирган эди. Улар 22 кун ичида жуда катта ижодий, ташкилий ишларни амалга оширади. Мусулмон бўлими дастурларини тузади. Дорилфунуннинг Мусулмон бўлими ҳам рус бўлими каби уч босқичдан иборат бўлиши белгиланади. Юқори босқич — дорилмуаллимин (ўқитувчилар курси, кейинроқ институт), ўрта босқич — ўрта ҳунар мактаблари, қуйи босқич — бошланғич мактабларни ўз ичига олар эди. Халқ дорилфунунни таркибининг бу шаклда бўлиши воқеликнинг ўзидан келиб чиққан — замонвий билим ва саводхонликка эҳтиёждан туғилганди.

3 май кuni Мусулмон бўлими раҳбариятига сайлов бўлиб, унда Мунаввар Қори раис (ректор), Исо Тўхтабоев биринчи, Бурҳон Ҳабиб иккинчи муовинлари, Абдусами Қори Зиёбоев хазинадор, Мухтор Бакир саркотиб бўлиб сайланади.

Ниҳоят, 1918 йил 13 май — якшанба кuni Эски шаҳардаги Викула Морозовнинг собиқ дўкони биноси (ҳозирги Ўзбек ёш тамошабинлар театри)да Туркистон Халқ дорилфунунни Мусулмон бўлимининг тантанали очилиш маросими бўлади.

Бу бўлим тез орада ўзига хос йирик билим масканига айланади. Дастлаб 9 та бошланғич мактаб очиш мўлжалланган бўлса-да, аҳоли эҳтиёжига кўра, уларнинг сони 24 га етади. Мусулмон бўлими 15 демократик ташкилот вакиллари уюшган 45 кишилик кенгаш томонидан бошқарилади. Ундаги муаллимлар сони 180 нафарга етади.

1918 йил 2 июнь кuni Мусулмон бўлимининг юқори босқич — олий таълимни таъминловчи дорилмуаллимин (ўқитувчилар тайёрлаш институти) ишга тушади. Унда Фитрат она тилидан, Камол Шамси арифметика ва геометриядан, Ҳайдар Шавқи гигиена, гимнастика ва немис тилидан, Раҳимбоев арифметикадан, Абдураҳмон Исmoilов санъатдан, Ризаев маданият тарихи ва сиёсий иқтисоддан, Мунаввар Қори (дорилмуаллимин мудири ҳам эди) она тилидан дарс беради.

Туркистон Халқ дорилфунунининг Мусулмон бўлими тўла маънодаги олий ўқув юрти бўла олмаса-да, инқилобий давр руҳига мос, ҳақиқий халқчил билим маскани эди. Унда бошланғич, ўрта ва олий таълим унсурулари ўзaro уйғунлашган эди. У кейинчалик давлат дорилфунунни учун моддий-техникавий ва илмий-ижодий асос бўлди.

«ЧОР ҲУКУМАТИНИ ЙЎҚОТИШ, — деб таъкидлайди Мунаввар Қори, — жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас». У мустабид ва мустахлак бошқаруви услуга, чор ҳукуматида қарши ку-

рашда фаоллик кўрсата бошлади: мана шу мақсад йўлида турли хил гуруҳлардан иборат жадидлар уюшмасини ташкил этади. Ўзи айтганидек, «жадидлар ўз уламолари, бойларига қарши рус социалистлари билан бирга қўлга қўл бериб ишлади».

Мунаввар Қорига буржуа демократик ва социалистик инқилоблар зулматдан қутулиш, жаҳолат устидан адолат тантана қилиши йўлидаги ёруғ нурдек бўлиб кўринади. У «Хуршид» саҳифаларида «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом»нинг баъзи моддаларини ўзгартириш, ўлкага рус деҳқонларини кўчириб келтиришни тўхтатиш, солиқ ва ўлпонларни камайтиришни кенг тарғиб қилади.

Пётрбургда подшо ҳокимияти ағдарилиши биланок, 1917 йил март ойининг бошларида Мунаввар Қори Тошкентда ислом диний уламо ва меҳнаткашлари шўроси — «Шўро Исломия»ни ташкил этди, унга раҳбар бўлиб сайланди.

Шу йили апрелнинг ўрталарида мусулмонларнинг биринчи ўлка қурултойи қақирилади. Унда мусулмонларнинг 150 нафар энг фаол вакиллари қатнашади. Мунаввар Қори шу тарихий анжуман раёсати (президиуми)га раис этиб сайланади. Унинг раҳбарлигида қурултой ўша даврнинг 16 энг муҳим ва долзарб масалаларини муҳокама қилиб, тегишли зарур қарорлар қабул қилади. Булар орасида Туркистоннинг маданий-сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини бошқариши, бўлажак ҳукумат, уруш, мардикорликка олинганлар, таъсис қурултойи қақириш, Туркистонда «Шўро Исломия» марказини тузиш, ер, сув ва бошқа масалалар бор эди. 16—23 апрелда «Шўро Исломия»нинг биринчи қурултойида Туркистон мусулмонларининг ўлка совети сайланади. Унга Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Мустафо Чўқай, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқалар қиради.

Мунаввар Қори 1917 йил ёзида Тошкент шаҳар Думасига сайлов муносабати билан ўтказилган мусулмонлар митинги ва йиғлишларида оташин нутқлар сўзлаб, уларни сиёсий фаолликка қақиради. Мусулмонлар катта муваффақиятни қўлга киритади: Думага сайланган 112 депутатдан 76 нафарини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этади. Улар орасида Мунаввар Қори ҳам бор эди.

Октябрь воқеаларидан кейин Мунаввар Қори қисқа вақт жумҳурият халқ маорифи органида меҳнат қилади. У фан ва маданият тараққиёти йўлида янги ташаббуслар билан чиқади. Айниқса унинг олий ва ўрта маҳсул таълимни ривожлантириш, янги зиёлилар тайёрлаш соҳасидаги ташаббуслари диққатга сазовордир.

Мунаввар Қори овурупоча усулдаги дорилфунун ташкил этиш билан бир қаторда мавжуд мадрасаларни ислоҳ қилиш ва уларда асосан дунёвий билимларни (математика, география,



тарих ва бошқаларни) ўқитиб, миллий зиёли кадрлар тайёрлаш ғоясини олға суради. Бу қарашларни у 1920 йил июнда Тошкентда бўлиб ўтган халқ маорифи мудирлари қурултойидаги маърузасида баён этган. 1923 йилда бу янгича усулда 30 дан ортиқ мадраса ва эски мактабларда ўқитилганлиги маълум. Аммо 1924 йил баҳоридан бошлаб мадрасалар маориф таркибидан чиқариб ташланади. Шу билан бу ташаббус ривож топмай қолади.

Бундан ташқари Мунаввар Қори совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб, маҳаллий ёшларни чет эл олий ўқув юртлирига ўқишга юбориш борасида ҳам ташаббус кўрсатади. Мунаввар Қори ҳомийлигида Германияга ўқишга юборилганлар орасида Абдувахоб Муродий, Саида Шороҳмад қизи ва бошқалар бўлган. У чет элдаги туркистонлик талабалар билан хат ёзишиб, ҳатто уларга пул юбориб турганлиги маълум.

ХАЛҚИМ ДЕБ ҲАҚ ЙУЛИДА тик туриб шаҳид бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли ҳақида тириклардан сўраб суриштириб, манба ва айрим нашрларни титқилай-титқилай тоганимиз ҳозирча мана шулардан иборат. У ҳақда адабиётшунос олим, ТошДД профессори Беғали Қосимовнинг «Жадидчилик. Айрим мулоҳазалар» («Ёшлик», 1990, № 7), тадқиқотчи ва шоир Тоҳир Қаҳҳорнинг «Мунаввар Қори» («Ёш ленинчи», 1990, 14 сентябрь) мақоласида айрим далил ва маълумотлар келтирилганки, бу нашрлар ҳам, ушбу мақоламиз ҳам бу йўлдаги дастлабки уринишлардир.

Умуман, бу улғ инсон номига тарихчи олимлар ва бошқа соҳа мутахассислари узоқ йиллар қора балчиқ чаплаб, унинг ҳақида турли ёлғон ва тўхматлар битиб келишди. Келинг, уларнинг баъзиларини кўриб чиқайлик: «Октябрь инқилобидан сўнг Мунаввар Қори фаолиятида маълум ўзгаришлар сезилди... Лекин МИЛЛАТЧИЛИК [таъкидлар бизники. — С.Х.] позициясидан қайтмади» [Ўзбек Совет Энциклопедияси, 7-жилд, 423-бет]. «Мустафо Чўқай, Мунаввар Қори Абдурашидов, Заки Валидовлар бошчилигидаги БУРЖУА МИЛЛАТЧИ УНСУРЛАР ўзларининг сиёсий талабларини апрель ойида ўтказилган ўлка съезида... рўй-рост кўтариб чиқдилар» [Ўзбекистон ССР тарихи, 3-жилд, 1971, 54-бет]. Булар, ҳозирда ҳаққоний, объектив ёзилишини кутиб турган, қора доғлари сероб бўлган тарихимиз саҳифаларидан бир жумла, холос. Тарихий воқеа-ҳодисаларни ўз номи билан аташ шахслар фаолиятига эса холисанилло баҳо бериш зарур. Шу жумладан Мунаввар Қори фидоийлигига ҳам.

Мунаввар Қори 1929 йили, сталинчи-

ларнинг «Ғолиблар съезди» бўлиб ўтган, қатағонлар янги тўлқини кучая бошлаган йилда Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) томонидан қамоққа олиниб, 1931 йилда миллат, буюк истеъодлар кушандаси бўлган «учлик» ҳукми билан отиб ўлдирилди. Ҳозирга қадар унинг қаерда отилгани ва дафи этилгани аниқ эмас. Бироқ шу вақтгача «миллатчи», «ёт унсур», «ёвуз ниятли жадид ва туркпараст» ҳамда «халқ душмани» сифатида авлодлар онгига сингдириб келингани аниқ. Буни, жумладан, юқоридаги мисолларда кўрдик. Энди бу ёлғонлар, бу тўхматлар авлодларни алдаш эканини тан оладиган ва улғу ватанпарвар бобомиз Мунаввар Қори ҳақидаги бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтадиган вақт келди.

Шунингдек, унинг муборак номи Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига мактаблар, олийгоҳларга берилса, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Беруний каби буюк сиймолар қатори унга ҳам ҳайкал ўрнатиб хотираси абадийлаштирилса, миллат олдидаги хизматлари бир қадар қадрланган бўлур эди.

Мунаввар Қорининг жияни (кичи акасининг ўғли) Муҳаммадхон Муслумхон ўғли Абдурашидов амакиси қамоққа олинган кунни шундай эслайди: «Уч ака-ука — Аъзамхон, Муслумхон ва Мунаввархон бир ҳовлида жуда иноқ яшашган. Ҳовлимиз жуда катта эди. Унинг ярмида амаким янги усулдаги мактаб очиб, болаларни ўқитгани эсимда. Амаким очган бундай мактаблар фақат бизнинг ҳовлидагина эмас, балки маҳаллада ҳам бўлган. Улар «Мухторият», «Биринчи май» каби номлар билан аталган. Амакиларнинг катта хотинлари Муборакхон опоқидан икки ўғил бўлиб, улар ёшлигида вафот этиб кетган экан. Шундан сўнг амаким иккинчи хотини Лазизахонга уйланади. Улардан фарзанд бўлмаган. Эсимда бор, 1929 йил ноябри бўлса керак, эрта тонгда ҳовлимизга ГПУнинг қуролланган ходимлари девордан ошиб кирди. Улардан бир неча киши ҳеч кимни ҳовлидан ташқарига чиқармай, ҳатто дожатга борганлар орқасидан ҳам қузатиб турди. Бошқалар эса, уйда тинтув ўтказиб, жуда кўп китоб, рўзнома, қўлёзма ва расмларни қопларга солишди. Тинтув эрта тонгдан номози асргача давом этганди. Соқчилардан бири текшириш учун чийлампали айвоннинг томига чиқиб, кейин шипга осилиб қолгани ҳам эсимда. Унинг бесўнақай талғиси осилиб турарди...»

Бу, ўша вақтда ўн ёшда бўлган, ҳозир эса 72 баҳорни қаршилайётган, ҳаётнинг анчагина аччиқ-чучугини тотган, сталин маҳбусхоналарида 8 йил азоб-уқубатлар чекиб қайтган бир инсоннинг хотираси. Мунаввар Қорининг қариндош-уруғлари ҳам қатағондан четда қолмаган эди.

Мунаввар Қорининг «айби» нималардан иборат эди, қатағондан қутилиб қолиши мумкин-миди! Ҳа, мумкин эди. Бироқ у бунинг

учун фақат бир нарсага — совет ҳокимиятининг дастлабки кунларида Туркистонда бошланган ноҳақлик ва маҳаллий миллатларни менсимаслик, камситилишига, рус подшоҳи замонида илдириган буюк рус шовинизмининг кучайишига бефарқ бўлиши керак эди. У бу йўлдан юрмади, юра олмас эди ҳам. Чунки у виждонини йўқотмаган, имони бутун, халқига меҳр-муҳаббати чексиз бир инсон эди. Шунинг учун ҳам ГПУ даги қотиллар исканжасига тушиши аниқлигини сезгани ҳолда, Мунаввар Қори бор ҳақиқатни, ўз юрак армони — кураш услубида алдамчи ишонч оғушида қолиб, хатога йўл қўйганини (фақат ўзининг эмас, барча ҳамфирқларининг ҳам) очиқ-ойдин айта билди: «Жадидлар Октябрь инқилобига ёмон қараган бўлсалар эди, 20—21-йилларгача шўро (совет) идораларида ишлаб келмас



«Тинтув эрта тонгдан номози асргача давом этганди», дейди Муҳаммадхон ота Абдурашидов амакиси Мунаввар Қорини сўнгги марта кўрган кунни эслаб. Бу суварат 1991 йил январидан олинди.

эдилар. 21-йилдан бошлаб жадидлар катта хато қилди. Турккомиссия томонидан қилинган хатоларни мустамлакачилик дедик. Ҳақиқатан улар мустамлакачи экан, уларга қарши курашмай, бутун ишни ташлаб, араз қилиб, ўзимизни четга олишимиз катта хато бўлган. Шу ишимизга пушаймон қилиб, шу вақтгача ишлаб келсак ҳам, хизматларимиз хатомизни ювиб кетар даражага бормағонга ўхшайди» («Қизил Ўзбекистон», 1927, 7 июнь).

Мунаввар Қори РСФСР ХКС ва Бутун Россия МИҚининг Туркистон иши бўйича махсус комиссиясини «мустамлакачи» деб, «араз қилиб», ўзларини четга олганликларини кўрсатиб, нималарни назарда тутаяпти!

Албатта, бу фикр 1927 йили, жумҳуриятда араб имлосини лотин имлоси билан алмаштиришга, халқни ўз тарихидан, қадимий маданиятидан маҳрум этишга, саводлиқини саводсизлик билан алмаштиришга тайёргарлик арафасида айтилганлигини унутмаслик керак. Бу даврни Ўзбекис-

тон тарихида бошланган янги хурофот даври дейиш мумкин. Бу, бир томондан.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, шу йили хотин-қизлар «озодлиги» учун ҳужум тадбири бошланиб, қадимий миллий аъёна ва урф-одатлар, шунингдек маҳаллий халқларнинг диний эътиқодлари оёқости қилинаётган, миллатлар, авлодлар шуурига ахлоқсизлик ва падаркушлик сингдирила бошлаган бир пайт эди.

Учинчидан эса, Мунаввар Қори ва бошқа маҳаллий халқ вакиллари томонидан тузилган «Шўро Исломия» ва унинг асосида таркиб топган, миллионлаб мусулмонлар вакиллари сайлаган Туркистон мусулмонларининг Улка Совети тан олинмай, дастлабки Совет ҳукумати таркибига маҳаллий миллат вакилларида бирор киши киритилмай, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги ленинча сиёсат қўпол равишда бузилди, большевиклар раҳбарлигида ўтган ишчи ва аскар депутатлари Советларнинг III Улка съездида буюк рус шовинизми руҳидаги ўлка ҳукумати тузилди. Бунинг устига устак, Қўқонда ташкил топган, ўлкадаги бутун мусулмонларнинг Туркистон мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан қонга ботирилди, ўз мустақиллиги ҳимоясига отланганлар, кўп минг сонли тинч аҳоли беаёв қириб ташланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда муқаддас мулкчиликнинг бузилиши, жамоа хўжалик (колхоз) тузилишида йўл қўйилган хатоликлар оқибати ўлароқ ҳозир эгасизликка айланган ижтимоий мулкчиликка, муқаддас мулкчилик бузилишига қарши ўша йиллари шиддатли курашнинг кучайиши ҳам бу даврнинг ўзига хос томонларидан бири эди.

Хулоса қилиб айтганда, бу, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва маънавий-ахлоқий қадриятлар буткул ўзгартирилаётган пайтдаги ҳужумкорликка Мунаввар Қори панжа ортидан қараб тура олмас эди. Халққа ва тарихга нисбатан дили пок, сўзи ҳақ бўлган Мунаввар Қори юқорида келтирилган аччиқ ҳақиқат изҳори билан ўзининг ўша давр сиёсатида маъмурий-буйруқ-бозлик бошқарув системаси шакллана, сталинча қатағонлик империяси ва компартия яккахокимлиги кучая бошлаганлигидан — бу иллатлар хавфидан бутун авлодларни огоҳ қилганлигини бугунги кунда ҳар биримиз яхши тушунамиз.

Сотимжон ХОЛБОЕВ,
тарих фанлари номзоди,
Тошкент давлат
дорилфунуни доценти.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Келгуси сонларда Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли фаолиятига доир янги (ДҲҚ) архив материаллари асосида ёзилган тадқиқот ва асарларидан намуналар, сўзларидан мисоллар ёритамиз.

ҚАДИМ юртимизда наққошлик санъати шунчалик гуркираб ривожланганки, усталаримиз чизган ва бўяган нақшлари орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олганлар. Ҳар қандай нақш бўлмасин, ислимийми, гириҳми унинг ҳар бир унсури ва ранги ўзига хос рамзий маънога эга бўлган. Наққошлик санъати тилини билиш учун эса ҳар бир нақш аломати ва рангларининг рамзий алифбосини билиш зарур эди. Наққошларимиз ҳар бир тасвирни табиатдан олиб, шакл ва ранглари асосида ўз фикрларини жонлантира олганлар. Усталаримиз борлиқни, воқелиқни, гўзаллиқни, яхшилик ва ёмонлиқни, айрилиқни, ҳаёт қувончлари ва ташвишларини нақш тили билан ёзиб қолдирганлар. Лекин биз уларнинг нақшлардаги унсиз овозларини эшита олмаймиз. Чунки биз ўз миллий санъатимизнинг тилини, анъаналаримизни, маданиятимизни унутиб қўйиш арафасида турибмиз.

Ҳозирги наққош усталар безалажак жойни яхши ўрганиб, ўша ерга мос нақш танлайдилар, уларнинг узоқ ва яқиндан кўринишини, табиий чиқишини таъминлайдилар. Технологияга ҳам амал қиладилар. Бу нақшлар жуда чиройли ва нафислиги билан кишилар дилини қувонтириб келмоқда. Лекин бу гўзаллиқнинг тили йўқ. Шундай экан биз шу кунгача сақланиб келган нақш ифодаларини таҳлил қилиб, нақш тилини тиклашга жазм этамиз.

ГИРИҲЛАР

- Тенг томонли учбурчак — мустаҳкамлик.
- Тенг ёнли учбурчак — яхлит бўлинган бўлак, айрилиқ.
- Квадрат — дунёнинг тўрт томони, осмон саройи, қуёш фарзанди, абадийлик, ёруғлик.
- Тўғри тўрт бурчак — ишонч.
- Ромб — аёл, яъни она ер рамзи, серфарзандлик.
- Айлана — олам, бахт, қуёш, одамларни ёвуз ниятидан қайтариш рамзи.
- Беш қиррали юлдуз — ҳаётнинг қисқалиги, беш кунлик дунё.
- Ярим айлана — бахт.
- Ярим ой — ислом динининг ифодачиси.
- Ўнг свастика — абадий ҳаракат, ўсиш, кўтарилиш.
- Чап свастика — тескари ҳаракат, бузилиш.
- Қуёш — ҳаёт рамзи.
- Булут, олов — голиблик рамзи.



ИСЛИМИЙ ШАКЛЛАР

- Бодом — бахт-иқбол.
- Барг — баҳорги уйғониш.
- Қалампир — ҳар хил ёмонликлардан асраш, аччиқ таъм.
- Зирк гули — осойишталик ва умр узоқлиги.
- Анор — эзгулик, тўқчилик, тўкин-сочинлик.
- Ойгул — бахт-иқбол рамзи.
- Жингала — тўкин-сочинлик, бойлик рамзи.
- Олма — муҳаббат рамзи.
- Узум — тўкин-сочинлик.
- Новда — бойлик ва фаровонлик.
- Япроқ — тўқчилик, баҳорги уйғониш, наврўз.
- Гулсафсар — осойишталик.

ҚУШ ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТАСВИРИ

- Шер — мардлик ва жасорат.
- Тулки — маккорлик.
- Чумоли — донолик, хоксорлик рамзи.
- Булбул — садоқат.
- Семурғ — бахт келтирувчи қуш.
- Бойқуш — бахтсизлик, вайроналик.
- Балиқ — ҳушёрлик рамзи.
- Сичқон — уй ҳайвонларининг қўпайиши аломати.
- Эчки ёки қўчқор шоҳи — жасурлик, мардлик, покизалик рамзи.
- Оқ кабутар — тинчлик.
- Оҳу — гўзаллик, ҳимоясизлик, нозиклик.

РАНГЛАР

- Яшил ранг — табиат.
 - Кўк ранг — мовий осмон ва ёмон кунда асраш рамзи.
 - Қизил ранг — ғалаба, хурсандчилик, шодлик.
 - Сариқ ранг — муқаддаслик.
 - Қора ранг — мотам.
 - Сариқ гул — айрилиқ.
 - Зангори — олий эътиқод.
 - Оқ ранг — тозалик, ёруғлик, бахт ва омад рамзи... ва ҳоказо.
- Хулоса шуки, халқимизнинг наққошлик санъати умр бегагидир. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган наққошлик санъатини камол топтирайлик, унинг сир-асорларини янада чуқурроқ ўрганайлик.

Саидахбор БУЛАТОВ,
педагогика фанлари номзоди.

КАМОЛОТ


Мирҳожӣ АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
мухбир аъзоси.

Жумҳуриятимизда полимерлар кимёси фани босиб ўтган тарихий йўлга назар ташлар эканмиз, бу соҳанинг қолдирғочларини ва унинг равнақида хизмати сингган олимларни тилга олишни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Мамлакат кимёгарлари даврасида, шубҳасиз, етакчилик ўрнини эгаллаган, жаҳонга машҳур Тошкент полимерчилари мактаби ҳали навқирон бўлса ҳам, унинг бисотида катта-катта ихтиролар, тарихида эса машҳур сиймолар мавжуд. Хусусан, VIII асрда яшаб ижод этган Муҳаммад Абу Бакр Розий, XI аср алломалари Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийнинг ажойиб кимёвий тадқиқотларини ганч, чинни, сопол, шиша, шунингдек сомон ва жун солиб тайёрланган пишиқ, сифатли ашёлар, юксак қурилиш ва меъморий дид билан Хива, Термиз, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарларни мўъжизавий обида ва иншоотлар билан обод қилган зеҳн соҳибларининг бебаҳо тажрибалари авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини эслатиш кифоя.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда полимерлар кимёси илдам ривожлана бошлади, бунда мазкур илм соҳасига илк қадам қўйган академик Ҳамдам Усмоновнинг хизматлари катта. Унинг эътиборини пахта целлюлозаси жалб этганлигидан бу соҳани жаҳон миқёсидаги илм даражасига кўтарди. У пахта толасини ва шу толадан тайёрланган матонинг турини ўзгартриб, хусусиятларини бойитгани ҳаммага маълум. Унинг таъбири билан айтганда, пахта толасининг хизмат муддати икки марта оширилса, заминимиздан бир эмас, қўш ҳосил олганнинг савобини топиш мумкинки, бу ҳикмат ҳали ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Ҳамдам аканинг шогирдлари профессорлар Раҳим Тиллаев, Абдусафи Йўлчибоев ва Суюн Тошмухамедов полимерлар кимёси соҳасида устозлари бошлаб берган соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бирлари полимер макромолекулаларини пайвандлаш усулини яратган бўлса, иккинчилари таркибида фтор унсури бўлган ашёлар яратди, учинчилари эса ўзлари кашф этган нозик ва ноёб усуллари қўллаб, полимерлар эритмалари назариясини янада илдам ривожлантирди.

Олимларимиз ўз тадқиқотларида тиббий ечилмаларни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Бу борада Тошкент дорилфунуни профессори Уткир Мусаев олиб бораётган полимерларни амалий тиббиёт билан чамбарчас боғловчи теран мазмунли илмий тадқиқотлар, дори-дармонларнинг киши вужуди учун фойдали жиҳатини кўпайтириб, зарарли таъсирини йўқотиш тадбирлари яхшигина самара беряпти. Сирасини айтганда, бундай тадқиқотлар мамлакатимизда илк бор Тошкентда бошланган.

Полимерлар кимёси ва технологияси тармоғининг тараққийсида Тошкент Политехника олий билимгоҳи олимлари кимё фанлари докторлари Абдулаҳад Жалилов, Тўхтамурод Абдурашидов, Фарҳод Маърупов, Асфандиёр Аловиддинов, Аҳмаджон Юсупбеков ва бошқалар ўзларининг теран тадқиқотлари билан фақат мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам шухрат қозонишди. Хусусан, Абдулаҳад Жалилов ихтиро этган ўз-ўзидан полимерлашиш реакцияси, Фарҳод Маъруповнинг жумҳурият ҳудудидаги мавжуд хомашёлардан фойдаланиб, яхлит ва мустақам, айни вақтда пўкакдан ҳам энгил ғовак тузилиши



Мирҳожӣ Асқаров илмий лабораторияда катта илмий ходим Назира Муҳиддинова билан тажриба натижаларини муҳокама қилишяпти.

ашёлар ҳосил қилиш усули кимё технологиясида янги саҳифа очди.

Полимерлар кимёсининг Менделеев унсурлар даврий жадвали билан ўз ҳисоб-китоби бор. Гап шундаки, шу вақтга қадар қўлга киритилган ва XX асрнинг полимерлар асри дейилишига сабаб бўлган ютуқлар, асосан, 5—6 унсурнинг полимер занжирига кириши билан ифодаланди. Аслида эса, даврий жадвалнинг 70 дан ортиқ унсурлари макромолекула тузилишида қатнашиши мумкин. Бунда табиатда тенги йўқ янгидан-янги ашёлар вужудга келади. Бу соҳада кимё фанлари докторлари Асфандиёр Аловиддинов ва Дилором Хонхўжаева олиб бораётган тадқиқотлар эътиборга лойиқ. Улардан биринчиси таркибида фосфор унсури бўлган полимерлар билан машҳур бўлса, иккинчиси макромолекулали синтезлаш лойиҳасида силиций унсуридан фойдаланади.

Қурраи арз нуфуси яна тўққиз йилдан кейин 6 миллиард нафарга етиши тахмин қилинмоқда. Бир томондан, шунча аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш зарур бўлса, иккинчи томондан, уларни дид билан чиройли кийинтириш лозимки, бу масалалар бевосита полмерчи кимёгарларга тааллуқлидир. Инсоният ҳозирга қадар атиги 10 хил полимер толадан фойдаланиб келмоқда. Жумладан, пахта, жун, ипак сингари табиий толалар, шунингдек ацетат, вискоза, нейлон, капронларни билмаган одам бўлмаса керак. Дарвоқе, яқин орада янги тола яратилиши эҳтимолдан узоқ деб ҳисобланган бир пайтда Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат билимгоҳининг профессорлари Латиф Юнусов, Жамол Акбаров, Эркин Зокиров, Исроил Исмоилов, Экрам Тимбековлар томонидан янги — учинчи авлод кимёвий толалар ихтиро этилганлиги ҳаммаимизни қувонтирди. Улар авваллига мавжуд толаларнинг хусусиятларини яхшилаш билан шуғулланган бўлсалар, энди жуда мураккаб ишга қўл уриб, натижада экологик жиҳатдан тоза, чиқитсиз, киши бадани учун фойдали толалар олиш усулини яратишди. Айниқса, Исроил Исмоиловнинг паст ҳароратда полимер олиш борасидаги тадқиқоти полимерлар кимёси соҳасида янгилик бўлиб, яқин орада мамлакат олимларининг эътиборини ўзига жалб этса ажаб эмас.

Шуниси ҳам борки, полимерлар кимёси деб, уларнинг физик хусусиятларини эътибордан четда қолдирмаслик керак, чунки улардан муайян физик ҳолатда ва шароитда фойдаланилади. Шу вақтга қадар уларнинг электр токини ўтказмаслиги хусусиятидан фойдаланилган бўлса, эндиликда уларнинг ўтказувчанлиги техника — электроника



Мирҳожии Асқаров — юқори молекуляр бирикмаларни ишлаб чиқиш, тадқиқ этиш ва татбиқ қилиш соҳасида салоҳиятли мутахассис. У мамлакатимизнинг етакчи билим даргоҳларида: аввал Москва Енгил sanoat технологияси олий билимгоҳида, 1953 йилдан эса Москва Кимё-технология илмгоҳи аспирантурасида таҳсил кўрди. 1957 йили техника фанлари номзоди, ўн йилдан кейин эса химия фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

Иссиқ иқлим шароитида полимерларни барқарорлаштириш борасида Мирҳожии Асқаров олиб бораётган тадқиқотлар Урта Осиё жумҳуриялари ва қўшни мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этади. Олим томонидан ишлаб чиқилган сунъий чарм олишнинг янги усули катта иқтисодий самара берапти. Унинг узоқ йиллик кенг кў-

ламдаги тадқиқотлари 400 дан зиёд илмий асарларда, жумладан 10 та китоб ва дарсликларда ўз ифодасини топган бўлиб, айни вақтда 105 та муаллифлик гувоҳномасининг ҳам соҳибидир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Мирҳожии Асқаров Буюк Британиянинг Манчестер дорилфунунинда бир йил давомида тажриба орттириб, Нью-Йорк, Братислава, Будапешт шаҳарларида илмий жамоатчилик олдида бир неча бор маъруза қилган. Жумҳуриятимиз кимёгарлари эришган илмий муваффақиятлар билан ошно этиш мақсадида Франция, Болгария, Испания, Голландия, Исландия ва Ҳиндистон мамлакатларида сафарда бўлди.

Мирҳожии Асқаров раҳбарлигида ёш олимлардан 10 нафари фан доктори ва 80 киши фан номзоди илмий даражасини олиш учун дис-

сертация ёқлади. Истеъдодли ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Мирҳожии Асқаров жумҳурият Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси илмгоҳига раҳбарлик қилиб келмоқда. У Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Қўмитаси ҳузуридаги кимё бўйича кичик академия президенти. УзССР ФА юқори молекуляр бирикмалар илмий кенгашининг раиси, Д. И. Менделеев номидаги Бутуниттифоқ кимёгарлар жамияти Ўзбекистон бўлимининг раҳбари сифатида катта ташкилий-жамоат ишлари олиб борапти.

Кўклам нафаси уфуриб турган шу кезларда ойнома таҳририяти ва муҳарририяти табаррук олтими ёшини нишонлаётган Мирҳожии Асқаровга сиҳат-саломатлик, илмий-ижодий муваффақият тилайди, эзгу орзуларининг рўёбга чиқишига тилакдошлик изҳор этади.

учун зарур бўлиб қолди. Худди шундай физикавий илмий тадқиқотлар Тошкент дорилфунуни лабораторияларида профессор Маҳмуд Маърупов раҳбарлигида олиб бориляпти. У ўз шогирдлари билан ҳамкорликда электр токини ўтказадиган, ҳатто оҳанраболашиш хусусиятига эга бўлган полимерларни ҳосил қилиш усуллари яратганлиги диққатга сазовордир.

Бу мавзунинг давом эттирар эканми, пахта целлюлозаси кимёси соҳасини ривожлантиришга салмоқли улуш қўшган олимлар: УзФА нинг муҳбир аъзоси Юнус Тошпўлатов, профессорлар Тўлқин Мирқомиллов, Ғаффор Раҳмонбердиевлар пахта толасини ҳам, ғўзапояни ҳам, ҳатто илди-зи-ю барглари ҳам қайта ишлаб, улардан ҳар томонлама фойдаланиш усуллари ишлаб чиқишганлигини таъкидлаш жоиз.

Ҳа, юқоридан номлари зикр этилган полимерлар кимёси билан машғул олимлар ўз тадқиқотларининг теранлиги,

самарадорлиги жиҳатидан мамлакатимиздаги, ҳатто хориждаги бирон илмий марказдан қолишмайдилар, баъзи соҳаларда эса пешқадамдилар. Бироқ не-не мушкулотларни бартараф этиш эвазига қўлга киритилган бундай илмий ютуқларни амалиётга жорий этишда саноатимиз ҳамон сусткашлик қилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Шуниси ҳам борки, айниқса сўнгги вақтларда умуман кимё, ҳусусан, полимерлар кимёси жаҳон миқёсида танқид мавзуси бўлиб қолди, зеро уни қўлловчилар жараёнларни нотўғри олиб бориши ва хатоликларга йўл қўйиши оқибатида сув, ҳаво ва замин ифлосланмоқда. Бунда кимё фанининг мутлақо айби йўқ. Аслида кимё модданинг бир шаклдан иккинчи шаклга безарар ўтишини тадқиқ этади.

Хуллас, полимерлар кимёси жумҳуриятимизнинг илмий тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртларида тобора камол топмоқда, келгусида унинг халқимизга янада кўпроқ наф келтиришидан умидвормиз.

қурама оқурама оқурама оқурама

РАНГЛИ ЧҲНТАК ТЕЛЕВИЗОРИ

Япониядаги «Эпсон» фирмасининг француз бўлими экрани суяқ кристаллдан, оғирлиги тўрт юз граммлик чўнтак телевизорини тақдим қилди. У «Секам» системасига мўлжалланган бўлиб, батарея асосида ишлайди. Экран диагонали 13 сантиметр, у станцияларни автоматик равишда топади. Бу телевизор

121108 элементдан (катта телевизорда — 480000) ташкил топган, равшанлиги мўъжаз экрани учун етарли. Унинг овозини колонкалари орқали кучайтириш ҳам мумкин.



кўпчилик болалар илон билан ўйнашар экан. Мамлакат шимолида заҳарсиз, ўтхўр илонлар яшайди. Улар содда табиятли, ташиқ кўриниши ҳам жуда ажойиб — ҳамма ёғи жун билан қопланган.

2000 ЙИЛЛИК МОЙ

Улик денгиз яқинидаги горларнинг бирдан ичида ўсимлик мойи бўлган 2000 йиллик кўзача топилди. Уни исроиллик ва америкалик археологлар топилди. Олимларнинг фикрича, бу мой ҳо-

зир ер юзидан йўқолиб кетган ёввойи хурмога ўхшаган дарахт мевасидан олинган. У бошқа мойларга қараганда хушбўй бўлганлигидан диний маросимларда ишлатилган. Икки минг йил ичида бу мойнинг хушбўйлиги йўқолган бўлса ҳам, кимёвий таркиби даярли ўзгармаган.

КИМСАСИЗ ОРОЛДАГИ ЧҲЧҚА

Тинч океanning марказий қисмидаги Факаофо атоллида ёввойи балиқчи-чўчқалар яшар экан. Бу ҳайвонни кузатаётган олимлар унинг моҳир сузувчи эканлигини ва 15 сантиметр сув остидаги балиқларни овлай олишини тасдиқладилар. Лекин чўчқанинг бу оролга қандай келиб қолганлиги ҳамон жумбоқ бўлиб турибди.



ИЛОН БИЛАН ҲЙНОВЧИ БОЛАЛАР

Дунёдаги ҳамма болалар ит ва мушук билан ўйнашишни хуш кўради. Мексикада эса

22. Қайси бир марҳум тўғрисида яхши гапларни айтиб, уни мадҳ этсаларинг у яхши одамлар қаторига қўшилиб жаннатга кириши ҳам аниқ бўлиб қолади. Агар марҳумни ёмонлаб, унинг ҳақида нохуш сифатларни айтсангиз у ёмонлар сафига қўшилиб дўзахий бўлиб қолади. Сизлар Аллоҳнинг Ердаги гувоҳларидирсизлар.

[БУХОРИЙ ва МУСЛИМ ривоятлари.]

23. Уч киши ёки ундан ортиқ кишилар бирга сафарга чиқсалар ичларидан бирини ўзларига бошлиқ қилиб сайлаб олсинлар.

[АБУ ДОВУД ривояти.]

24. Бировдаги фазилат ёки бирор неъматга ҳасад қилиш, уни кўролмаслик ислом динига зид нарсадир. Аммо икки хил кишини ҳавас қилиш жоиздир: биринчиси — ўзи бой-бадавлат бўлиб, бойлигини фақат хайрли, савобли жойларга сарф қиладиган одам; иккинчиси — Аллоҳ томо-

нидан илму ҳикмат берилган бўлиб, унга ўзи ҳам амал қиладиган ва бошқаларга ҳам ўргатадиган одам.

[БУХОРИЙ ривояти.]

25. Кимки илм ўрганиш нияти билан бирор томонга қараб йўл олса, Аллоҳ Таоло унга жаннат йўлларини осон қилиб қўяди.

[МУСЛИМ ривояти.]

26. Кимки одамларни яхши йўлларга, эзгу ишларга чорласа унинг даъватига қулоқ осиб йўлини топиб олганларга қанча савоб ёзилса, унга ҳам шунча ёзилади. Бу билан унинг савоби камайиб қолмайди.

[МУСЛИМ ривояти.]

27. Менинг сўзларимни яхши тинглаб, сўнг уни ўзгартирмай бошқаларга етказган кишиларнинг юзларини Аллоҳ Таоло ёруғ қилсин. Ҳадисларимни бевосита мендан эшитган одамдан кўра узоқдаги билвосита эшитган одамлар сўзларимни хотираларида яхшироқ сақлайдиган чиқиб қолишлари мумкин.

[ТЕРМИЗИЙ ривояти.]

Ҳақлиқ

Муҳаммад ҳализамбарлик ҳаётли, фарқлиқли ва кўрсатмаларли ҳақлига қалиқлар

ИЗОҲЛАР

22-ҳадис. Бу ҳадиси шарифдан маълум бўладики, дунёдан ўтиб кетган марҳумлар тўғрисида фақат яхши гаплар қилиб, уларнинг анча-мунча камчилик-нуқсонлари бўлса ҳам улар ҳақида сўзламаслик лозим экан. Бу фазилат ҳам-мада ҳам бўлавермайди. Узининг камчиликларини эътироф этган ва уларни тузатиш билан овора бўлиб ўзгалар айбини ахтармайдиган инсонларгина бу каби одатларни ўзларида мужассам этишлари мумкин.

24-ҳадис. Ҳасадгўйликнинг ҳам моддий, ҳам руҳий зарари тўғрисида бошқа кўпгина ҳадисларда ҳам баён этилган. Аммо ҳавас ҳасаддан тубдан фарқ қилади. Масалан, ҳасад қилган одам бировдаги бойлик ёки бирор неъматнинг йўқ бўлиб кетишини хоҳласа, ҳавас қилувчи одам ўша давлат ёки фазилат менда ҳам бўлса экан, деб орзу қилади ва неъмат эгасига хайрхоҳ бўлади. Мазкур ҳадиси шарифда ҳасадгўйликка қарши нафрат, олий хислатларга нисбатан рағбат ҳосил қилишга чақирилмоқда.

26-ҳадис. Бу ҳадиси шариф мазмунини ифодаладиган ўзбек халқининг бир мақоли ҳам бор. У ҳам бўлса «Хайр одам хайр, далолат ҳам хайр», яъни ўзи хайрли иш қилган ҳам яхши иш қилган бўлиб савоб олаверади, шунингдек бошқаларни шу каби эзгу ишларга далолат этиб уларни

хайрли иш қилишларига сабабчи бўлгани учун ҳам савоб олаверади. Худди шунингдек ёмон ишларга далолат қилган киши ҳам унинг гапига кириб ёвуз ва гуноҳ иш қилганларнинг жиноятига шерик бўлади.

27-ҳадис. Бу ҳадиси шарифда келган таълимот ҳаётда ўзини оқлади. Жаноб Расулulloҳдан бевосита ҳадис тинглаб ўзининг замондошларига ўз вақтида нақл қилганлар дунёдан ўтиб кетганларидан кейин ҳадисларни тўплам шаклига келтириш даври келганда ўша хотираси кучли ҳадис олимлари (ровийлар) Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа юзлаб муҳаддислар учун жуда катта хизмат қилдилар. Улар ҳар бир ҳадисни ўз тўпламларига киритишдан олдин уни нақл этувчи ровийнинг хотирасини ва эшитган сўзини қанчалик омонатдорлик ва эҳтиёткорлик билан сақлай олиш каби қобилиятларини синаб кўрганлар. Қани энди, шу каби хислатлар ҳамма вақт ҳамма авлодда ҳам мавжуд бўлса! Эшитган сўзини ўзгартирмай етқица билиш ўрнига, унга турли нолайиқ қўшимчаларни қўшиб ёки керакли жойларини олиб ташлаб гап ташийдиган кимсаларнинг ҳар ерда топилавериши афсусланишга арзигулик иллатлардандир.

Таржимон, изоҳ ва дастхат
муаллифи Абдулазиз МАНСУР.

رحملى ومهربان الله نامى الميه

محمد عليه اسلام ايتديلار

۲۲- قيسى بزم حوم توغرى سیده بخشى گىلارنى
ايتيب اونى مدح ايتسه لارينك او يىغىش
آدملار قتارىگه قوشىليب جنت گه كىر كىشى
هم ايتق بولىب قىلادى . اگر مرحومنى
ياماناب اونىك حقتده ناخوش صفت
لارنى ايتسا نكيز او يامانلار صفتيگه قوشىليب
دوزخى بولىب قىلادى . سىزلار سىنك
يىردا گى گواهار يىدور سىزلار . (ق)

۲۳- اوج كىشى ياكه اوندىن ايتق كىشى لار
برگه سفر گه چىقتىلار اچلار يىدن بىرىنى اوز
لارىگه باشلىق قىلىپ سايلاب اسيىلار (د)
۲۴- بر اودا گى فضىلت ياكه برار

نعمت گه حسد قىلىش ، اونى كورالمىلىك
اسلام دىنى گه ضد نرسه دور ، امسا
ايكى خىل كىشى نى هوس قىلىش جائز دور
بىر چىنسى اوزى باى بدولت بولىب
بايلىگى نى فقط خىرلى ، ثوابلى جايلار گه صرف
قىلادى گان آدم ، ايتىنچىسى الله تامانىدىن
علم وحكمت بىرلىك بولىب اونگه اوزى

هم عمل قىلادى گان وباشقه لار گه هم اور گاتا
دىگان آدم . (امام بخارى)

۲۵- كىمى كى علم اور گانىش نىته
بىلان برار تامانگه قراب يول آلسه
الله تعالى اونگه جنت يول لارىن
آسان قىلىپ قويادى . (م)

۲۶- كىمى كى آدملار نى بخشى يول لار گه
ايز گوايشلار گه چار لاسه اونىك دعوتى
گه قولاق آسىب يولىنى تاپىب آلگان
لار گه قنچه ثواب يازىلسه اونگه هم
شونجه يازىلادى ، بوبىلان اونىنگ
ثوابى كىمايىب قالمىدى (م)

۲۷- مىنىنگ سوزلار مېنى بخشى
تىنگلاب سونگ اونى اوزگار تىرماي
باشقه لار گه بىتكازگان كىشى لارنىنگ

يوزلار مېنى الله تعالى ياروغ قىلىمىن .
حدىثلار مېنى بىواسطه مىنىدن ايتىنگان آدم
دن كوره اوز ادا گى بالواسطه ايتىنگان
آدملار سوزلار مېنى خاطره لار يىده بخشىراق
ساقلاب آدملار گه بىتكازادىگان چىقىب
قالىشلار مېنى ممكمن . (ترمذى)

фан ва техника тарихидан

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

МАТБААЧИЛИК. Бошқа соҳаларга қараганда, матбуот ишлаб чиқариш кучининг тўп-ланиши ва марказлашуви олдинроқ рўй берди. Йирик нашриёт фирмалари ташкил топаётган молия олигархияси билан бир қаторда муҳим аҳамиятга эга. Қаламқашлардан бирининг ибораси билан айтганда, «улар жамият

фикрининг шаклланишини амалга оширади», шу тўғрисида нашриётларнинг сиёсий таъсири буюқдир.

Замонавий ротация босма машиниси 1863 йили юзага келди. Ихтирочи В. Буллок янги қурилма яратгандан сўнг босма қолип цилиндрига ўрнатилган қоғоз тасманинг икки томонига бир вақтда ёзув


Муштарийларга маълумки, ойномамиз ўз йўналишидан келиб чиқиб имкон даражасида турли соҳаларни қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу гал диққатингизга фан ва техника тарихидан лавҳалар ҳавола этмоқдамиз. Қуйида берилаётган маълумотлар XIX аср охири ва XX аср муқаддимасига тегишли. Чунки айнан шу даврда фан ва техника тараққиётида катта ўзгариш ҳамда ихтиролар юзага келди.

тушириш имкони туғилди.


1866 йили эса инглиз муҳандиси Вальтер ротация машинасига қирқувчи ва буклайдиган мослама ўрнатди.

XIX аср охирида ротация босма машиналаридан фойдаланиш одатий ҳолга

айланди. У матбуот маҳсулотини оммавий равишда ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Тигелли босма машиналари эса тез ва кўп нусхада маҳсулот ишлаб чиқариш талаб этилмаган ҳолларда қўлланилган.



Р. Хоэнинг «Мамонт» номли ротация машиниси.



Т. Эдисон фонографи.



1830 йилдаёқ америкалик ихтирочи И. Адам устки қисми қўзғалмайдиган тигелли машина яратган эди. Сўнг унинг замондоши Ж. Галли бу машинани такомиллаштирди.

Биринчи рус тигелли босма машиналари Петербургда

80-йилларда юзага келди. 1868 йил охири ва 1869 йил бошида ихтирочи П. Княгинский дунёда биринчи автомат равишда ҳарф терувчи машина яратди. Аммо ихтирочининг зарур маблағи бўлмаганидан «автомат — ҳарф терувчи» ўз вақтида полиграфияда қўлланилмай қолди.

Муҳандис М. Алисов 1870 йилда биринчи бор ҳарф терувчи босма машиналар нусхасини ясади. Бундай машиналар минутига 80—120 та белги боса олар эди. Али-

сов шунингдек, нота териш учун қолип тайёрлашнинг фотомеханик усулини ўйлаб топди.

АҚШга муҳожир бўлиб кетган немис кашфиётчиси О. Мерганталер 1886 йили линотип [инглизча «лайн» — қатор] деб ном олган янги турдаги машина ихтиро қилди. Бу машина қолипдаги ҳарфлардан тайёр қаторни ишлаб чиқарар эди. У катта шов-шувга сабаб бўлди. Икки йилдан сўнг дунёнинг турли шаҳарларида 60 та, олти йилдан сўнг эса 700 та линотип ишга тушди. Россияга биринчи бундай машина 1905 йилда келтирилган.


ЁЗУВ МАШИНАКАСИ. Уни яратиш устида XVIII асрдаёқ уриниб кўришган эди. Амалда қўллана бошлаган илк ёзув машинкасини эса 1867 йилда америкалик топограф К. Шоулз ихтиро қилган. У ўз ишини давом эттириши учун маблағ топа олмаганидан ихтиро патентини машинасозлик фабрикасининг хўжайини Ремингтонга сотади. XIX аср 70-йиллари-

дан бошлаб кейинчалик «ремингтон» деб ном олган ёзув машинкалари кенг кўламда ишлаб чиқарила бошланди. Ҳақиқий ихтирочи — Шоулз номи эса унутилди.

XIX аср охирига келиб бундай машинкаларнинг 40 дан ортиқ хили ишлаб чиқилди. Сўнг тезда савдо, банк идораларида, турли ташкилот ва муҳарририятларда асосий иш қуроли перо бўлган ёзувчи, кўчирувчилар ўрнини машинисткалар эгаллай бошладди.

ОВОЗ ЕЗИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИХТИРО ЭТИЛИШИ. Бу даврдаги улкан ютуқлардан бири фонограф ва граммофоннинг кашф этилиши эди. Фонографни 1877 йили америкалик ихтирочи Т. Эдисон яратди. Худди шу йили Эдисондан беҳабар ҳолда француз шоири, мусиқачи ва олим Шарль Кро фонограф ихтироси ҳақидаги илмий ишини Франция академиясига тақдим этади. Бироқ у ўз ғоясини амалда қўллай олмади.

Эдисоннинг биринчи ап-



Биринчи линотип.

паратиди овоз ва мусиқа мембранага ўринатилган игна орқали ёзилган. Овозни қайта эшитиш учун игна тириб чизилган ёзув устига қўйилган ва цилиндр қўлда айлан-тирилган. Кейинчалик эса соат механизми ёки электросим орқали ҳаракатга келтирилгач, Эдисон овозни пластинкага ёзишни таклиф этади.



Биринчи граммофон.

Афсуски, ушбу ихтиро амалда кенг қўлланилмай, илмий-тадқиқот ва кўнгил хушловчи восита доирасидан чиқмади.

1888 йил америкалик Э. Берлинернинг қўлига граммофон патенти тегади. Янги қурилмани аввалига «фонограм» деб аташди, аммо «фонограф» билан адаштирмаслик учун «граммофон» номи билан юритила бошланди.

Граммфоннинг фонографдан фарқи шунда эдики, дискага битилган ёзувни эбонит (шаффоф минералдан ясалган) пластинкага кўчириб чекланмаган миқдорда кўпайтириш мумкин эди. XIX аср охирида Камденда (АҚШ) жаҳонда биринчи граммофон пластинка фабрикаси очилди. Аввалига пластинканинг бир томонига, 1913 йилдан бошлаб эса икки томонига ёзув битила бошланди.

Пластинкадаги ёзувни эшитиш учун у овоз кучайтирувчи мослама (рупор) билан таъминланган граммофондан фойдаланилган. Граммфон тезда такомиллашиб савдодан кенг жой олди. Ихтирочининг исми унутилиб, граммофонлар ишлаб чиқарилган фирмалар номи билан атала бошланди.

1900 йили данкиялик инженер В. Поульсен Париж кўрғазмасида янги қурилма — телеграфонни намойиш этади. Қурилманинг вазифаси телефон орқали сўзлашувни овозни қайта тиклаш билан бириктиришдан иборат эди. Телеграфон ҳаракати қолдиқ магнетизмга асосланган бўлиб, оҳанрабо тебранишлари доимий тезлик билан ҳаракатланувчи электрооҳанрабо ёрдамида тортилган пўлат симга «ёзилади».

КИНЕМАТОГРАФИЯ. Машҳур фотоусталар жонзотларнинг хатти-ҳаракатини ўрганиш мақсадида кетма-кет дақиқаларда олинган фотосуратлардан фойдаланиб кўришди. Айнан улар тасвир

га олувчи аппаратни ишлаб чиқишди. 1874 йил француз астрономи Ж. Жансен 72 сонияда 48 та тасвир туширувчи қурилма яратди. XIX аср 80—йилларида бир сонияда 10—20 та тасвир туши-

рувчи хронографик қурилма пайдо бўлди. Тасвир шиша пластинка ёки қоғоз тасмага туширилган.

Тасвирни яқка-яқка пластинкага туширишдан ягона целлулоид тасма ёки «плёнка»га олишга ўтиш бу соҳада муҳим бир қадам бўлди.

Кино аппарати яратиш устида жуда кўп ихтирочилар — 1891 йил Эдисон (АҚШ), 1893 йил И. Тимценко ва М. Фрейденберг (Россия), 1895 йил Ф. Поул (Англия), 1896 йил Т. Армэт (АҚШ) ва бошқалар шугулланишган. Француз ака-укалар Луи-Жан ва Огюст Люмьерлар ўзлари тасвирга олган илк фильмин намойиш этиш учун проекция аппарати намунасини ихтиро этдилар. Худди шу йили О. Люмьер ва электротехник Ж. Карканье биринчи механик киноаппаратни яратишди. Уша пайтда бундай аппаратлар турлича — фантоскоп, витаскоп, биоскоп, биограф каби номлар билан юритилган.

Уз даврида машҳур кўзбойлогич бўлган француз Ж. Мельес 1896 йилда сюжетли фильмлар олишга киришди. 1910 йилга келиб унинг студияси 4 мингга яқин фильмни яратган. Кейинчалик эса овозли фильмлар олишга уриниш бошланди. 1914 йил Эдисон фонографга ёзилган овозни тасвир билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо бу жуда мураккаб иш бўлиб лента ейилган сайин тасвир ва овоз бир-бирга мос тушмас эди. Шунинг учун XX асрнинг дастлабки икки ўн йилида бутун фильм давомида фақат мусиқа чалиниб турган.

XX асрга келиб АҚШ, Англия ва Францияда — кинематография санатои жуда ривожланиб кетди. Масалан, ўша пайтда Англияда 4 мингдан эртиқ кинотеатр мавжуд эди. Россияда ака-ука Люмьерлар фильми 1896 йилдан

намойиш этила бошланган. Доимий илк кинотеатрлар эса 1903—1904 йилларда юзга келди.

Фильмлар турлича — қўпол ҳажвий пьеса, ҳарбий шовинистик, тушкун муҳаббат мавзусида эди.

1917 йилга қадар Урта Осиёда намойиш этилган ленталар асосан Америка, Франциянинг Шарқ экзотикасига мойил фильмларидан иборат эди. 1924 йилда «Бухкино», 1925 йил Тошкентда «Шарқ юлдузи» кинофабрикасининг ташкил топиши ўзбек кино санъатининг ривожини бошлаб берди. Биринчи фильмлар эса 1908 йилдаёқ Тошкент, Самарқанд, Қўқон каби шаҳарларда кўрсатила бошланган.

ТЕМИР ИЗЛИ ТРАНСПОРТ. Метронинг пайдо бўлиши. Жаҳонда илк ер ости темир йўли 1863 йили Лондонда ишга туширилди. Уни «Пойтахт темир йўл компа-

нияси» қўрган эди. 1870 йил метронинг иккинчи йўли қуриб тамомланди. 1884 йили метро изининг умумий узунлиги 21 километрга, бекатлар сони эса 27 тага етган эди.

Биринчи энг чуқур ер ости метро йўли 1886—1891 йилларда ишга туширилиб бекатларига эскалаторлар ўрилатилди. Кейинчалик Нью-Йорк (1868 й.), Чикаго (1892 й.), Будапешт (1898 й.) шаҳарларида шундай йўллар ишга тушди. Париждаги биринчи метро йўлининг очилиши 1900 йилги Бутунжаҳон саноат кўрғазмаси вақтига тўғри келди.

Шуниси қизиқки, илк ер ости темир йўли Англияда пайдо бўлган бўлса-да, «метро» сўзи («метрополитен» — сўзининг қисқартмаси) бизга французлардан кириб келган. Уша пайтда инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда у «субвей» — «ер ости йўли» деб юритилган.



Режиссёр Ж. Мельеснинг «Ойга саёҳат» фильмидан лавҳа.

АЛУСТОН ХАЗИНАСИ

Кримнинг жанубий соҳилида кўҳна Алустон қалъаси жойлашган. Украина Фанлар академияси Археология илмгоҳининг экспедицияси қатнашчилари бу ердан 17 та қумуш бўлақлари солинган кўзача топдилар. XV асрда [хазина шу даврга тегишли] бундай «тангалар»нинг ҳар бирига Кримда бутун бир қишлоқни деҳқонлари билан сотиб олиш мумкин бўлган. Афтидан, бу кўзачалар генуяликлар ҳукмронлиги даврида биронта савдогар томонидан кўмиб қўйилган.

Сафар чоғида олиб юриладиган самовар борлиги Россияда юз йил бурун ҳам маълум эди. Лекин Меламуд М. яратгандагидек самовар ҳали бўлмаган. Бу самоварни осон-

гина қисмларга ажратиш ва яна илгаклари ёрдамида тезгина янгиш мумкин. Уни халтачага осонгина жойлаштира бўлади.

Еревандаги врач ва электроника бўйича мутахассислар жарроҳларга ёрдам учун беморга умумий наркоз беришнинг янги усулини йўлга қўйишди. Бундай асбоб ёрдамида кардиологлар бир вақтнинг ўзида операция қилинаётган беморнинг нафас олишини, юрак уришини кузатиб борадилар ва наркоз бериш жараёнини ҳам тартибга солиб турадилар.



БИЗГА ФАМИЛИЯ КЕРАКМИ?

Мамлакатимиз барча фуқароларининг фамилиялари бор. Фамилия — бу қонуний жиҳатдан расмийлаштирилган ва отадан болага мерос қоладиган шахсий номдир. Паспортимизга, тўғилиш, никоҳ ҳақидаги гувоҳнома, шаходатнома ҳам фамилиясиз ёзиб қўйилган. Бирон ҳужжат — буйруқ, гувоҳнома, шаходатнома ҳам фамилиясиз ёзилмайди. Лекин ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан талай кишилар фамилиядан воз кеча бошладилар. Буни зўравонлик билан ўтказилиб келган руслаштириш сиёсатига нисбатан исёнкорлик деб баҳолаш мумкин. Гап бунда умуман фамилия ҳақида эмас, унинг шакли ҳақида бормоғи керак.

Ҳамма вақт ҳам фамилия бўлганми? Фамилияларимиз қачон пайдо бўлган, деган савол тўғилади. Муболагасиз айтиш мумкинки, фамилиянинг пайдо бўлиши ҳозирги замон антропонимикасининг кашфиётидир. Чунки фамилия замон тақозоси билан пайдо бўлган.

Муслмонларда, жумладан туркий халқларда, инчунин ўзбекларда ҳозирги шаклдаги фамилия бўлган эмас, унинг учун эҳтиёж ҳам бўлмаган. Лекин кишиларни, хусусан бир исмли кишиларни бир-бирларидан фарқ қилиш учун уларнинг лақаблари, касб-ҳунари, амали, уруғ-қабиласи, нисбалари, яъни тўғилган жойининг номи кўрсатилган. Масалан, Жўйбори шайхлари деб ном олган бухоролик заминдорларнинг ҳужжатларида (XVI—XVII асрлар), «Бобурнома»да, Қўқон ва Хива хонлиқларининг архивларида минглаб кишиларнинг исми-шарифи келтирилган. Кўпгина киши исмлари ёнига уларнинг бошқалардан фарқланиб турувчи жиҳатлари кўрсатиб қўйилган. Масалан, Ҳусайн исмли кишиларнинг рўйхатини олайлик; Ҳусайн Мир, Ҳусайн Мирза, Ҳусайн Мулла, Ҳусайн хўжа, Ҳусайн шайх, Ҳусайн Амир, Ҳусайн заргар ва ҳоказо. Ҳасан исмли кишилар эса «Бобурнома»да бир-бирларидан қуйидагича фарқлаб ёзилади: Ҳасан Барлос, Ҳасан декча, Ҳасан набира, Ҳасан нўён, Ҳасан Икрак, Ҳасан Манан, Ҳасан Халифа, Ҳасан Чалабий, Ҳасан шарбатчи ва ҳоказо.

Хўш, фамилиянинг ўзи нима! Фамилия оиланинг, кўпинча бир сулоланинг умумий номидир. Фамилия атамаси асли лотинча фамулус сўзидан келиб чиққан бўлиб, қадимги Римда «шу уйнинг қули», деган маънони билдирган. Рус тилида фамилия сўзининг бир неча маъноси бор, чунончи, бир аждоддан тарқалган бир неча авлод, ҳатто бир оила аъзолари ҳам фамилия дейилади. Ўзбек тилига кирган «папал чой» сўзи ҳам русча фамилийий, яъни бир ота-болага тегишли корхонада тайёрланган, деган маънони билдиради.

Фамилия узоқ давр маҳсулидир. У дастлаб XI асрда Италияда зодагонларнинг отадан болага мерос бўлиб қоладиган ерларининг бир сулолага тегишли эканини расмийлаштириш зарурияти тўғрисида пайдо бўлган. Сўнг XII асрда Франция ва Англияга тарқалган. Оврупода фамилиянинг узил-кесил расмийлаштириши учун 4—5 аср керак бўлди. Грузияда фамилия XIII асрда, Россияда XVI—XIX асрларда, Японияда 1968 йилда, Туркияда эса 1926

ва 1934 йилларда Мустафо Камол Ота турк фармони билан қабул қилинган. Урта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда у дастлаб XIX аср охирида маҳаллий бойлар ва зиёлилар орасида рус фамилиялари таъсирида пайдо бўлди, инқилобдан кейин эса айниқса оммалаштирилди.

Рус фамилияларининг аксари қисми отасининг исмидан ёки лақабдан ясалган: Иванов, Васильев, Петров, Хромов (хромой — чўлоқ), Мудрецов (мудрый — донишманд) ва бошқалар.

Бир қанча ҳолларда ота-боболари яшаб келган ёки эгалик қилган жойларнинг номларидан ҳам фамилиялар пайдо бўлган. Бунга Москвин, Москвитин, Шуйский (Шуя дарёси номидан), Терешков (Терешка дарёси номидан) каби бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Бизда ҳам Андижоний, Намангоний, Самарқандий, Бухорий каби нисбаларни фамилия деса бўлаверадим. Россияда бутун бир қишлоқ аҳли фамилияси битта бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Улар учун шу қишлоқ ёки аждодлардан биронтасининг номи ённки лақаби фамилия бўлиб хизмат қилган.

Кўриниб турибдики, рус фамилияларининг қўшимчалари бир хил эмас, лекин -ов, -ев, қўшимчалари энг кўп учрайди. Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар ана шу шаклни қабул қилган. Отасининг, баъзан бувасининг исмига -ов, -ев қўшилса бас, фамилия тайёр!

Хўш, аслида фамилия керакми, деган савол тўғилади. Бизнингча керак. Жамият тараққийлаётгани ҳозирги босқичида фамилия бўлиши шарт. Чунки у, биринчидан, сулола кўрсаткичи ҳисобланади, кишиларнинг қон-қардошлигини исботлайди, иккинчидан ҳар хил меросий мулкларни расмийлаштиришни осонлаштиради. Турли ҳужжатларни тўлғазиш, аҳоли рўйхати каби тадбирлар фақат кишилар номларига қараб олиб борилса, иш анча мураккаб-лашган бўлур эди.

Сўз фақат фамилиянинг шакли тўғрисида бормоғи керак. Масалан, ўзбеклар учун русча фамилиялар шаклини қабул қилиш шартми! Бу ҳақда ўйлаб кўришга тўғри келади. Гафур Ғулум, Ҳаким Назир каби таҳаллул шаклидаги шоирона исми-шарифлардан қайси бири фамилия. Қондага кўра фамилия бир сўздан иборат бўлмоғи керак. Масалан, Ғарбий Оврупода отаисм йўқ: Рональд Рейган, Франсуа Миттеран, Маргарет Тэтчер ва ҳоказо тартибда. Бундай ҳолларда Рейган, Миттеран, Тэтчер деганда бутун бир сулола тушунилади. Иззат Султон, Ҳабиб Нуъмон шаклидаги исми-шарифлардан фамилия ясаб бўлмайди. Лекин бизда ҳам фамилия ясайдиган воситалар йўқ эмас. Масалан, Ашрафий, Мавлоний кабилар фамилия тусини олди-ку! Азиззода, Умарзода, Шайхзода, Раҳматуллин, Маллин шаклида фамилия ясава ҳам бўлар экан. Алавийлар сулоласидан бўлган шоира ва фольклорчи олима Музайяна Алавия ўз жинсига мослаб фамилия ясаб олган эди.

Ҳар бир нарса замона талаби ва турмуш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Тараққий этган мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам фамилия бўлиши зарур. ССЖИда никоҳ, оила тўғрисидаги қонунлар ишлаб

чиқилаётганда фамилия атамасининг илмий таърифи эҳтиёж тўғилди. Шу муносабат билан ССЖИнинг ЗАГС Бош бошқармаси ССЖИ Фанлар академияси Этнография илмгоҳининг сномастика (атоқли отлар) шўъбасига мурожаат қилди. Муҳокамадан сўнг фамилиянинг таърифи қабул қилинди: фамилия — бу оиланинг меросий номи бўлиб, камда уч авлодгача ўзгармаган бўлиши керак. Демак, фамилия қонуний куч олди.

Шу билан бир қаторда қадимни ҳам унутмаслик керак. Араб алифбоси минг йилдан ортиқ давр давомида амалда бўлган экан, арабча номлаш усули ҳам қонқонимизга сингиб кетган. Ат-Термизий, Ал-Хоразмий, Ибн Сино каби алломаларнинг номлари арабча исм қондаси асосига қурилган. Хусусан, ўз сулоласининг шажарасини тузмоқчи бўлган киши ИБН унсурини ишлатса шажара жуда ҳам ифодали ва ихчам чиқади (маълум-машҳур кишиларнинг шажаралари ана шундай тузилган).

Фамилиянинг бўлиши ана шунинг учун ҳам шартки, киши ҳақида қисқача маълумот олишга мўлжалланган ҳамма ҳужжатларда (жумладан хорижий мамлакатларда) исм ва фамилиянгиз ҳақида айрим-айрим саволлар бор. Табиб табиб эмас, бошидан кечирган табиб. Бозор иқтисодиётига ўтаётган эканми, фермерлар, заводчилар, ижарачилар, менежерлар, спонсорлар, ишбилармонлар сулоласи етишиб чиқиши табиийдир. Бундай тадбиркорлар учун албатта фамилия керак. Келажақни ўйлаган одам фамилияни эътироф этади.

Ер кўррасидаги аксари халқларда фамилия қабул қилмаган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, бутун бир давлат — Исландия (аҳолиси 237 минг киши) фамилиясиз яшайди. Аҳолиси бир неча миллион кишидан иборат Ҳиндистонда ҳам фамилия расмий тус олган эмас. Индонезия, Бирма, Мадагаскар каби мамлакатларда ҳам шу ҳолини кўриш мумкин. Олимларнинг фикрига қараганда, келажақда дунёдаги барча халқлар фамилияни қабул қилиши табиийдир.

Демак, фамилия бутун бир сулоланинг умумий номи экан, бунинг учун қандайдир янги шакл, янги ном кашф этиш шарт эмас, аксинча, шу сулола вакилларида биронтасининг лақаби, таҳаллуси, нисбаси (тўғилган ёки яшаган жойи, касбига қараб номланиши), уруғ-қабиласининг номи, отаисми бора-бора фамилияга айланиши мумкин.

Шу билан бирга келажақда кўплаб янги фамилияларга эҳтиёж тўғилса ажаб эмас. Чунки дунёда демографик портлаш рўй берапти — аҳоли тез ўсмоқда. Бунинг устига бир хил фамилияли одамларнинг кўплиги давлат миқёсида катта чалқашликларга сабаб бўлмоқда. Биргина Москвада 90 минг Иванов бор экан, шундан 1000 киши Иван Иванович Иванов экан. 8 миллион швед яшайдиган Швецияда 380 минг кишининг фамилияси Андерсон, 334 минг кишиники Иохансон, худди шунча кишининг фамилияси Карлсон экан. Мамлакатда 120 минг фамилия бўлишига қарамастан, Швеция парламенти фамилия-

ларни тартибга солиш ҳақида қонун қабул қилди. Мамлакатда энг кўп тарқалган 150 хил фамилия эгаларига мурожаат қилиб, ЭҲМда тайёрланган 900 минг фамилиядан бирортасини танлаб, ўз фамилияларини ўзгартиришларини тақлиф этди.

Демак, бу давр талаби экан, «биз учун фамилия керакми!» деган савол ўринсиздир. Ҳали айтганимиздек, сўз фақат фамилиянинг шакли тўғрисида бормоғи керак.

Ҳўш, ўзбеклар учун қандай фамилиялар тавсия этиш мумкин! Деярли барча халқларда фамилияларнинг семантикаси (маъноси) «ўғли», «боласи», «фарзанди» деган маънони билдиради; масалан, Фарбий Оврупа тилларида -сон, -сен, -зон кўшимчалари «ўғли», форс-тожикчада зода — фарзанди, грузин тилида шивили — туғилган, дзе — ўғли демакдир. Шунга асосланиб, ўғли сўзини кўшиб фамилия яшаш мумкин. Масалан, Туркияда, Демірўғли, Жаферўғли деган сулолалар бор. Бунда кишининг ўз отасигина эмас, балки аجدодлари ҳам назарда тутилади, келажак авлодлар ҳам шу фамилияни қабул қилиши мумкин.

Шунингдек, зода кўшимчаси ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин. Шайхзода, Азиззода қабила эса тайёр фамилиялардир, Озарбайжонда шундай. Ҳатто аёллар ҳам шу шаклдаги фамилияни қабул қилишган.

Туғилиб ўсган жойининг номидан нисба (нисбий от) яшаш Мовароуннаҳрда қадимдан расм бўлган. Масалан, Ясси шахрида туғилган Аҳмад Яссавий нисбаси мана, ўн асрдирки, фамилия сифатида авлодлари номида сақланиб келмоқда.

Шунга асосланиб, кишилар ўз шаҳар-қишлоқлари, теварак-атрофидаги табиий-жўғрофий объектларнинг номларидан фамилия яшашлари мумкин. Бунинг учун маълум, машҳур тарихий жой номлари бўлиши шарт эмас. Ўзбекистонда 13 минг атрофида шаҳар-қишлоқ, бир неча юз дарё-сойлар, қанча-қанча тоғу даштлар бор. Бу каби номларнинг ҳаммасидан фамилия ясаб бўлмас. Бунинг учун шаклан чиройли, маънодор ва тарихий жиҳатдан аҳамиятларини танлаб олиш мумкин.

Жўғрофий номлардан икки усул билан фамилия ясаб бўлар. Булардан биринчиси бизда азалдан амал қилиб келинган нисба (нисбий ном) яшаш усулидир: Ахсикатий, Хондайқий, Самарқандий, Хўқандий, Хўжандий, Хевақий ва ҳоказо. Иккинчи усул — жой номига -лик кўшимчаси

кўшиб соф ўзбекча фамилия ижод этиш: Ахсикатлик, Самарқандлик, Ургутлик. Учинчи усул — қишлоқ, сойлар, кичикроқ тоғларнинг номларидан фамилия яшашда кўл келади деб ҳисоблаймиз: Аччилик, Бешкентлик, Бахмаллик, Сангзорлик каби. Бу айтилганлардан шу қишлоқда яшайдиган барча кишилар бир фамилияда бўлиши шарт экан, деган маъно чиқмаслиги керак. Бу мисоллар хоҳлаган кишилар учун бир тавсия ҳалос.

Юқорида қайд қилинганидек, Урта Осиё халқлари рус фамилияларининг фақат -ов[-ев] кўшимчаси билан тугайдиган шаклини қабул қилган эканлар, бу арман фамилияларидаги -яңц, -аңц [-ан, -ян] кўшимчалари каби эгалик кўшимчалари бўлиб, «фалончиники», «фалончининг фарзанди» деган маънони билдиради, истаган ўртоқлар шу шаклдаги фамилияларида қолишлари мумкин. Чунки, ўзбек антропонимистлари бундан яхшироқ фамилия шакллариини ҳозирча кашф этганлари йўқ.

Тавсия этиш мумкин бўлган яна бир шакл -ин кўшимчали фамилиялардир. Бу кўшимча асли русча бўлса ҳам (папин сын-отасининг ўғли), уни дастлаб руслар билан ёнма-ён яшаб келган татарлар, шунингдек қозоқлар қабул қилишган; одатда «а» товуши билан тугайдиган исмлардан шу шаклда фамилия ясалади: Абдуллин, Бекмурзин, Сайфуллин. Бундай шаклдаги фамилия ўзбекларда ҳам бўлиши мумкин: Маллин, Раҳматуллин ва ҳоказо.

Кўпчилигимиз ота-бобомиздан бошқа аجدодларимизнинг исми-шарифларини билмайдиган манқуртлармиз. Ҳолбуки, ҳар бир мусулмон етти отасини билиши керак бўлган. Агар биз аجدодларимизнинг исмларининггина эмас, балки уларнинг касб-ҳунарларини ва бошқа фазилатларини билганимизда фамилия «тўқиш» анча осон кўчган бўлар эди. Масалан, Гулҳаний, Саккокий, Нақшбандий каби тахаллуслар аслида ҳунар-касб номларидир. Айтмоқчимизки, ота-боболарнинг касб-ҳунарлари номидан ҳам фамилия олса бўлади.

Кўпроқ қишлоқ жойларда уруғ-қабила номлари ҳам фамилия учун асос бўлиши мумкин эди. Масалан, Минглик (Минглик), Найманий, Сартюзиллик, Қанғилиқ, Баҳрини каби фамилиялар бўлса нима қилти! Ҳар бир қабила, катта уруғ яна қанча шох-тармоқларга бўлинади. Уша этнонимлар ҳам фамилия учун негиз бўлиб хизмат қилиши мумкин.



Турклар, озарбайжонлар, қримтатарларда, шунингдек Хева ҳужжатларида «ли» кўшимчали фамилиялар учрайди: Ибрамли, Сулаймонли каби. Шу шаклдаги фамилиялар ҳақида ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади.

Аёл киши (қиз бола)ларнинг фамилияларига келганда шунини айтиш керакки, бунда фақат «ўғли» кўшимчасигина «қизи» кўшимчаси билан алмаштирилади.

Юқорида баён этилган фикрлар ва тилга олинган фамилиялар ҳар қанча асосли бўлмасин, шунчаки бир тавсия, хомаки хиллари ҳалос. Бу кишиларни ўйлантришга, чинакам миллий фамилиялар яратишга ундайди, деган ғумиддамиз. Чунки бошқа кўп жабҳаларда бўлгани каби, ҳозирги фамилия ҳам юқоридан, марказдан, айтиш мумкинки, буйруқ йўли билан ўтказилган; зўравонлик билан амалга оширилган ҳар қандай сиёсат вақт синовиға бардош беролмаса, чок-чокидан сўкилиб кета бошлар экан.

Жумҳуриятимиз чиндан ҳам мустақил экан, тилимизга мос, чинакам илмий, ўзбекона фамилиялар ясамоғимиз керак. Энди кишиларнинг исми-шарифлари, лақаб ва тахаллусларини ўрганадиган мутахассислар — антропонимистларнинг кунин келди. Бунинг учун маълум вақт ва ҳамин қадар маблағ керак бўлар. Ахир аҳолиси атиги бир неча миллионга тенг Швеция қарийб бир миллионга яқин фамилия ясаб, тахт қилиб қўйибди-ку!

Агар отансидан воз кечиладиган бўлса, турли мурожаат атамаларига эҳтнж туғилади. Фарба отанс расмий равишда қўлланилмайди. Бизда эса илгарки кишилар бир-бирига мавлоно, муаллим, ҳазрат, жаноб, тақсир, бегим, бону, биби каби сўзлар билан мурожаат қилишган. Энди бунинг ҳам кундалик ҳаётда фаоллаштириш мумкин.

Эрнст БЕГМАТОВ,
филология фанлари доктори.

Суюн ҚОРАЕВ,
филология фанлари номзоди.

ҲУҚУҚШУНОС ШАРҲИ

Ўзбекистон жумҳуриятида ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида давлатимиз катта ғамхўрликни амалга оширди, яъни она тилимизни давлат ва жамоат ташилотларида, маориф, маданият, адлия ва бошқа муассасаларда қўлланишини таъминлади.

Маълумки, Ўзбекистон ССЖ Конституциясининг 75-моддаси янгидан тўлдирилиб Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

Ўзбекистон ССЖнинг 1989 йили 21 октябрда Ўзбекистон жумҳурияти Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили ҳақидаги қонуннинг 25-моддасида жумҳуриятимизда яшовчи барча халқ, яъни фуқароларнинг миллатидан қатъи назар ўз исмини бир ёки бир неча ота исми, шунингдек фамилиясини тарихий, миллий аъналарга кўра ёздиришлари мумкинлиги таъкидланган. Масалан: Акбар Насрулло ўғли, Феруза Зокир қизи, Ҳабибулла Муҳаммад ўғли, Машкура биби Иброҳим қизи ва ҳоказо.

Шунингдек таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган тарихий, миллий урф-одатлари ва аъналари уларнинг исми ва ота исми нисба ва тахаллуслар билан кўшиб айтилган. Масалан: Муҳаммад ибн Ал-Хоразмий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Али ибн Сино, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, ҳозирда ҳам шу аънавани давом эттириш, шунингдек, Жўраев, Иброҳимов, Йўлдошев каби фамилияларнинг бузиб Джўраев, Ибрагимов, Юлдашев деб ёзилиши ҳам қонунга хилофдир.

Исми ва фамилияларни қўйиш жумҳуриятимиздаги барча шаҳар, вилоятларда ноҳия халқ депутатлари адлия бошқармасининг фуқаролик ҳолати актларини ёзиш бўлимлари, яъни ЗАГС идораларига, қишлоқ, қасаба ва овулларда эса халқ депутатлари Кенгашларининг ижроия қўмитаси томонидан қайд этилади ва қонуний равишда амалга оширилади.

Забихилло МУҲАММАДЖОНОВ,

ССЖИ ҳуқуқшунослар
уюшмасининг аъзоси.

КУЙГАН КҮНГИЛ ФАРЕДИ

Мен турк қизиман. Турк бўлганимдан фахрланаман. Турклар кўрган оғир кулфат кунларини ҳеч бир миллат аҳли кўрмасин, ҳатто душманинг бошига ҳам тушмасин. Биз Ватан оҳини чекдик. Биз ўзбекистонликмиз. Мен Гулистон шаҳрида туғилиб, вояга етиб, келин бўлдим, тўрт фарзандага она бўлдим. Ўзбек халқи билан бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилдик, бир-биримизга ҳеч қачон ҳиёнат ёки бир ёмонлик қилмадик. Биз улар эдик, улар биз эди. Қиз олдик, қиз бердик, ошна-оғайни бўлдик. Мусулмонмиз, ниҳоят. Афсус, минг афсус, 1989 йил июнь ойи бу икки дўст халқни бир-биридан уздилар. Биз яшаб турган жойда ҳеч қандай фалоқат бўлмади, аммо биз кўчиб кетишга мажбур бўлдик. Аллақандай номаълум шахслардан: қачон йўқолади булар ёки фарғоналиклар кўрган кунни кўрсатайликми, деган мазмунда номалар келди. Жонажон ўзбек қўшнилари: бу имонсизлар қўлига тушмай, бир зиён кўрманглар, де-

ЎЗ ВАҚТИДА ЁРИТИЛГАН

Ойномада ёритилаётган демократик руҳдаги мақолалар сермазмун, дадил, муҳими ҳақиқатга хизмат қилади. Фикрининг исботи сифатида ҳозирги тарихимизни ўрганишимизда ўз вақтида ёритилган, Шоди Каримовнинг «Ленин биз билган «фаришта»ми!» мақоласи, «Халқ эҳтиёткорроқ

АХВОЛНИ ВОҚИФ ЭТСАМ...

Мен, Рўзиева Моҳира кам даромадли оилаларнинг аҳволдан сўзламоқчиман. Биздек кам ойлик олиб зўрға кун кўриб юрган кишилар ноласига ким қулоқ солади! Ўтган йили июль ойида айрим нарсалар нарх-навосини оширмоқчи бўлишди. Киши билмас, кийим-кечак, заргарлик буюмларининг нархи ошди. Бойлар, қиммат бўлса ҳам, олишяпти, қорин зўрға тўядиганларнинг 1 та зирак олишга пули ўша вақтда ҳам зўрға етарди, энди йўл бўлсин. Шакар талон билан бўлди, у ҳам баъзида бор, баъзида йўқ. 1—1,5 сўм берадиганларга топилади. Кам ойлик оладиганларнинг асосий хўраги нон-чой, қанд. Ишқилиб ноннинг нархи ошмасин. Кўп болалилар Ўзбекистонимизда озми! Бизда ҳозир кўп оилалар 120—160 сўмдан 80—90 сўмгача маош олиб яшяпти. Уртача 5 бола, ота-онаси билан 7 киши. Уларни шу пул

СИФИНИШГА НИМА ҚОЛАДИ!

Мен ўтган йили ойномада берилган «Ленин биз билган «фаришта»ми?» мақоласини ўқиб, хафа бўлдим. Нега? Ахир, биз ўша Ленин қилган ишнинг қанчасини қила олдик? Нима кераги бор Сталин, Хрушчев, Брежнев, энди Ленин хато қилди деб ўзимизни бутун дунёга шарманда қилишнинг. Ахир гап бор-ку: «Ўйдаги сирни кўчага чиқарма», «Бош ёрилса, дўппи тагида» деган. Хатоси бўлса, ёпиқ мажлисда кўриш керак. Бўлмаса, хато қидириш керакмас. Тили

«ОЛТИН-КУМУШ — ТОШ БЎЛУР...»

Қатагон йиллари кафансиз кўмилганлар, жумладан А. Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, А. Икромов, Ф. Хўжаев қатори хоразмлик кўп одамлар фожелари тўғрисида матбуотда ёритилмоқда. Ҳамма нарсани Сталин шахсига боғлаб, қанча ваҳшийликлар

йишди иложсиз. Киндик қони тўкилган ердан қон йиглаб кетдик. Бир совхоз бирдан кўтарилдик. Бир кўрсангиз эди. Оналар фарёди, болалар йиғиси, аччиқ нолалар. Қўшиллар билан хайрлашяпмиз-у, ажралишолмаймиз. Йиғи-сиғи кучайган. Худди жанозадагидек, фақат ўлик йўқ. Икки миллат руҳини ўлдирмоқчи бўлган бағритош номаълум кимсалар, жаллодлар бутун бир жафокаш ўзбек халқи номини булғамоқчи бўлишди. Емонотлик қилиб дунёга овоза қилди. Бу ишлар махсус, хуфия тайёргарчилик билан уюштирилган, ким ишонади бу қирғинбаротларни безорилар, гиеҳвандлар қилди деган сўзга. Эй парвардигор, тарихнинг хатоси не учун биз шўринг кўрғурларнинг пешонасига ёзилган экан. Бир кун келар, вақт ўтиб, тарих саҳифалари варақланар, бу хуфиялар ошкор бўлур. Келажак авлодлар олдида юзимиз ёруғ бўлур.

Мукаррам АЛИЕВА,
Краснодар ўлкаси, Россия.

бўлур эди» номли Керенский билан суҳбатни келтираман. Шунингдек, Л. Троцкий, А. Миллюков каби тарихий шахслар ҳақида ҳам маълумот берилса, нур устига аъло нур бўлар-ди.

Н. МАМАТҚУЛОВ,
Риштон шаҳридан.

билан едириб-ичирсинми, кийинтирсинми! Гўшнинг нархи осмонда, давлатники умуман топилмайди. Болалар мактаб кийими 17 сўм, оқ кўйлак салкам 6 сўм. Беш болага-чи! Уларни олиб берсинми ёки солиқ пули, электр, газ, сув, ахлат пулини топширсинми! Бозордаги мевадан сўз очмасак ҳам бўлади, уларга йўл бўлсин. Хуллас, кам ойликда кун кўрадиган киши 15 кунда бир марта гўшт еган бўлса, энди — 1 ойда оғзи тегса шукур қилади. Нархни оширишдан аввал ойлиқни ошириш зарур деб ўйлайман. Ҳозир кўпчилик нон билан тик турибди. Деҳқон оилалари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, уларнинг холи бундан бешбаттар. Жазирама қуёшда тер тўкиб, чириган рўмоли, кўйлак, кам-зул ва калишини алмаштиришга топган пули етмайди. Шуларни ҳисобга олиб иш туттишларини сўрардим.

Бухоро шаҳар Шофиркон
кўчаси 15-уйда яшайман.

чиққандан бошлаб болани «Ленин бобо»га ўргатдик, энди буни йўққа чиқарамизми? Унда биз, ўрта авлод сигинишига нима, қандай эътиқод қолади? Худоми, пайғамбарми, Ҳадисми, Қуръонми, компартиями, ленинча-марксча таълимоти, Ленинми?

Қашқадарё вилоятининг
Оброн қишлоғидан
Г. ЭШТУРДИЕВА,
методист муаллима [марксист].

қилди бу бошлиқлар. 1933 йили халқни озиқ-овқатдан маҳрум этиб, оч халқдан арзимаган 2—3 кило унга олтин, кумуш, бошқа қимматбаҳо тақинчоқ, буюмларни йиғиб олдилар. «Олтин-кумуш — тош бўлур, арпа-буғдой — ош бўлур» деган замонлар эди ўша пайтлар. Халқ ҳали қаддини тикламай, уруш бошланди. Урушдан кейин энг қолақ давлатлар ҳам ўтмиш турмуш тарзидан ўзиб кетди, бизлар девона бўлиб

қолавердик. Ҳозирги вақтда хўжалик юритиш тамомила издан чиқмоқда. Қайси томонга қараманг, ўғирлик, муттаҳамлик, порахўрлик. Ҳаёт изига тушармикин? Ленин ҳақидаги мақолаларингизни ўқидим. Айтилмаганини айтгай: ҳар бир қишлоқда, колхозда, керак бўлмаган жойда унинг ҳайкали, суврати. Нукус—Тўрткўл йўлидаги тоғда суврати тошдан териб ишланган. Булар эса Ленинга бўлган ҳурмат эмас, уни

камситиш, ҳақоратлаш деб биламан. Бугун муаммолар кўп. Биз, ўзбеклар, тилимизни, ўзгичимизни танияпмиз, боболаримиз меросини, тарихимизни ўрганишга энди-энди бел боғляпмиз. Уҳ-хў... Ҳали қанча ишлар бор-а!

Бекажон ТУРДИЕВА,
Урганч шаҳридан, нафақахўр.

«ЖАННАТ» ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Яқин-яқингача жаннатдек таърифланган коммунизм ғояси XIX асрнинг биринчи ярмида Фарбий Оврупода юзага келиб, бутун Оврупо мамлакатларига ёйилган эди. Ленин томонидан ўзгартirilган марксизм таълимоти бир мамлакатнинг ўзида, нисбатан қоқоқ Россия империясида синаб кўрилди. Собик қоқоқ рус империясида «ғалаба» қилган инқилоб раҳбарлари қарам бўлган мустамлакалар билан социализм қуришга киришди. Осиёда етти ухлиб тушига кирмаган феодал Муғулистон ва бошқа баъзи ўлкаларда ҳам яхши умид билан коммунистлар ортидан эргашдилар. Лекин тузумни хоҳламовчилар ҳам бўлди. Шулардан бири рус империясининг собик мустамлакаси Финляндия коммунизмдан бош торди. 1918 йилдаёқ удабурролик билан сиёсий мустақилликини қўлга киритди ва бугунги кунда юксак ри-

вожланишга эришди. Коммунистлар Сталин бошчилигида коммунизмнинг биринчи босқичи бўлмиш социализмни «қурди»... Қисқаси, кейин нима бўлди? Коммунизм қурилди? Ленин коммунизмни яқин юз йил ичида қурилади деб айтмаган эди-ку. Бир вақтлар Оврупода юзага келган коммунизм ғояси бугун ўша жойнинг ўзида хусусан Шарқий Оврупода бутунлай инқирозга учраган бўлсаю, Маркснинг хаёлига ҳам келмаган Урта Осиёда унинг обрўи нима қилади?! Яна, Урта Осиё ССЖИнинг энг қоқоқ регионларидан бири бўлса! Демократия эркинликлар чекланиб, жойларда ҳарбий ҳолат ҳукм сураётган бўлса... Еки бўлмаса коммунизм, осиеча коммунизм худди шунақа жойда тантана қиладимиз?

Тоғбой РАЗЗОҚ ўғли,
Олтинкўл ноҳиясининг Суялдуз қишлоғидан.

ТОШДД МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТИКЛАЙДИМИ?

Йил бошларида матбуотда Москва Давлат дорилфунуни мухтор (автоном), яъни мустақил бўлгани ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Бу, биринчидан. «Фан ва турмуш»нинг кейинги йил сонларини мунтазам ўқиб бораман. Утган йилги 7-сонда берилган Туркистон мухторияти маромнома (программа)сидаги қуйидаги сўзлар ҳалиги хабарни ёдга туширдим: «IX. Маориф ишлари... 5. Дорилфунун ва бошқа олий мактаблар жумласи дохийий (ички) ишларида ихтиёрли ва тадрисотда (дарсларда) озод [мустақил] бўлулар». Бу, 1917 йил сентябрдаги ушалмаган орзу. 1918 йилда эса ҳозирги ТошДД га ҳар томондан асос бўлган Туркистон дорилфунунининг Муслмон бўлими ташкил этилиб, унинг тўлиқ мустақиллиги таъминланган экан. Бу, учинчидан. Хўш, мустақил бўлиши тарихий маромномадан жой олган, ҳатто бир қанча йиллар [20-йиллар ўрталаригача] мустақил ҳам бўлган Тошкент Давлат дорилфунуни ўз «кишан»ларини қачон ташлайди! Қачонгача касб учун зарур соҳалар атрофлича ўрганилмай, ёлгон мафкура тикиштирилиб, биз, дипломат ўзбек ёшлари, чаласавод бўлиб қолаверамиз! Қачонгача Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Улугбек каби боболар обрўсига сўяниб, ўзимизда жаҳоншумул кашфиётлар яратилиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар ҳақида ўйламаймиз! Қачонгача ўқитувчилар мустақиллик йўқлигидан, тузукроқ билим берадиган дарсликларсиз ночорликдан қийналиб юришади! Мен таҳсил олаётган куллийetni оладиган бўлсак, иқлимшунослик, картография, биогео-

графия, метеорология, умумий гидрология каби фанлардан ўзбек тилида умуман дарсликлар йўқ, борлари эса тавсия-йўлланма йўриғида, холос. Талабалар номлож ўрис тилидаги дарсликлардан фойдаланишини қандай изоҳлаш мумкин! Ваҳоланки, жумҳуриятда эмас, балки куллийетимизнинг ўзида ҳам дарслик ёза оладиган етук мутахассислар борлигининг гувоҳимиз. Шунингдек, фақат тор мутахассислик бўйича қанча кадр етиштириш ҳам марказнинг ихтиёрида бўлса керак. Ҳозир 2-курсда ўқибган бўлсам-да, дипломли бўлганимдан сўнг қаерда, ким бўлиб ишлашим ором бермаётир. Чунки дорилфунун мутахассислари асосан мактабга йўллайди. У эса ўқитувчилар билан тўлиб бўлган. Мактаб ўқув режаларида география дарси ҳам йилдан-йилга қисқармоқда. Буни бартараф этиш чораси сифатида географ-тарихчи, географ-сэйёҳ, географ-иқтисодчи, географ-таржимон сингари қўш мутахассислик бўйича кадр етиштириш жумҳуриятимизда фойдали бўлур эди. Ихтиёри кўп жиҳатдан марказ измида бўлган дорилфунуниимиз эса бошқа олий ўқув юрлари сингари бир қолипда мутахассис етиштирмоқда. Хўш, ТошДД мустақиллигини тиклайдими! Агар мустақиллик декларациясини қабул қилган жумҳурият Олий Кенгашимиз, президентимиз, дорилфунун раҳбарияти малакали, ҳақиқий мутахассис бўладиган кадрларни етиштириш учун чинакамига қайғуришса — тиклайди, албатта.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
ТошДД жуғрофия куллийетининг талабаси.

«ФАН ВА ТУРМУШ» КОНКУРСИ ЯКУНЛАРИ

Ойнома саҳифаларида эълон қилиниб, кўпчилик муштарийларда катта қизиқиш уйғотган мақола, таржима, илмий-оммабоп тадқиқот ишларининг муаллифларини «Фан ва турмуш»нинг йиллик мукофотлари билан тақдирлаш учун конкурс ўтказиш аъъананага айланган. Шу боис ўтган 1990 йил якунларига кўра, қуйидаги муаллифлар конкурс ғолиби деб топилди:

1. Физика-математика фанлари номзоди Неъмат АКМАЛОВга «Америкадан ўрганса арзийди» [2-сон] номли публицистик мақоласи учун;

2. Шарқшунос олим, тарих фанлари доктори Ашраф АҲМЕДОВга «Амир Темур ҳақида ҳақиқат» [8—10-сонлар] илмий-оммабоп тадқиқот иши учун;

3. Тарих фанлари номзоди Марат ҲАСАНОВга «Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма» [9—11-сонлар] илмий-оммабоп тадқиқот иши учун;


4. Филология фанлари номзоди Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ, Урта Осиё муслмонлари диний бошқармаси фатво бўлими мудир Абдулазиз МАНСУРга, шунингдек тарих фанлари номзоди Ҳусниддин Умарзода НУРМУҲАММАДга ахлоқ-одобга оид туркум мақолалари ҳамда материаллар тайёрлаганликлари учун;

5. Кўл тегизмай даволаш бўйича машҳур мутахассис, экстрасенс-суггестолог Мирзакарим НОРБЕКОВга «Дардингизни олай, азизлар!» [10-сон] мақоласи учун.

Ойнома муҳарририяти кўп минг сонли муштарийлар номидан ғолибларни табриклайди ва уларга ижодий муваффақиятлар тилайди.

Пул нима? У қачон пайдо бўлган? Гарчи бу саволларга жавоб топиш анча мушкул бўлса-да, лекин тарихий манбаларга, археолог олимларнинг топилмаларига асосланган ҳолда кундалик ҳаётимизда албатта зарур бўлиб турадиган ушбу муомала воситаси хусусида сўз юритишга ҳаракат қиламиз. Зеро, бозор иқтисодиётига қадам қўйилган бугунги кундаги айрим ўзгаришлар ҳам деярли барчани ҳавотирга тушириб, ўйлантириб қўяётгани ҳеч кимга сир эмас.

Қадим-қадим замонларда одамлар ўзлари қўлга киритган ёхуд деҳқончилик ва ҳунармандчилик, овчилик маҳсули бўлган ашёлар, озиқлар ва ҳоказоларни алмаштира-алмаштира чарчашган ва ниҳоят мантиқий бир тўхтамаг



қилишган. Шундай бир нарса бўлсинки, у донабай бўлсин, шундай бир нарса бўлсинки, қадр-қимматга эга бўлсин. Ана шунга бошқа нарсалар алмаштириб олинсин. Демак, пулга эҳтиёж пайдо бўлган. Пул пайдо бўлиши билан эса, савдо-сотиқ тобора ривожланиб узоқ-яқин мамлакатлар ўртасида карвонлар муттасил қатнай бошлаган. Шу тариқа пул тараққиёт учун хизмат қила бошлаган.

Йирик салтанатларнинг қарор топиши билан ҳар бир мамлакат кўпроқ бойликни қўлга киритиш тадоригида бўлди. Савдо-сотиқ ишларининг ривожланиши, карвонлар қатновининг ўзи деярли уруш қилмай туриб ҳам анчагина бойликларни қўлга киритиш мумкинлигини кўрсатди. Натижада ўзга юртдан келган савдогарлардан солиқ олиниши одат тусига кирди ҳамда энг қулай пул — тангалар пайдо бўлди.

Юнон шаҳарлари танга зарб этиш тарихида муайян ўрин тутди. Зеро Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги ноёб қазилма бойликларни қўлга киритган Искандар Зулқарнайнинг одамлари нодир маъданлардан ўз юртларида танга зарб эттирдилар ва бу пуллар Ўрта денгиз қирғоғидаги барча мамлакатларда муомалага киритилган. Рим давлатининг кучайиши билан эса милoddан аввалги III асрдан бошлаб аввалги бронза куймалари ўрнига олтин тангалар зарб эттирила бошланади ва бу тангалар ниҳоятда кенг тарқалиб узоқ йиллар давомида муомалада бўлади.

Шу ўринда Шарқда жуда машҳур бўлган ажойиб бир ривоятни келтириш жоиз.

«Асҳоби қоф», яъни «Ғор кишилари» афсонасида айтилишича, «Дақёнус (245—313 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим ҳоқони, Диаклатионнинг шарқча номи, уни Даққионус деб ҳам атайдилар) золимлик билан ном чиқарган, динига кирмаганларни шафқатсиз жазолаган. Унинг ғазабидан қўрққан саккиз киши ҳамда бир ит ғорга яширилади ва уйкуга кетади. Уйғонгандан сўнг улардан бири — Ямлихо ташқарига чиқиб, бозорга боради ва нон сотиб олмоқчи бўлади. Новвой Ямлихо берган пулни қайтариб беради.

Улар бир-бирларининг тилларига тушуна олмайдилар. Сўнгра тилмоч қақирадилар. «Бу Дақёнусдан қолган пул, энди ўтмайди», дейди тилмоч. Маълум бўлишича, Дақёнуснинг ўтганига 300 йил бўлиб, ғорга яширинган кишилар шунча вақт ухлаган эмиш». Бу ривоятга изоҳнинг ҳожа-ти бўлмаса керак.

Шундай қилиб, Рим ҳоқонлигининг шарқий чегарасида, Хуросон ва Месопотамия оралиғида вужудга келган сосонийлар давлати юнонлар таъсирида танга зарб қилишда давом этади ва милoddнинг III—II асрларида қарор топган Парфия давлати (Фрот дарёсидан Афғонистонгача) бу анъанани ўз қўлига олади.

Бухоро вилоятидаги ўлкашунослик музейида сақланаётган баъзи бир суғд тангаларини Юнон-Бақтрия подшо-си Евтидем зарб қилдирган ва бу пуллар милoddнинг II—IV асрларида муомалада бўлган экан. Демак, юнонча танга

ПУЛ — ҚАРЧИҒАЙ

Бир мири — хаён, уч мири — зиён.
Лўлининг эшагини суғор, пулини ол.
Молини қуритаман деган пул қилар,
Донини қуритаман деган ун қилар.
Нақд пул — қарчиғай.
Оқ тангани қора кунингга асра.

Пулни топиш осон, ишла-тиш қийин.
Пул тилни бийрон, дастни дароз қилади.
Пули кўпнинг кўзи кўр.
Пул жигардан бунёд бўлади.
Пул дарди — кадоб.
Пул — кул.
Пул — қўлнинг кири.
Пул пулни қақиради.
Пул топгунча ҳисоб топ.
Ҳисобли дўст айрилмас.

зарб эттириш услуби Ўрта ва Яқин Шарқда давом эттирилган.

Келинг энди, Шарқдаги буюк ўзгаришлар даври — Исломи дини ва маданиятининг юксалиш босқичларига бир назар ташлайлик. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Мухаммад алайҳиссалом даврида, яъни VII асрларда араблар пул нималигини билишмаган. Чунки улар Макка ва Мадинадаги бозорларда тижорат ишларини Византия олтинлари, форс кумуш тангалари ҳисобига амалга оширар эдилар. Араблар 636—655-йилларда Византиядан Сурияни, Фаластин ва Мисрни тортиб олиб, сосонийлар давлатини фатҳ этган, жуда кўп олтин, кумуш буюмлар, тангалар ва қимматбаҳо тошларни қўлга киритдилар. Бойлик дарёдай оқиб кела бошлайди. Лекин буни талончилик уруши деб ҳам бўлмасди. Асосий ғоя — ислом динини ўзга ўлкаларга олиб кириш эди. Шу боисдан ҳам бу даврда араблар пул зарб этишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Халифалик тасарруфидаги ерларда эса, маҳаллий ҳокимлар илгари зарб эттирган пуллар муомалада бўлаверди. Чунончи, эронликлар ўз подшолари Хусрав III нинг тасвири туширилган кумуш пулларини зарб эттираверди, фақат унинг бир четига «Бисмиллоҳи-раҳмонир-раҳим», деб қайд этиб қўйишди. Византияликлар ҳам ўз ҳоқонлари Константин II, Гераклис ва унинг ўғлининг суратларини сақлаб қолишди, фақатгина бу тангалардаги хоч тасвири олиб ташланди.

Милoddнинг 661 йили омавийлар сулоласининг салтанат тепасига келиши туфайли марказлашган йирик ислом давлати қарор топди. Сурия ва Фаластинда халифа Абдул Малик (685—705) даврида ислом рамзи туширилган дастлабки тангалар зарб эттирилди. Дамашқ, Эдесс ва Куддуси Шарифда халифанинг шамшир тугтиб турган тасвири туширилган тангалар муомалага киритилди.

Милoddнинг 696 йили халифа Абдул Малик ўз марказлашган давлатининг бутун ҳудудида ягона пул муомаласини жорий этди. Бу пуллар ҳам ички, ҳам ташқи бозор учун хизмат қила бошлади. Масалан, вазни 4,3 граммлик олтин танга — динор йирик савдо-сотиқ ишларида муомалада бўлгани ҳолда, 2,8 граммлик кумуш танга — дирҳамлар билан солиқлар ва маошлар тўланарди. Кундалик рўзгор учун эса мис чақалар — фельслар жуда қўл келарди. Бу тангалар ва чақаларнинг нисбий қиймати қайд этилмаган ва умумий тарзда ўзгариб турган. Масалан, динор аввалига ўн дирҳамга тенг бўлгани ҳолда, кейинчалик қиймати ошиб бориб йигирма дирҳамга баҳолана бошлаган. Ўз

навбатида дирҳамнинг қиймати ҳам ўзгариб турган. Чунончи, у 16 фельсдан 24 фельсгача қимматлашган. Чунки турли ҳокимликларнинг зарбхоналарида чиқарилган мис қақаларнинг вазни ва шакли кичикроқ ёхуд каттароқ бўлган. Динор аслида византия тангаси — солиднинг рақиби ва давомчиси сифатида юзага келди ҳамда римча «денария» номи билан аталди. Дирҳам эса шакли ва вазнига кўра эрон драҳмасига яқин эди. Мис қақалар византиялик ва римликларнинг фаллис — қақаларига тақлидан юзага келди.

Бироқ, халифаликларнинг янги пули ташқи жиҳатдан мутлақо ўзгача эди. Чунончи, шоҳлар, шаҳзодалар ва уларни улуғловчи мадҳиялар олиб ташланди. Бу тангалар ислом динининг тарғиботчиси сифатида юзага келгани боис ягона Аллоҳнигина улуғларди.

Бу тангаларда ҳатто халифа номи ҳам қайд этилмади, ислом дини ақидаларига кўра одам ва жонзот суратини чишиш ман этилгани учун қиройли куфий хати билан битилган рамзлар пайдо бўлди холос. Демак, араб халифалари Шимолий Африка ва Яқин Шарқда анъана бўлиб келган шоҳлар ва шаҳар нишонини акс эттиришдан воз кечишди. Бироқ, улар биринчи бўлиб танга пулларнинг қаерда ва қачон чиқарилганини ҳам қайд этиб ўтдиларки, бу анъана ҳозирги кунга қадар сақланиб келмокда. Ваҳоланки Ғарб давлатларида пулнинг ишлаб чиқарилган санасини кўрсатиш XV асрдан эътиборан расм бўлган экан.

Шундай қилиб, ислом Шарқда ягона пул муомаласи жорий этила бошлади. Динор омавийлар салтанатининг пойтахти — Дамашқдагина зарб этиларди, дирҳамлар эса бошқа ҳокимлик ва вилоятларнинг йирик шаҳарларида ҳам чиқарилаверарди. Уша даврда энг машҳур зарбхоналар — Дамашқ ва Васит (Ироқ) шаҳарларида жойлашган эди. Шунингдек, Қурдоба (Испания), Тунис, Балх, Синдх (Покистон) шаҳарлари ҳам ўз зарбхоналари билан ном чиқарган эди.

750 йили омавийлар салтанати тугатилди ва янги сулола — аббосийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Шу даврда тижорат ишлари кучайди ҳамда VIII—IX асрлар давомида динор ва дирҳамга бўлган эҳтиёж орта бошлади. Халифаликнинг янги пойтахти — Бағдод улкан мамлакатнинг иқтисодий марказига айланди. Натижада халифаликнинг бутун мулки шу ерда мужассамлашди. Бағдод зарбхонасида чиқарилаётган тангаларда энди халифаларнинг ва ҳатто вилоятлардаги ҳокимларнинг ҳам номлари қайд этила бошланди. Мағриб, Испания ва Эрон ҳукмдорлари тобора мустақил сиёсат юритганликлари оқибатида эса бу юртларда чиқарилаётган тангалар ҳам секин-аста ўзгара борди.

945 йили Эронда бўлиб ўтган Буйидлар кўзғолони туфайли ниҳоятда мустақкам ва барқарор аббосийлар салтанати барҳам топди. Шу тахлит марказлашган давлат парчаланиб кетди. Динор ва дирҳамлар сақланиб қолган бўлса-да, у ҳар бир мустақил хонликларда ҳар хил қийматга эга эди. Шундай қилиб десангиз, Мағрибдан Машриқгача ҳудудда муомалада бўлган «валюта» барҳам топди. Фақат, муҳим денгиз савдо йўли узра жойлашган Миср давлатигина фотимийлар (964—1171) ҳукмронлиги даврида мустақкам динор тангаларини зарб этиб, уни назорат қила олди. Миср тангалари учун олтинлар Суриядан келтириларди. Бу даврда Миср йирик савдо марказига айланди ва гуллаб-яшнади.

XIII асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда йирик марказлашган давлат — хоразмшоҳлар салтанати қарор топди. Бир тарихий ҳужжатда таъкидланишича ҳижрий 536 йил шаввол ойида (1142 йил май) хоразмшоҳ Отсиз ўз лашкарлари билан Нишопур шаҳрига юриш қилади. Нишопурликлар талон-тарожнинг олдини олиб, Отсизга сулҳ билан мурожаат этадилар. Хоразмшоҳ уларнинг тақлифини қабул қилади ва «мазкур ҳужжат халққа маълум қилинган вақтда хутба ўқитилиб танга зарб этилсин ва менинг номимга тироз (маҳсус чакмон) тикилсин», дея мактуб йўллайди. Албатта бу зарб этилган тангаларнинг олтин ёки кумуш бўлгани бизга номаълум. Бироқ, салжуқийлар давлатининг мавқеи пасайган ва Султон Санжар қорахитойлар томонидан Катовон чўлида енгилган эди. Орада ўн олти йил ўтиб, Нишопур яна бир марта хоразмшоҳ, бу гал Эл Арслон томонидан қўлга киритилади ва унинг номи билан зарб этил-

ган тангалар — олтин динор, кумуш дирҳамлар муомалага киритилади.

Шундай қилиб, хоразмшоҳлар давлати ўзга юртлар ҳисобига кенгайиб боргани сари ўша ҳокимлик ёхуд вилоятда шоҳлар номига хутба ўқитилиб, танга зарб этирила бошлади. Чунончи, 1195 йили Карманда Такиш чомига пул чиқарилади. Кейинги йилларда эса Балх, Бомийн, Ҳирот, Мозондарон ва Самарқандда ҳам шундай динор ва дирҳамлар зарб этилди. Умуман, хоразмшоҳлар давлатининг ҳадлари кенгайиб боргани сари улар чиқарган олтин ва кумуш тангаларнинг сони ҳам, муомала доираси ҳам ортиб бораверди.

Лекин, ҳар қандай улуғ салтанат ҳам пул инқироzi муаммосига дуч келмай иложи йўқ эди. Чунончи, X аср охирида сомонийлар кумуш дирҳамларининг сифати пасая бошлади. Лекин, бу даврда ҳали ҳеч ким тангаларнинг сифати пасайиши умумдавлат ҳаётида муҳим ўрин тутди ва бу нарса яна такрорланади, деб ўйламаган эди. Аммо бу вақтга келиб, Яқин ва Ўрта Шарқда кумуш конлари камбағаллашиб бораётган эди. Чунки, IX—X асрлар давомида аввалига Бағдод халифалигининг, сўнгра сомонийлар давлатининг кумушлари Оврупога ўтиб кета бошлади. Боз устига Шарқ мамлакатларида янги-янги шаҳарлар қад кўтаради, уларда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланади, карвонлар қатнови ортади. Булар бари кўпроқ пулнинг муомалага тушишига эҳтиёж туғдиради. Сифатли кумуш тангалар зарб қилиш имкониятлари, табиийки чекланади. Натижада кумушнинг ўрнини боса оладиган бошқа бир металл изланади. Бу бир томондан оддий қора халқнинг савдо-сотиқлари учун мис тангалар ёхуд паст сифатли кумуш тангаларнинг ишлаб чиқарилишига олиб келди.

Пул ишлаб чиқаришдаги инқирознинг сабабларидан яна бири улкан салтанатнинг турли вилоятларидаги шаҳарларда имконият даражасида сифат ва шакл жиҳатидан турлича бўлган тангалар зарб этилиши эди. Чунончи, XI асрда зарб қилинган тангалар таркибидаги мис миқдори 70 фоизгача кўтарилади. Одатда бундай тангалар сийқалашганда уларнинг миси чиқиб кетган. Халқ ичида «миси чиқиб қолди» деган нақлнинг кенг тарқалганлиги бежиз эмас эди.

XIII асрнинг 50-йилларида Шарқий қорахонийлар давлатида мутлақо кумушсиз мис-кўрғошин қотишмали дирҳамлар зарб этишган. XII—XIII асрларда эса Ғарбий қорахонийлар давлатида устида юпқа кумуш қопламли мис дирҳамлар пайдо бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, XII аср ўрталарига қадар Мовароуннаҳрда олтин тангалар зарб этилмаган, савдо-сотиқ муомалалари «гитриф» деб аталган бронза дирҳамлар ва қорахоний тангалари асосида юритилган. Фақатгина XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Самарқанд ва Бухорода олтин тангалар зарб этила бошланади ва муомалага киритилади.

Олтин, кумуш, мис, бронза тангалар... Улар одамларни не куйларга солмаган? Мана бу ривоят ҳам улар ҳақида: «Буюк форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий шоҳ Маҳмуд Ғазнавий назари-эътиборида машҳур асари «Шоҳнома» эзиб тугатади. Сўнгра шоҳ ҳузурига йўл олади. Шоир аввалги берилган кўрсатмага биноан дostonнинг ҳар мисрасига бир олтин динор олиш умидида бўлибди. Ичи қоралар унга ҳасад қилиб, «Бу шоирнинг нима ортиқлиги бор? Катта инъом унинг димоғини кўтариб юборади», дебдилар ва унга олтмиш минг кумуш дирҳам тайин қилибдилар. Фирдавсий бундан жуда ранжибди. Айтишларига қараганда, унга дирҳамларни олиб келишган пайтда шоир ҳаммомда экан. Ҳаммомдан чиққач, 20 минг дирҳамни ҳаммомчага, 20 минг дирҳамни фақо ичгани учун фақочига, қолганини инъомни олиб келган мулозимларга тақсимлаб берибди. Сўнгра у қирқ байгли шеър эзиб султонни ҳажв қилибди...» Ушбу ривоятни тарихий далиллар асосида текшириб кўриш мумкинми? Ана шу ўринда бизга археолог олимларнинг топилмалари ёрдам беради. Зеро мутахассис олимларнинг таъкидлашларича, шоҳ Маҳмуд Ғазнавий даврида зарб этилган кумуш тангалар софлиги 70 дан 95 фоизга қадар борар экан. Демак, «Шоҳнома» муаллифига тақдим этилган тангалар деярли соф кумуш бўлиб чиқади.

Amir O'limxon bo'keasi

1920 йил ноябрда Саид Олимхон Душанбедагида эслатиб ўтганимиз Эссертон орқали Буюк Британия қироли Георг V га қуйидаги мазмунда мактуб йўллайди: «Бундай мушкул соатда Олий ҳазратлари ўз эзгулиги ва олижаноблигини кўрсатади ҳамда менга дўстона ёрдам сифатида давлат қарзи ҳисобидан 100 000 фунт стерлинг, 20 минг милтик, ўқлари билан 30 тўп ва зарур жиҳозлари билан 10 аэроплан жўнатади деб ишонаман». Амир, шунингдек, 2 минг қурол-яроғли аскар сўрайди. Бироқ амирнинг илтимоси натижасиз қолдирилди. Унинг Ҳиндистонга бориш ҳақидаги илтимоси ҳам инобатсиз қолади.

Амир 1921 йил 4 мартда Афғонистонга ўтди, собиқ амирлик ҳудудидан жами 200 минг киши ҳам тахминан шу пайтларда ўз ватанларини тарк этишди.

Ҳамма ерда ҳозир нозир совет махсус хизмат ташкилотлари бўлмиш ВЧК — ОГПУнинг Кобулдаги резидентураси 1924—1933 йилларда тўплаган маълумотларга кўра, амир Кобул яқинидаги ўз саройида Бухородан муҳожирликка келган йирик амалдорлари билан яшаган. Тўрақулбой, Тоғайбек, Санақулбек, Қори Мирзабой, Хўжа Девонбеги ва бошқалар шулар жумласидан.

Кобулдаги муҳожирликда Бухоро амирлиги мусулмонларининг пешвоси Ибодулла Муфти ҳам бор эди. У бутун мусулмон оламида жуда катта обрўга эга бўлиб, шарият ва исломнинг мўтабар мушаррихи ва билимдони сифатида руҳонийлар эътиборини қозongan, нотик инсон бўлган.

20-йилларда амир ҳузурига тез-тез келиб турадиган меҳмонларидан бири, Кобулда яшаган, Бухоро Халқ Совет Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг собиқ биринчи раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев эди.

Уша йиллари амир саройида бухоролик 320 оила яшаб, асосан савдо, деҳқончилик билан шуғулланишган, айрим амир хизматдагиларгина унинг маблағи ҳисобига яшаган.

Саид Олимхоннинг асосий қаражатларини афғон ҳукумати ҳар йили ажратган 14—15 минг афғони пули ташкил этган. Бундан ташқари амирнинг йирик капитали ҳорижий банкларда сақланган. Пешавордаги инглиз банкида унинг 2 миллион ҳинд рупийси бўлган. Шунингдек, Париждаги банклардан биридаги шахсий жамғарма ҳисобида 180 миллион франк пули сақланган.

1921 йилнинг кузида амир Шарқий Бухорога келган Туркиянинг собиқ ҳарбий вазири Анвар пошшони ўз ҳарбий кучларининг бош қўмондони этиб тайинлайди.

1922 йил 18 майда РКП(Б) МК «Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида» номли махсус қарор чиқаради. Бунга мувофиқ, бу кучларга қарши бир қатор ҳарбий-сиёсий тадбирлар ишлаб чиқилади.

Шу йилнинг 4 августидан Обдара қишлоғида қизил қўшин билан бўлган жанглардан бирида Анвар пошшо ўлдирилиб, унинг асосий ҳарбий кучлари тор-мор этилади.

Шу билан бир қаторда Саид Олимхон ўзининг собиқ вазири, Эронда инглиз резидентураси билан боғлиқ бўлган Тоғабек Жонмирзаев орқали ҳам иш олиб борди. У Саид Олимхондан тегишли ваколат олиб, инглизларга большевикларни амирликдан ҳарбий йўл билан қувиб чиқариш ва амир ҳокимиятини тиклаш ҳамда мустақамлашни таклиф этади. Амир қуйидагиларга розилик билдиради: тартиб-интизом ўрнатилгунга қадар инглиз қўшинларига Бухорода бўлиш ҳуқуқини бериш, фақат инглиз ҳарбий инструкторларини таклиф этиш, ҳамма вазирликларга инглиз маслаҳатчиларини қақариш, ташқи савдонни кўпроқ инглизлар билан олиб бориш, инглизлар Бухоро давлати ҳудудининг исталган қисмида бирор ён беришни талаб қилишга ҳақлидир ва ҳоказолар.

Шу билан бирга амир Саид Олимхон Туркистоннинг большевиклар босиб олган қолган қисмини ҳам озод қилиш ва бунинг учун зарур бўлган барча қаражатларни тўлаш мажбуриятини олди. Амир Миллатлар лигаси (ҳозирги БМТ)га Бухоро давлати вакили учун бир ўрин таъминланишини ҳам инглизлардан илтимос қилди.

Кобулда ҳам айнан инглиз миссияси Бухоро муҳожирларининг бутун фаолиятини йўналтириб ва мувофиқлаштириб турди. Айни пайтда у Саид Олимхонни совет ҳукуматига қарши бирор бир жиддий ҳаракатга қолдир бўлмаган, чекланган раҳбар сифатида билди. Шунга қарамай, инглиз махсус хизмати амирни назардан қочирмади. Чунки Саид Олимхон Афғонистондаги нуфузли муҳожирлар муҳитида ўз тарафдорларининг йирик гуруҳига эга эди. Бунга бир мисол. 1924 йил сентябрда

(Боши ўтган сонда)

ССЖИнинг мухтор вакили Старк афғон ҳукумати олдига амирни Афғонистондан чиқариб юбориш масаласини қўйди. Шунда амир Омонуллохон ҳозирги пайтда Саид Олимхоннинг нуфузи юқорилиги ва Афғонистоннинг ўзида қўзғолончилар ҳаракати мавжудлигидан бундай қадам хатарли бўлиши мумкинлиги ва уни қабул қила олмаслигини айтди.

Саид Олимхоннинг тахтга қайтиши учун очик курашдаги мағлубиятидан сўнг инглиз разведкаси ССЖИ га қарши кўпорувчилик кучларини бирлаштирувчи муҳожирлар сиёсий ташкилотини яратишга ёрдам берди.

Бироқ, 30-йилларнинг биринчи ярмидаёқ инглиз разведкаси туркистонлик муҳожирлар сиёсий оқимини бирлаштириш бора-сида олиб борган ишларида Саид Олимхон номи эътибордан четда қолди. Бунинг боиси шундаки, бу пайтга келиб амирнинг муҳожирлар орасидаги нуфузи пасайди. Бухоролик муҳожирларнинг асосий раҳбарларидан бири Садриддиннинг бу ҳақдаги сўзлари эътиборлидир: «Энди Англия Туркистонни бошқаришнинг анча замонавий шаклини танлаш йўлидан бормоқда. Чунки нодон, бузуқ, чор генерали Амир Олимхон шахсини шарият-феодал шаклидаги бошқарилуви билан бугунги Урта Осиёга тавсия этишни ақл бовар этмайдик, шунинг учун ҳам инглизларда Бухоро амираи шахси ўз қимматини йўқотмоқда».

Аммо кейинчалик ҳам инглиз разведкаси амирни ўз эътибори доирасида тутди. Саид Олимхонга бир пайтнинг ўзида немис, турк ва япон разведкаси томонидан қизиқиш кучайди.

Немис разведкасининг Афғонистондаги бухоролик муҳожирлар муҳитидаги фаолияти 1941—1943 йилларда кучайди. Аввало, ССЖИ да яшин тезлигида уруш олиб боришни мўлжаллаган немислар уларга унчалик эътиборини қаратишмади. Бироқ бир қатор мағлубиятлардан сўнг улар бу омилга ўз қарашларини ўзгартиришди. Немис разведкачиси Расмус ва Витцель амир билан унинг ўғиллари — Саид Умархон ва Саид Иброҳим, шунингдек муҳожирлик йўлбошчилари Мубоширхон Тарозий, Кўршермат, унинг биродари Нурмат ва бошқалар орқали алоқа боғладилар.

Муҳожирлар гуруҳини кенгроқ қамраб олиш ва барча муҳожирлик қатламлари ҳамда гуруҳларини тўпламоқ мақсадида немис разведкаси «Фаол» номли махсус марказ тузади. Уни Мубоширхон Тарозий бошқаради, ҳарбий кучлар бош қўмондони Кўршермат эди. Немислар «Фаол» учун қурол ва ҳарбий аслаҳа олишни маблағ билан таъминлаб туришди. [Афғон контрразведкаси тинтуви чоғида биргина Мубоширхондан немислар берган 200 минг афғонига яқин пул топилди.] Шундай таъминотдан кейин Афғонистоннинг шимолий вилоятларига Саид Олимхоннинг махфий топшириқ олган кишилари ташкилий ва тарғибот ишлари билан юборилди. ССЖИ ҳудудига эса Урта Осиёда ғайришўровий яширин фаолиятни ва кенг қўзғолончилик ҳаракатини ташкил этиш учун шундай кишилар жўнатилди.

Бухоро муҳожирияти йўлбошчилари афғон ҳукумати уларни қўллаб-қувватлайди ёки, ҳеч бўлмаганда, ҳалақит бермайди деб ўйлашди. Бироқ улар янгилишганди. Афғон ҳукумати советлар Бухоро муҳожириятини диққат-эътибор билан кузатаётганини яхши тушунарди. Шунинг ҳам англашардики, совет томони муҳожириятни яққалаб қўйиш учун энг кескин чораларни кўриши ва Афғонистоннинг бошига Эроннинг қуни тушиши мумкин эди.

Шу сабабли, немисларнинг Сталинграддаги мағлубиятидан сўнг немис разведкаси Бухоро муҳожириятига нисбатан кутувчанлик-келишувчанлик муносабатига барҳам берилди. 1943 йил мартда афғон махсус хизмати ходимлари Кобулда ҳам шимолий вилоятларда Бухоро муҳожирияти йўлбошчиларини қамоққа олди. Хусусан Мубоширхон Тарозий бошчилигидаги «Фаол» марказининг барча аъзолари, шимолий вилоятларда эса Ҳамроқулбек, Қудратиллохон Тўра, Муҳиддин Тўра ва бошқалар (жами 50 киши) қамоққа олинди.

Шундан бошлаб, муҳожириятнинг омон қолган қисми, айниқса илгари ғайришўровий муносабатда бўлган кишилар орасида Ҳиндистон, Макка, Туркияга кетиш ёки, ҳатто олдинда нима кутаётганидан қатъи назар, ҳар қандай шароитда ҳам ватанга қайтиш истаги пайдо бўлди.

Бироқ, ўша пайтда ҳукрон афғон сулоласи Бухоронинг собиқ амираи ва унинг ўғилларини, гарчи бу ўғиллар «Фаол»ни ташкил этишда ва унинг ишида муҳим роль ўйнаган бўлишса-да, қамоққа олиш даражасигача бориб етмади. Бу, фақат муҳмондўстлик эҳтироми тўғайлигини эмас, балки бу икки сулола ўртасида қадимий алоқалар мавжудлигидан эди.

1944 йилнинг 30 апрелида Саид Олимхон вафотидан сўнг кўп ўтмай, унинг Қалъан Фоту деб номланган қароргоҳида катта ўғли Саид Умархонни амир вазисига сифатида расмийлаштириш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни марҳум амир маслаҳатчиси Мир Фаттоҳбек Бий ва сарой эшони Яҳё ҳожи Садр бошқаришди. Улар Саид Умархонга амирлик либосини кийдириб, меҳмонхонага унинг укаларини таклиф эттишди. Укалар Саид Умархон қўлидан ўпиб, унга содиқликка қасамёд этишди. Шундан кейин, маросимга келган барча меҳмонлар навбати билан меҳмонхонага киришди. Охирида Саид Умархон нутқ сўзлади. У муҳожирликнинг энг биринчи вазифаси ватанни Совет ҳукуматидан озод қилиш учун кураш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Саид Олимхоннинг Совет Иттифоқида қолган авлодларининг тақдири турлича бўлди. Уч ўғли — Султонхон, Шомуродхон ва Раҳимхон Олимовлар Бухоро босиб олингандан сўнг Москвага олиб кетилди, бу ерда яшаб, таълим олиб, меҳнат қилишди.

1932 йили Саид Олимхон ўз ўғилларини Афғонистонга қайтариб олишга қаттиқ ҳаракат қилди. Лекин бу уринишлар беҳуда кетди.

Узининг муҳожирлик кайфиятини яққол намоён этган кичик ўғил Раҳимхон 1937 йил қатагонларида жосусликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинади.

Катта ўғил Султонхон Олимов [1910 йилда туғилган], тугалланмаган олий маълумот эгаси, II жаҳон уруши ногирони, Москвада яшаган ва ногиронлар артелида ишлаган.

Уртанча ўғил Шомуродхон Олимов [1911 йилда туғилган] Ҳарбий-инженерлик академиясини тугатган ва Марказий аэрогидродинамика билимгоҳи (ЦАГИ)да ишлаган.

Бухоро амирлиги сўнгги ҳукмдорининг тақдири ва у билан боғлиқ воқеалар қисқача шулардан иборат. Муштарийлар илк марта танишаётган Саид Олимхон хотиралари, гарчи шахсий, субъектив муносабатлар учраса-да, юқорида биз келтирган маълумотларни тўлдирди деган умиддамиз.

Марат ҲАСАНОВ,
Валерий ГЕРМАНОВ,
Қосим ШОДИЕВ,
тарих фанлари номзодлари
(Ўз ФА Тарих илмгоҳи.).

БУХОРО ХАЛҚИ ЧЕККАН КУЛФАТЛАР ТАРИХИ



Музокаралар охирида у менга қуйидаги илтимосни йўллади: «Рус ҳукумати 55 йил мобайнида Бухоро ҳукумати билан дўстона муносабатда бўлди. Ҳозирги пайтгача давлатларимиз бу муносабатдан фақат фойда ва манфаат кўрди. Биз бундан кейин ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳурматни шунинг учун ҳам сақлаб қолишни истаймизки, зарур бўлиб қолганда сизнинг давлатингиз мададига суянамиз. Ҳукуматингиз нимаики талаб этса, уни олади, бироқ биз аскарларингизни темир йўл изидан узоқлаштиришингизни сўраймиз. Биз, ўз навбатида, уларни қўриқлашга масъулиятни ўз бўйнимизга оламиз. Бизнинг аскарлар — ёввойи ва нодон кишилар, шу боис улар сизнинг аскарларингизни кўриб, тартибсизликлар келтириб чиқариши ва Сиз, Ҳазрати Олийлари олдида иснодга қўйиши мумкинлигидан чўчиймиз. Сизлар нима ни истасангиз биз сўзсиз бажарамиз».

Музокаралар тугаб, шартнома имзолангач, мухтор вакил жўнаб кетди. Большевиклар илгари ҳибсга олинган бир неча бухоролик фуқароларни озод эттишди.

Ўз томонидан мен ҳам аскарларимга темир йўлни тарк этиш ва ҳарикки томондан 3 чақиримгача узоқлашишга буйруқ бердим. Қутилмаган ҳужумнинг олдини олиш мақсадида атрофдаги тепаликларга 40 кишидан жойлаштирдим. Бироқ большевиклар менинг бу ён беришларимга мутлақо эътибор беришмади. Улар ҳеч қандай уруш эълон қилмай, худди йўлтўсар қароқчилар сингари тунги соат 11 да соқчиларга ҳужум уюштириш-

ди. Бу ҳодиса ҳижрий 1339 йил зулҳижжа ойининг 5-куни (1920 йил 27 августда) рўй берди. Бу жангда 150 қизил армиячи асир олинди. Большевиклар ҳужуми давом эттиришди ва тунги соат 2 да Бухоро йўлида кўшинларнинг катта гуруҳини тўп-лашди. Улар ўзларининг броневик ва бронепоездларида олдинга ҳаракатланиб, бир пайтнинг ўзида замбараклардан ўқ узишди. Тез орада 7 аэроплан Бухорони бўмбардимон қила бошлади. Яратганининг иродасига бўйсиниб, шаҳарни ҳимоя қилиб, ўз кўшинларим билан жангга кирдим. Кетма-кет тўрт кечаю кундуз жангу жадалда бўлдим. Бу жанглар пайтида душман замбарак, пулемёт, аэропланлар ёрдамида Бухоронинг ярмини ёндириб, кулини кўкка совиришга ва кўп халқни ҳалок этишга мавоффақ бўлди. Чорасиз қолган мусулмонлар, аёллар ва болалар шаҳид бўлган яқинлари учун кўз ёш тўкишарди. Ваҳимага тушган аҳоли шаҳарни тарк этарди.

Бутун ўтган вақт мобайнида мен ёлғиз, ёрдамдан умидсиз бир ҳолда курашни давом эттириб келдим. Бироқ замбараклардан ўққа тутиш кучаяётгани, қурбонлар сони ортаётгани, уй-жойлар вайрон бўлаётганини кўриб, бундан кейинги вайрончилик ва одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш учун шаҳарни тарк этишга қарор қилдим. Менинг Бухорои шарифдан жўнаб кетишим урушга чек қўйиши мумкин, деб ўйладим.

Чоршанба кuni тушдан кейин, соат 4 да машабага ўтириб, Оллоҳнинг марҳамати ёғилган пайғамбар алайҳиссалом ибратига мувофиқ, шаҳарни тарк этдим. Ситораи Моҳи Ҳосадаги саройимдан чиқиб, Ғиждувон сари

жўнадим. Менга афғон элчиси, қўшин бошлиқларидан бири Абдулшукурхон ва Афғонистоннинг Тошканддаги вакили Муҳаммад Аслонхон, афғон ҳарбий қозиси, шунингдек олий мартабали шахслар, мансабдорлар, ишчилар, бухоролик ва афғон аскарларидан йигирма беш минг киши ҳамроҳлик қилиб боришди. Ғиждувон туманига етиб келиб, бир кечани шу ерда ўтказдим.

Менинг жўнаб кетганлигимни эшитган бахти қаро бухороликлар, эркак, аёл ва болалар нола чекиб, изимдан йўлга тушишган ва пайшанба кuni эрта тонгда кўнимгоҳимга етиб келишган экан. Улар ўн мингга яқин киши эди. Минглаб одамларнинг дод-фиғонлари эшитилиб турар, худди охир замон келгандек эди. Одамлар ўзини қаерга қўярини билмас, ўзини ерга ташлашар, яратганга ёрдам сўраб илтижо қилишарди. Бу одамларга ҳамдардлик билдирар, далда берар ва руҳини кўтарар эдим. Мен улар учун, улар эса мен учун оллоҳга илтижолар қиларди...

Аҳоли бу бахтсизликдан тушкун аҳволда эди. Мен Бухоро давлатининг шарқий қисмига мадад учун отланганимда улар бу ерда кутиб қолишди. Саккиз кундан сўнг мен Бухорога тобе бўлган Қўрғонтепага етиб келдим, бу ерда ўн кунни ўтказдим.

Ғиждувонни тарк этиб, темир йўлни кесиб ўтганимизда бронепоезд пайдо бўлди, у чекинаётганлардан қолганлар йўлини кесиб қўйди. Менинг энг юқори лавозимдаги бир неча мансабдорларим — Усмонбек Қушбеги, баш вазир Али Қози Калом, Мулла Бурҳониддин, Мулла Изомиддин, Абдул Рауф Карвонбоши ва бошқалар шу тариқа асирга олинди.

[Охири. Боши ўтган сонда]



Бу воқеалар юз берганда, душманнинг олдинга силжишига ҳалақит бериш мақсадида мен бу беклик аскарлари ва аҳолисини йиғиб, жанговар тайёргарликни кўздан кечиргач, Бойсун беклигида жанговар ҳаракатларни бошладим. Қароргоҳим Бухоро давлатининг шарқий қисмидаги Ҳисор шаҳрида жойлашди. Мен бу ерда олти ой бўлдим ва шу давр мобайнида большевиклар билан кураш олиб бордим. Менинг ҳарбий вазир ва бош кўмондоним Мухаммад Саидбек Парвоначи, кўшин, кўмондонлари эса Абдул Ҳафиз Парвоначи ва Иброҳимбек эди.

Кўп жанглар бўлди, қон тўкилди. Рақибнинг қатъийлиги ва жасорати большевикларни кенг кўламда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга мажбур қилди. Улар Масковга кўшин ва ўқ-яроғ сўраб мурожаат қилишларига тўғри келди. Қувватланиб олган қизил аскарлар Бухоро, Афғонистон ва Фарғона жангчиларидан иборат мусулмон лашкарига тўсатдан ҳужум қилди. Ун кунлик жанглардан сўнг, ўқ-яроғ етишмаслиги туфайли, мен улў давлатларга ёрдам сўраб мурожаат этдим. Қароргоҳимни Ҳисордан Кўлобга кўчиришимга тўғри келди. Бу ерда кўшинлар кўмондонлигига Бухоро амирлиги шарқий қисмида таваллуд топган, келиб чиқиши ўзбек бўлган Мулла Мухаммад Иброҳимбек Девонбеги ва Давлатманд Девонбегини тайин этдим. Узининг ҳарбий истеъдоди билан танилган бу кишилар Бухоро давлатига беқиёс хизматлар кўрсатишди. Уларни ўз ҳузуримга чорлаб, қўйидагиларни айтдим:

«Мен Кобулга, Афғонистон пойтахтига отланипман, у ерда ёрдам олиш ва қўллаб-қувватлашларидан умидвордурмен. Бунга муваффақ бўлсам, музокара шартларини муҳокама қилгандан сўнг қайтаман. Сиз шу вақт мобайнида душманни ушлаб турмоғингиз лозим. Ҳозирги пайтда душман яқинимизда, юзма-юз турибди. Агар сиз зарур даражада қаршилик кўрсата олмагангиз, аҳоли бундан жафо кўради. Менинг йўқлигимда халқ ҳозиргидан ҳам кўпроқ хавф-хатарга қолмаслиги лозим».

Мен ўз кўшинларимнинг жойлашуви ҳақида қарор қабул қилганимдан сўнг Иброҳимбек ва Давлатмандбекка тоғларда рақиб йўлидаги ҳарбий кўналгаларни кучайтириш зарурлиги ҳақида фармойиш бердим. Узим эса Кўлобни чоршанба кўни, 1399 йил 22 жумадис соний (1921 йил апрель)да тарк этдим, Амударёдан кечиб, Афғонистон ҳудудига ўтдим. Афғон чегара бўлинимаси кўмондон 160 аскардан иборат фахрий қоровулни бир сафга тизиб, менга пешвоз чиқди ва яхши етиб келганим билан қўтлади. У мен учун Рустакдаги Абдуназарбеги қишлоғида вақтинчалик бир жой тайёрлаб қўйганини айтди. Мен пайшанба кўнини шу ерда ўтказиб, яхши дам олдим, сўнг Рустакка отландим. Афғон ҳарбий кўшилмалари кўмондони, юқори-

да таништирганим Саид Мухаммад Аълам 300 аскарини менга пешвоз йўллади. Рустакда мени 11 тўпдан мушак отиб кутиб олишди. Бу ерда икки кечани ўтказиб, Қатағон ҳокими келганимдан хабардор бўлгач, 24 жумадис сонийда, шанба кўни Рустакни тарк этдим. Ҳокимнинг ўғли бир неча аёнлари билан йўлда ҳамроҳ бўлиш учун пешвоз чиқди ва биз ҳоким Мухаммад Акбархон қароргоҳи томон йўлда давом этдик. Қароргоҳга тўрт чақирим қолганда мен бизга томон тўплар ва мусиқачилар билан келаётган кўшин кўмондонини кўрдим. 21 марта мушаклар отилди. 29 жумадис сонийда Қатағон ҳокими қароргоҳига ташриф буюрдим. Мен Қиётул обод боғида жойлашиб, 35 кун бўлдим.

Қатағондалик чоғимда Афғонистон амири, Онҳазратлари Омонуллахон мухтор элчи сифатида Мухаммад Асломхонни ҳузуримга юбордики, у қошимда узоқ муддат бўлиб, менга далда беришга кўп ҳаракат қилди. У орқали Онҳазратлари ўз пойтахтига ташриф буюришим таклиф этилган мактубини юборди. Шунинг эслатиб ўтиш лозимки, Афғонистонга ўтиш учун Амударёдан кечаётганда 300 дан ортиқ хизматчим ҳамроҳлик қилди. Бундан ташқари, ўз садоқатини кўрсатиш ва мени муҳофаза этиш мақсадида мингдан ортиқ киши Афғонистон ҳудудига ўтди. Улардан беш юз нафар энг муносиб кишиларни танлаб, қолганларни мамлакатнинг турли қисмларида қолдирдим. Бу беш юз киши ҳамроҳлигида Қатағонни тарк этиб, Кобул сари юзландим.

Бир неча кунлик йўл юргандан сўнг, рамазон ойининг 8 кўни, чоршанбада афғонлар пойтахтига етиб келдим. Амир мулк — Қалъаи Муродбек боғи ихтиёрига берилди. У ерда мени амир номидан 10 нафар вазир кутиб олди. Бир неча муддат кейин амир Онҳазратлари мени бир неча амалдорларим билан ўз саройига таклиф этди. Ун ой мобайнида мен афғон ҳукмдорининг меҳмони бўлдим. Сўнг менга 12 минг афғон рупийси миқдориди ойлик нафақа берилди.

Тангрининг иродаси шундай экан, мен бошлаган музокаралар ҳеч қандай натижасиз тугади. Мен яқин пайтда умидвор бўлганим ёрдам ва мададни ололмадим. Шунинг учун ҳам Тангрининг иродасига бўйсуниб, Кобулда қолишга қарор қилдим. Менинг тақдиримга доимо эътибор билан қараб келган Афғонистон амири, Онҳазратлари Кобулдан 7—8 километр узоқликда бўлган ўзининг Қалъаи Фоту боғи билан саройини совға этди. Ўз таъминотим учун оладиган нафақа 12000 рупийдан 14500 рупийга оширилди.

Мен Афғонистон чегарасини кесиб ўтган кўним Иброҳимбек кўшини большевиклар кўшини билан тўқнаш

келади. Узоқ жангдан сўнг Иброҳимбек Девонбеги кўшини ўқ-яроғ етишмаслиги ва большевикларнинг сон жиҳатдан устунлиги туфайли чекинишга мажбур бўлади. Унинг лашкари тоғларга тарқаб кетиб, яширинган. Қаттиқ қаршиликка дуч келмаган большевиклар олдинга силжиб, Бухоро давлати шарқий қисмидаги шаҳарларни эгаллашди. Аҳоли зуғум ўтказилишидан қўрқиб, шаҳарларни тарк этган. Бироқ душманлар инсон боласига хос бўлмаган, шафқатсиз воқеалар билан қочиб кетаётганларни тутиб олиб, куч билан қайтариб келганлар.

Айни пайтда бухороликлар кўшини кўмондони Иброҳимбек ўз аскарларини яна йиғиб, курашининг янги усулини кўллади: у босиб олинган қишлоқларга яширин равишда яқинлашиб, тўсатдан зарба берар, ўраб олиб, қурол ва ўқ-яроғларни эгалларди. Кейин у кетаётиб, мазлум халқни курашга чақирарди. Мана шу тадбир туфайли у қисқа муддат ичида 10000 кишини атрофига йиғишга муваффақ бўлди. Улар бошчилигида Кўлоб ва Болжувон бекликларига йўл олиб, большевиклар устидан ажойиб ғалаба қозонди. У мазкур муҳим воқеалар ҳақида махсус кишилар орқали менга хабар юбориб турди. Улар Бухоро давлатида рўй бераётган воқеалар ва Иброҳимбекнинг менга кўрсатаётган катта хизматлари ҳақида сўзлаб берар эди.

Ғалаба устига ғалаба қозона бориб, Иброҳимбек Қоратегин ва Дарвоз бекликларига ҳужум қилди ва уларни эгаллади. Мен у юборган хабардан, унинг жонбозлиги, мардлиги ва жасоратларидан жуда мамнун бўлдим. Уни олий унвон билан тақдирладим ва урушни давом эттиришга фармойиш бердим.

7 йил мобайнида Иброҳимбек ислом халқини озод этиш учун большевиклар билан уруш олиб борди ва мени, яратганнинг ожиз бандасини ҳимоя этди.

Шу нарса ҳам хотирамдаки, Иброҳимбек кўшин тузишга буйруқ олган пайтда Ҳисор беклиги томон отланиб, кўплаб душманларни ҳалок этган, қимматбаҳо бойлик ва ўқ-яроғларни кўлга киритиб, жонбозлик билан курашган эди. Айнан ўша пайтда у Ҳисор қалъасини қамал қилиб, эгаллаганди. Иброҳимбек бу қамал ва жангда мардлик кўрсатганлар ҳақида тўлиқ хабар юборди. Мен яратганнинг чорасиз бандаси ислом жиҳодгарларига мукофотлар юбордим, олий унвонлар билан тақдирладим. Имкон топдим дегунча, бир-икки киши юбориб, Иброҳимбекнинг соғлиғидан хабар олишга ҳаракат қилардим. Иброҳимбек менинг розилигимсиз бирор чора-тадбир кўргани йўқ. У Ҳисор қалъа-

си қамали чоғида халифа ва султон Раход V нинг кўёви Анвар пошшо Бухоро шахридан Шарқий Бухорога 27 турк ҳамроҳлигида бориш истагида эканлигидан хабар топади. Бу ҳақда Қўрғонтепадаги бир гуруҳ ислом муҳофазачилари Иброҳимбекка хабар етказишади. У эса, ўз навбатида, менга билдиради. Бу янгиликни эшитиб, мен Иброҳимбекка нома йўллаб, унда Анвар пошшонинг нодир қобилиятли киши ва истеъдодли саркарда эканлигига эътиборни қаратдим. Уни эҳтиром билан кўтиб олиш ва, агар у бизнинг иш учун курашишни хоҳласа, унга тўлиқ ишонимизни етказишга буйруқ бердим. Акс ҳолда биз уни Амударёдан кечиб ўтиб, бизнинг худуддан чиқиб кетишини илтимос қилишга мажбур бўлажаклигимизни билдирдим.

Иброҳимбек бу буйруқни олгач, аскарларини тўплаб, Анвар пошшонни кўтиб олишга чиқади. У Анвар пошшонни ҳурмат-эҳтиром билан кўтиб олиб, бу ерга келишдан мақсадини билади. Анвар пошшо мусулмон халқига хизмат қилиш истагини билдиргач, Иброҳимбек қўшинига қабул этилади ва унга бошчилик қилади.

Шу аснода, Иброҳимбек навбатдаги ҳужумдан сўнг, ниҳоят Ҳисор беклигини эгаллади ва ўз қароргоҳини шу ерда жойлаштирди. Сўнгра у ўз қўшини билан Денов, Бойсун, Шеробод, Қарши бекликлари томон йўл олди. У ўз ҳарбий ҳаракатларининг бориши тўғрисида доимий равишда муфассал ҳисобот юбориб турди. Унинг бу ишларидан миннатдорчилигим рамзи сифатида унга Қуръон ва зарбоп тўн совға етдимки, бу унинг Девон (Давлат Кенгаши) аъзоси эканлигини тасдиқлар эди.

Бухоро, Ғиждувон, Пармез, Вобкент, Хўжа Ориф, Хутфор, Ваганзи, Қоракўл аҳолиси Иброҳимбекнинг муваффақиятларини эшитиб, менга, яратганнинг ожиз бандасига ҳурмат ва содиқлик ифода этилган номалар йўлладилар.

Иброҳимбек бу номаларни йўллаб, ушбу жойларга махсус қўмондон тайинлашимни сўради. Фуқароларим йўллаган бу номаларни ўрганиб чиқиб, мен бу ўринга аёнларим ичида энг эътиборли зотлардан бўлган Мулла Абдул Қаҳҳорни тайин етдим. Бундан ташқари, мен яна бир неча раҳбарни тайинладим ва бу ҳақда ўз жойига фармойиш юбордим. Мулла Абдул Қаҳҳор менинг иродамга бўйсуниб, Бухоро давлатининг шарқий қисмига отланди, у ерда Иброҳимбек билан учрашди, сўнгра у Бухоро томонга қайтди ва менинг номимдан фуқароларимнинг ишлари ва сиҳат-саломатликларидан хабардор бўлди. Шундан кейин у большевикларга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаш учун куч йиғиб бошлади. Тангрининг ёрдами билан, мен вақти келиб, Бухорои шариф аҳолисининг жиҳод(дин йўлидаги уруш) курашини атрофлича ёзишга умидворман.

Эслатиб ўтганимдек, Анвар пошшо шарқий қисмда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган Иброҳимбек ҳузурига келди ва большевикларга қарши курашда ўз хизматини тавсия этди. Унинг фаолияти натижаси ўлароқ йил мобайнида Бухоронинг бир неча вилоятлари озод этилди.

Бу пайтда Иброҳимбек Бухоро давлатининг шарқий қисми аҳолиси илтимосига кўра, Афғонистон амирига менинг қайтиб келишим ҳақидаги нома билан мурожаат қилди. Саккиз нафар юқори мансабдорлардан иборат вакиллар Кобулга, Онҳазрат Афғонистон амири ҳузурига юқорида тилга олинган номани тақдим этиш ва шу масала бўйича музокара ўтказиш учун юборилди.

Анвар пошшо менинг қайтишим ҳақидаги масала юзасидан ўз фикрини билдирди. Ҳозирги пайтда Бухоро давлатининг шарқий қисмида душманга мавқени мустаҳкамлашга ҳалақит бериш учун қабул қилинган тадбирлар унинг наздида хатодир, чунки бизнинг душман на давлат қонунларини, на буюк давлатлар қабул қилган қонунларни тан олади. Мана шунинг учун ҳам биз урушни давом эттиришга шайланганмиз. Агар Тангри инояти билан биз зафар қучсак, Бойсун беклигини озод этамиз, биз ўз чегараларимизни мустаҳкамлай оламиз. Мана шундагина подшоҳимизнинг қайтиши мумкин бўлади.

Анвар пошшонинг бу мулоҳазаси тошбосар фикр бўлди. Вакиллар уйга қайтишга тайёргарлик кўра бошладилар.

Онҳазратлари Афғонистон амири уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор кўрсатди. У шундан кейингина вакилларга уйга жўнаш учун рухсат этди.

Бир қадар кейинроқ, 1345 йил 10 зулҳижжада (1922 йил) Анвар пошшонинг шаҳид бўлгани ҳақидаги фожеали хабар тарқади. Анвар пошшо Болжувон (қалъаси) деворлари яқинида бўлган жангда, Қурбон ҳайити кунини қахрамонларча шаҳид бўлган. Унинг жасади Чакан деган жойдаги Ҳазрати Султон мазорига дафн этилади. Анвар пошшо билан бирга Бухоро давлатининг ҳарбий вазири Давлатмандбек Девонбеги ҳам қахрамонларча шаҳид бўлди.

Бухоро давлатининг шарқий қисмидаги воқеалардан воқиф бўлган душман ўз қўшинларини жамлаб, 1925 йили Бухоро қўшинлари қўмондони Иброҳимбекка қарши қутилмаганда ҳужумга ўтди. 25 кун мобайнида қонли жанглар давом этди. Бой ўлжа қўлга киритилди: бир неча тўп, пулемётлар, 1800 милтик, 1500000 ўқ, 2 броневик, 2 аэроплан. Бу аэропланларда бир неча «маузер» тўппончаси топилди. Мен бу воқеалар тафсилоти тўлиқ баён этилган хабарни олдим. Большевиклар ўз олдларига қўйган вазифани бажара олмай, чекинди. Иброҳимбек озод қилинган жойларда тартиб ўрнатди, ўз қўшинини тўлдирди ва қайта ташкил этди. 1345 йил (1925

йил) бошларида жиддий тайёргарликдан сўнг у ўз қўшинини Бойсун беклиги томон пинҳона йўналтириш истагида эди.

Бироқ большевиклар ўз қўшинини Амударё бўйида жамлаб, Афғонистон ҳукумати билан чегара масаласида музокараларни бошлади. Муайян бир пайтда у ерда вазият хатарли тус ола бошлади. Бундан хабар топган Иброҳимбек ўз режаларини ўзгартириб, Бойсун беклигига қўшинининг фақат ярмини юборди. Ўзи эса ўн беш минг кишилик қўшин бошчилигида тоғ йўли орқали Афғон ҳукуматида ёрдамга келди. У ўз қўшинлари билан Афғонистон чегарасида жойлашди ва воқеалар қандай ривожланишини кўтиб, у ерда қирқ кун турди. Афғонистонда большевиклар билан музокаралар тугади, шартнома имзоланди. Бундан хабар топган Иброҳимбек ўз қўшинининг қолган қисми билан қўшилиш учун жўнаб кетаётганда большевиклар ҳужумга ўтди. Йигирма етти минг кишилик большевиклар қўшини ҳамма томондан ҳужум уюштирди. Қизил қўшин ҳужуми шу қадар кучли бўлдики, жиҳодгарлар чекинишга мажбур эди. Иброҳимбек уч юз аскарнинг қуршовида қолди. Бешафқат қонли қўл жангидан сўнг у ўзини оти билан Амударёга ташлади, дарёни кечиб ўтиб, Афғон қирғоғига етиб олди. У ўз ҳисоботида бу жанг тафсилотларини баён этган. Афғонистон ҳукумати бундан хабар топиб Иброҳимбекни Кобулга таклиф этди, у уч кун мобайнида Афғон амирининг меҳмони бўлди. Сўнг унга маълум миқдорда пул ва яшаш учун жой белгиланди.

Иброҳимбек бу совғаларни олмади ва Афғон ҳукуматида қуйидаги илтимос билан мурожаат этди:

«Мен — Бухоро хонининг содиқ хизматкорларидан бириман. Менинг ягона истагим ўз валинеъматимни кўриш ва унинг хонадони остонасида умримнинг сўнгги кунларини ўтказиш».

Иброҳимбек ўз истагига кўра, менинг қароргоҳимга юборилди, мен билан бирга яшай бошлади. Афғонистон ҳукумати унга нафақа сифатида ойига 550 кобул рупийи тайин этди.

МУЛЛА АБДУЛ ҚАҲҲОРНИНГ БУХОРО АТРОФИДА БОЛЬШЕВИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИ

Менинг фармоним билан Мулла Абдул Қаҳҳор Бухоро томонга жиҳод учун курашга бошчилик мақсадида йўл олди, мамлакатнинг бу қисмида жанговар ҳаракатлар бошланди. Мулла Абдул Қаҳҳор Ғиждувон томонда ҳужумни бошлади ва уни душман ҳукмронлигидан озод қилди. У ўз қўмондонлиги бошчилигида турли минтақалардан аскар тўплашга муваффақ бўлди: Бухородан 6000, Ваганзадан 2000, Вобкентдан 2000, Шофирқондан 2000, Пармездан 2000, Хутфор ва Лаклакдан 2500, Баҳо-

ЎЛИМДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТ

РУСТАМ ОБИД

Муҳтарам муҳарририят! «Фан ва турмуш»нинг 1991 йилги сонларида табиатдаги мавжуд сирли ҳодисаларни ёритишингизни сўрайман. Лекин, авваламбор, ўлимдан кейинги ҳаёт ва руҳ абадийлиги ҳақида кўпроқ мақола берсангизлар.

Негаки, менинг яқин дўстларим 17 баҳорни кўрар-кўрмай касаллик ва авария туфайли бу дунёдан ўтиб кетишди. Уларнинг руҳи билан гаплашишни жуда-жуда истардим. Руҳлар билан ҳар қандай одам суҳбатлаша оладими? Умуман, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида илм-фан нима дейди? Бу борада қандай тажрибалар олиб борилаяпти? Модомики, руҳлар бу дунёга яна қайтиб келар экан, икки ҳаёт ораллигида қаерда бўлади? Бу саволларимни эътибордан четда қолдирмайсизлар деб ишонаман.

Насиба АБДУЛЛАЕВА.

Андижон вилояти Андижон ноҳияси
Найман кишлоқ кенгаши, 31-уй.

«Фан ва турмуш» ойномасини кўп йиллардан бери ўқиб, унда босилган мақолалардан ўз фаолиятимда фойдаланиб келаман, — деб ёзибди Самарқанд шахрининг М. Горький хиёбонидаги 15-уйнинг 1-хонадонида яшовчи муштарийимиз, доцент ва Улуғ Ватан уруши фахрияси Рустам Қаримов. — Сизлардан илтимосим шуки, ойномада сирли ҳоди-

саларга оид мақолалар мунтазам бериб борилса айни муддао бўларди. Зотан, бу борада ҳали кўп сирларни билмаймиз».

Муҳтарам олимимизнинг бу илтимосини жуда кўплаб муштарийлар қўллаб-қувватлашмоқда, жумладан, ўлимдан кейинги ҳаёт муаммоси бўйича қандай янгиликлар борлиги ҳақида ҳикоя қилишимизни сўрашмоқда. Ана шу илтимосларни инобатга олиб, қуйида шу соҳада кейинги пайтларда эълон қилинаётган сўнгги маълумотлар билан таништириб ўтамиз.

Фақат, бир нарса учун аввалдан узр сўрашим керакки, бу илмий маълумотларнинг бари ислом оламида ташқари мамлакатлардан олинган. Бинобарин, Оллоҳи қарини ўрнига Олий Фазовий Онг, Азроил ўрнига Оқ либосли хоним, дўзах ўрнига «гуноҳкор руҳлар саҳроси» каби ибораларни қўллашга тўғри келди. Зотан, замонавий илм-фан улим устида ислом оламида ташқаридаги маъракатлардагина тажриба олиб бораётир. Модомики, мақсад ислом динининг у дунё ҳақидаги фикрларини замонавий илм-фан қандай тан ола бошлаганини кўрсатиш экан, илмий атамаларни ўз ҳолича қолдириш маъмул кўринди. Қолаверса, ном хилма-хил бўлиши моҳиятини ўзгартирмайди асло, ғайриоддий иборалар эриш қуринмаса бас. Бу гапларга ҳозир бизда, айниқса Узбекистонда ҳеч ким ишонмай қўйган, шояд, илм-фан тасдиқлаганидан сўнг ишона бошлалаш...

РУҲЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Мен ўлиб кетган кишиларнинг руҳини истасан пайтда кўра оламан.

ВАНГА.

Дарвоқе, руҳлар олами билан ошно кишилар, яъни мулоқотчилар ҳақида.

Айрим кишилар ўз-ўзини ишонтириши натижасида транс (карахтлик) ҳолатига тушиш қобилиятига эга, айтишларича, улар шу ҳолатда бошқа замонларда яшаган кишилардан маълумот олиб, бошқаларга беришлари мумкин. Бундай кишилар «меднум» [лотинча «ўртадаги» маъносида] деб аталиб, одамлар билан руҳлар олами ўртасида воситачилик қилиш қобилиятига эга мулоқотчидирлар. Шу воситачилик эса «спиритизм» [лотинчада «руҳ» маъносида] деб ном олган. Спиритик сеансларда мулоқотчилар муайян кишиларнинг руҳини чақириб суҳбатлаша олади.

1972 йили АҚШнинг «Истерн Эйрлайнс» авиакомпаниясига қарашли бир тайёра қўлаб тушганда йўловчилар

вуддиндан 2000. Жами 25000 га яқин киши тўплади. Ҳар бир гуруҳ ўзига ўзи қўмондон тайин этди. Ғиждувонда кўп жанглар бўлди ва кўп қон тўкилди. Бир ой ичида большевиклардан қуйидагилар ўлжа олинди: 2000 милтик, 500000 патрон, 10 пулемёт ва 3 броневик. Бундан кейин, Мулла Абдул Қаҳҳор Нурота шахрига отланди, уни шаҳар ҳукамоларининг вакиллари кутиб олишди. Аҳоли шоду хуррамлик ила кутиб олган қўшинлар шаҳарга кирди. Барча большевиклар қамоққа олинди. Саодатманд фуқаро хутба ўқишга қарор қилиб, хутбада менинг номимни ҳукмдор сифатида ўқиган. Большевиклардан кўпгина ўқ-яроғларни ўлжа олган Мулла Абдул Қаҳҳор Нуротани ўзига қароргоҳ қилди. У ердан Бухоро томон йўл олди, Сарипул — Меҳтар Қосим (Меҳтар Қосим кўприги)гача етиб борди, бу ерда уни ёш бухороликларнинг ҳарбий вазири Абдулҳамид афанди 60 нафар бухоролик, турк ва ҳинд ҳамроҳлигида, ҳамда кўплаб миқдорда қурол-яроғ билан кутиб олди. Абдулҳамид афанди унга 6000 фунт стерлинг ва икки пулемёт совға қилди. У Анвар пошшо ва Иброҳимбекка қўшилиш учун Бухоро давлати шарқий қисмига йўл олишга Мулла Абдул Қаҳҳордан рухсат олди. Бу тафсилотларни менга Анвар пошшо хабар қилди.

Большевиклар Сарипул — Меҳтар Қосимга яқинлашганда Мулла Абдул Қаҳҳор уларга зарба берди. Жанг икки кун давом этди. Мулла Абдул Қаҳҳор ғалаба қозонди ва большевиклар чекинди. Шунда Мулла Абдул

Қаҳҳор Бухорони қамал қилди ва шаҳарнинг олти дарвозасини эгаллади. Шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлган большевиклар Когон станциясига (Бухородан 11 қақирим узоқликда), Красноводск — Тошканд темир йўлига томон чекинишди. Мулла Абдул Қаҳҳор Бухорони эгаллади ва шаҳарда тўрт соат бўлганидан сўнг, дарҳол Баҳовуддинга, бу муқаддас жойни большевиклар галасидан озод этиш учун юриш қилди. Ун соатлик жангдан сўнг шаҳар озод бўлди. Бухоро ва Баҳовуддинда кўплаб миқдорда қурол ва ўқ-яроғ ўлжа олинди. Мулла Абдул Қаҳҳорнинг бу хизматларидан жуда мамнун бўлдим ва унга муқофот сифатида олтиндан тикилган тўн (тегишли унвони билан) ва револьвер ҳада этдим.

лоқотчи Рена Жеймс. Транс ҳолатида у Ред Клауднинг маслаҳатларини бошқаларга етказди, яна денг, эркакча овозда гапиради.

Ҳатто сеанс чоғида мулоқотчининг ёнида ҳиндулар сардорининг боши ҳам кўринади. Ҳар қалай, гувоҳлар руҳнинг фотосуратини олишга муваффақ бўлишди. Парапсихология ҳақидаги бутун бошли фанда бундан ҳам ғаройиброқ ҳодиса йўқ.

Рухларнинг нафақат фотосурати олинган, балки вазни ҳам ўлчанган. Америкалик олимлар шундай бир махсус тарозу яратишдики, унда ўлаётган кишининг вазида рўй бериши мумкин бўлган ва тиббиётга маълум жамики ўзгаришлар кўзда тутилган. Бир қатор тажрибалар ўтказилган эди, натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди: бир граммнинг мингдан бир улушини олсак керак деб ўйлашганди, аслида эса инсоннинг руҳи 2,5 дан 6,5 граммгача вазида экан. Ленинградлик медаллар эса ана шу субстанцияни асбоблар ёрдамида қанд этишга муваффақ бўлишди: жон чиқар асносида кишининг тағисидан тухумсимон шаклдаги бир нима ажралар экан.

АЖАЛ ДОИМО ЁНИМИЗДА

Улим, эвоҳ, бу бир неъмат, бу бир шонли саодатдир!

Самад ВУРҒУН.

Бир киши чойхонада улфатларим билан чақчақлашиб ўтирган экан баногоҳ рўпарасида Азроил пайдо бўлиб, унга ажабланганча қараб турибди. «Оббо, ажалим етган экан-да! — деб оҳ урибди ўзича ҳалиги одам. — Жонимни олишга-ку келибди, лекин ҳайрон бўлиб туриши нимаси!» Бу ундабуро одам экан, Азроилнинг ҳайронлигидан фойдаланиб, қочиб қолишни ўйлабди. Э худо, мени бир лаҳзада етти иқлим нарига олиб бориб қўй, дея нола қилибди. Куз очиб-юмгунча фурсат ўтмай қараса, етти иқлим нарида пайдо бўлиб қолган эмиш. Бопладимми, деб суюниб турса, рўпарасида яна Азроил пайдо бўлиб, «Эй, банда, тақдир китобида мен сенинг жонингни шу ерда олишим буюрилган эди, лекин бир лаҳзагина аввал сени етти иқлим нарида кўриб, ҳайрон бўлиб турувдим!» дер эмиш.

Қиссалар хисса шуки, бу ривоятда халқ бир томондан тақдир азалини тан олса, иккинчи томондан ўлим ҳақлигини эътироф этади. Ҳа ўлим ҳар бир тирик жоннинг бошида бор, ундан ҳеч ким қочиб қутула олмаган ҳали. Шу боис ҳам дин аҳли, ёши улғў отахон-онахонларимиз ўлимдан қўрқмайди, уни табиий равишда қабул қилишади, фақат «елдек келиб, селдек олсин, қийнаб, бошқаларга муҳтож қилиб қўймасин» деб тилашади, холос. Негаки, инсон вужуди ўлиши билан ном-нишонсиз йўқолиб кетмаслигига, руҳ мавжудлигига ишонишади улар. Шу боис ҳам қариялар марҳум тепасида ўзини отиб дод соладиган ёшларни қойишади, бунчалик эзлишининг кўриб руҳи қийналади-ку деб босирқоқ бўлишга ундашади. Одам анча улғў ёшда вафот этганда эса ҳатто «У кишининг тўйи-ку бу!» деб қўйишади, ҳам-мани ҳам шу ёшга етказсин дея тилак билдиришади.

Айниқса, ҳаётнинг ачиқ-чучуғини кўп татиган нуруний кексалар бу дунёда ҳеч нимага жуда қаттиқ меҳр қўймаслик кераклигини ўқидиришади. Бу бежиз эмас, зотан, БОРАДИГАН ЖОЙИ

Бироқ, бир оз вақт саросималикдан кейин, большевиклар ўзларига кела бошлашди. Улар Масков ва Тошкандга мурожаат этишиб, ёрдамга қўшин юборишни сўрашди. Улар яна куч йиғиб, Мулла Абдул Қаҳҳорга ҳар томондан ҳужумга ўтишди. Бухоро ва Баҳовуддин большевиклар қўлига ўтди. Бу воқеалар пайтида мингга яқин бухоролик аскарлар асирга олинган.

Мулла Абдул Қаҳҳорни қўлга тушириш орузида большевиклар турли воситаларни қўллаб кўрди ва туну кун курашни тўхтатмади.

Улар мисли кўрилмаган даражада пуллар сарфлаб, бухороликларни қўзғолон кўтарсин деб иғвога ундадилар. Мулла Абдул Қаҳҳорнинг аҳолига жабр этган ва мамлакатни инқирозга

олиб келган икки биродари биринкетин ўлдирилди.

Мулла Абдул Қаҳҳор бу фактлар гувоҳи сифатида, аҳоли томонидан таъқиб этилишни истамай, қозоқ-қирғиз қўллари томон бош олиб кетди.

Уз томонидан большевиклар Бухорога туташ районларга салмоқли даражадаги гарнизонларни олиб кирдики, улар буни ҳукуматга содиқ қолган бухороликлар исёнининг олдини олиш учун қилишди.

Мен бу маълумотларни Бухорода ҳокимият тепасига келиб, хали тахт меросхўри бўлган кунларимгача рўй берган воқеалар билан қизиққанлар учун ёзма баер этдим.

Мен, шунингдек, Русиядаги инқилоб натижаси ўлароқ юзага келган боль-

Сўранг — жавоб берамиз

борлигини билган одамнинг кетиши ҳам осон бўлади-да! Улимдек буюк синоатга хилма-хил муносабатни ўрганиб юриб яна шунини пайқадимки, бу дунёга қаттиқ меҳр қўйганлар, у дунёдан, руҳ мавжудлигидан беҳабар одамларгина ёхуд бу гапларга заррача ишонмайдиган бадғумон кимсаларгина УЛИМДАН УЛГУДЕК ҚУРҚИШАДИ. Ҳар икки дунёга холис қарайдиган кишигина бу дунёда ўлим ваҳимасидан озод бўлиб яшай олади, зеро, у ўлим бошимиз бориб тақ этиб тегадиган девор эмас, балки бошқа бир дунёга дарвоза эканлигини яхши билади.

Шу боис ҳам кексалар ёшларни «қазои муаллақ» — бошимиз узра ҳамиша муаллақ турувчи ажалга, ўлим ҳақ эканлигига руҳан тайёрлаб, уйқунини ўлимга қиёслашади. Яъни, ўлим ҳам уйқудек табиий ҳодиса дейишади. Уйқу вақт ва жой танламагандек, ўлим ҳам вақт ва жой танламайди, уйқу босган заҳоти ухлаб кетилгандек, ўлимга ҳам ҳар лаҳза тайёр туриш керак. Уйқуга ҳеч ким қаршилиқ кўрсата олмагандек, ўлимга ҳам ҳеч ким қаршилиқ кўрсата олмайди. Хулласи калом, ўлим табиий ҳодиса экан, ундан қўрқмаслик керак асло. [Ота-боболаримизнинг уйқунини ўлимга қиёслашлари бежиз эмас экан. Уйқу устида кейинги вақтларда олиб борилаётган илмий тажрибалар шу кўриш чоғида инсон, аниқроғи унинг руҳи асл воқеликда бунга кўринмайдиган бошқа одамларга бориб келишидан дараж бармоқда. Бироқ бу борадаги қизиқарли натижалар алоҳида сўхбат мавзудир].

Дунёдаги барча халқлар, жамики динлар ўлим ҳақида айнан шундай фикрда. Қадимги Рим саркардаси Юлий Цезарь ғарбий Овруподаги кельт қабиаларида ўлимдан қўрқув мутлақо йўқлигини кўриб ҳайратланган ва бунинг сабабларини ўрганган эди. «Улар вужуд ўлғач, руҳ бошқа баданга ўтишига ишонишади, — деб ёзади у. — Натижада ўлимдан қўрқув ҳисси йўқолиб, халқлар ниҳоятда довурак бўлиб кетишади».

Юқорида халқимиз ёши улғў кишининг ўлимини тўй деб таърифлашини айтиб ўтгандик. Дунёдаги айрим халқларда эса ўлим шунчаким тўй эмас, балки даб-дабали тантана ҳисобланади. Масалан, Мексиканинг Веракрус шаҳрида ҳозирги даврда ҳам Улим байрами катта карнавал сифатида нишонланади. Кўчаларда аравага ўрнатилган баҳайбат скелет олиб юрилади, унинг юзи ўрнида эса — ўлимнинг қаҳ-қаҳ уриб турган никоби. Умуман, мексикаликлар ўлимни овруполиклар сингари даҳшат деб билишмайди. Уларнинг назарида, ўлим — бошқа дунёга ўтиш, ҳаёт билан ўлим танганин икки томони, холос. Марҳумларни хотирлаш маросимлари дунёдаги барча халқларда мавжуд, лекин Мексикада бу алоҳида аҳамиятга эга. Улим байрами кенг миқёсда нишонланади, болалар ширинликка роса тўйиб олишади. Тириклар ҳали ҳаёт эканликларидан, марҳумлар эса аллақачон ўлиб улғурганларидан севинишади...

Мексикаликларнинг Улим байрамини эсласам, машҳур фаранги адиби Гоман Ролланинг буюк италян мутафаккири ҳақидаги «Микеланжело» романи ёдимга тушади. Микеланжело бир жияни фарзанд кўрганида унга таъзия билдирган, бошқа жиянининг фарзанди ўлганда уни табриклаган экан...

Америкалик ёзувчи, этнограф ва мистик Карлос Кастанеда-нинг ўз устози, ҳинду сеҳргари дон Хуан ҳақидаги 9 жилдли китоби замонавий эзотерик (сирли илмлар ҳақидаги) адабиётининг шоҳ асари ҳисобланади.

Улим доимий ҳамроҳимиз, — дейди дон Хуан. — У ҳамиша

шевиклар билан олиб боришга мажбур бўлганим урушни тасвирладим. Афғонистон пойтахти Кобулга қочишга мени мажбур этган сабабларни тушунтирдим. 7 йил мобайнида большевик босқинчилари билан мардларча курашган Бухоро ва унинг атрофидаги аҳолининг менга садоқати ҳақида ҳикоя қилдим.

Охирида Овруподаги содиқ вакилим, генерал Хожин Юсуфбой Муқимбойнинг шаҳсан ўзимга, менинг сулолам ва Бухоро халқига кўрсатган хизматларини таъкидлаб ўтиш қолади, холос.

АМИР САИД ОЛИМХОН.
Кобул, 1929 йилнинг феврали.
Нашрга тайёрловчи САИД МУРОД

чап тарафимизда, қўл етгудек масофада юради. Гоҳ-гоҳида яқин келади — бирон нимадан қаттиқ кўрққанингда аъзон бада-нинг музлаб кетган лаҳзаларни эсларсан! Улим бизни доимо кузатиб юради ва бир кунмас бир кун илкамизга бир қоқади... Асабийлашган, жаҳлинг чиққан кезлари чап томонингга ўгири-либ, ўлимдан маслаҳат сўра. Балки бирон белгини ёхуд шарпани илғаб қоларсан. Лекин чап ёнбошингда ҳамиша ўлим шай тур-ганини унутмасанг, шу кифоя. Шунда ҳаётинг кўп бемаъни нар-салардан покланади... Улим — ягона доно маслаҳатчидир. На-зарингда дунё остин-устун бўлиб, яшашнинг иложи йўқдек ту-юлса, ўлимдан маслаҳат сўра. «Жонинг ўзингда экан, яшаса бў-лади» дейди у... Бироқ фикр ва туйғу саҳросида вақт тушунчаси йўқлигини унутма асло: ўлим ҳамиша ёнингда, исталган дақиқа-да қўл узата олади...

Қиссадан хисса: инсон шундай яшамоғи керакки, ўлим уни гафлатда қолдира олмасин, у дунёга очиқ юз, пок виждон билан ўта олишга ҳамиша шай турсин, деган ўғит бор барча халқларда.

ОҚ ЛИБОСЛИ ХОНИМ

Уз ажали билан ўладиган ҳар қандай тирик жон ўлим яқин-лашганини сеза олади. Баъзи қушлар осмони фалакка чиқиб, ўзини ерга уради, баъзи ҳайвонлар хилват жойларни ахтариб кетади. Инсонлар эса олди-бердосини қилиб, васиятини айтишга ошиқади. «Одам умри охирлаб қолганини бадани совий бош-лаганидан билади» деб ёзади Жуна «Қўлларимни тинглайман» номли асариди.

Баъзиларнинг кўзига эса аввал ўлиб кетган яқин кишилари кўринади ва жон бераётган киши улар билан гаплаша бошлайди. Биз, одатда, буни алаҳсирашга йўйамиз, «ўсал бўлди, айнаб қолди, энди қийин», дейишади баъзилар бундай пайтлари. Бироқ кейинги пайтларда олиб борилаётган илмий тажрибаларнинг натижасига қараганда, аввал ўлиб кет- н қариндошларнинг руҳи марҳумнинг ҳузурига у жон берганидан кейингина эмас, ҳатто жон бермасидан олдин ҳам келиши мумкинлигини тасдиқла-моқда. Чунончи, америкалик психиатр К. Оссиининг «Шифокор-лар ва ҳамшираларнинг ўлим жараёнини кузатишлари» номли китобида шунга оид кўплаб маълумотлар келтирилади.

«Агафо» номли совет-америка қўшма корхонаси ҳузурига ташкил этилган Ғайри оддий мулоқот ҳолатларини тадқиқ этиш марказининг бош директори, ўзига хос структуралар тадқиқот-чиси ва этнограф олим А. К. Прийма «Вся Москва» нашриётида чоп этилган «Жаннат иблислари» номли асариди бу дунё билан у дунёни боғлаб турувчи махсус алоқа каналлари мавжудлиги тўғрисида сўз юритади. Марҳумнинг руҳи у дунёга шу канал орқали ўтар, ўлимдан хабар берувчи қариндошларнинг руҳи ҳам шу канал орқали келар экан.

Оврупо, умуман, христиан оламинда Оқ либосли хоним тушун-часи бор, бу биздаги жон олувчи фаришта Азроилга тўғри ке-лади.

Графиня Блудованинг хотиралариди сарой соқчиларининг офицери тузган, 25 соқчи хоч белгиси билан имзо чеккан ва Бирон хулоса ёзган бир тарихий ҳужжат келтирилади. Унда баён қилинган сирли ҳодиса Анна Иоанновна императорлик қилаёт-ган даврда, Фонтанкадаги Аничков кўприги ёнида жойлашган саройда юз берган. Тахт турадиган залда аввал соқчилар, кейин офицер Анна Иоанновнани оқ либос кийган ҳолда кўришади, ҳолбуки унда бу хил кўйлак йўқ эди. Залга кирмоқчи бўлишган-да кўзга кўринмас аллақандай тўсиқ уларни ичкарига қўймайди. Биронни уйғотишганда у шарпага ўқ узишга буйруқ беради, лекин соқчиларга яна бояги куч халақит беради. Шунда Бирон Анна Иоанновнани уйғотади ва фақат угина залга кира олади. Император аёл қиёфадошидан «Сен кимсан ва нима учун кел-динг!» деб сўрайди. Оқ либосли хоним жавоб бермай тахт томон юра бошлайди ва ҳавода аста эриб кетиб, кўздан ғойиб бўлади.

Анна Иоанновна эса тахт залидан чиқаётиб, «Бу келган меннинг ажалим бўлади» дейди. Чиндан ҳам орада уч кун ўтгач импера-тор аёл вафот этади.

ДАСТАБКИ ҚИРҚ КУН

Мана, ўлим элчиси ҳам хабар бериб кетди, энди бу ёғига во-қеалар қандай кечади! Юқорида тилга олинган олим, Ғайриод-дий мулоқот ҳолатларини тадқиқ этиш марказининг бош дирек-тори Алексей Прийма кейинги вақтларда ўлимдан кейинги ҳаёт мавзусида кўплаб суҳбатлар ўтказмоқда. У тарихий ва замонавий маълумотларга асосланган ҳолда инсон ўлган унинг руҳи вужуд-ни тарк этиб, баъзан «борлиқнинг иккинчи воқелиги» деб аталув-чи бир оламда яшай бошлашини исботлаб беради. Бу фикр янги эмас, Тибетнинг «Марҳумлар китоби», В. Зиновьевнинг «Шарқий Сибирь рус аҳолисининг мифологик ҳикоялари», Юань Мэйнинг «Ци Сенинг янги ёзувлари ёки Конфуций нима ҳақида гапирмаганди», Р. Моудининг «Ҳаётдан кейинги ҳаёт» номли асарлари ва ҳоказоларда мавжуд бу хил ахборот.

Ҳозирда айнақса Раймонд Моудининг китоби тобора омма-лашиб кетмоқда. Муаллиф шифокорлар ўлимни қайд этгани-дан кейин ҳаётга қайтарилган ёхуд бахтсиз тасодиф ёки касал-лик туфайли ўлим чегарасида бўлган 150 киши билан суҳбатлаш-ган, китоб уларнинг ҳикоясидан иборат.

Прийма эса суҳбатларида ва «Жаннат иблислари» китобида одам ўлганидан кейин дастлабки қирқ кун мобайнида кўзга кўриниши, товуши эшитилиши, қўл тегизгани сезилиши мумкин-лигини исботловчи кўплаб мисолларни келтиради. Бу, одатда, ўлган одамнинг қариндошлари ва дўстлари марҳумнинг ингра-шини, қадам товушини, бирон нимани гичирлатишини эшити-шига, тегинишини сезишига, шкаф ва сервантлар эшиги ўз-ўзидан очилиб кетишини кўришига асосланган. Магнитофон ўчирилган ҳолда тасмада марҳум айтадиган айрим сўзлар ёзилиб қолиши мумкин. Бевожита кўзга кўринганда эса марҳум дафн этилган пайтидаги кийимда бўлади [бошқа халқларда майит либосда кўмилишини унутманг]. Қолаверса, бирон одамга мар-ҳумнинг қўли тегиши ҳам мумкин, бу ерда маълум вақтгача из қолади.

Энди мурдадан ахборот олиш устида узоқ вақт иш олиб бор-ган америкалик мутахассисларнинг маълумотларига келайлик. Улар, жумладан, шунни аниқлашдики, диний ёки сиёсий қараш-ларидан қатъи назар одам ўлгач қирқ кун ўтиб, миясининг осцил-лограммасидаги бир текис тўғри чизиқ тўлқинлана бошлар экан. Бу тўлқин битта ёки бир қанча бўлиши мумкин. Башарти кетма-кет бўлса, тўлқинлар қуйидаги тартибда такрорланади: 3—7, 7—3, 3—7. Яъни, учта тўлқидан кейин тўғри чизиқ кетади, сўнг еттита тўлқин пайдо бўлади ва ҳоказо. Қисқаси, ўлимдан қирқ кун ўтгач, мурданинг мияси уйғоқ одамнинг миясидек ишлай бошлайди. Бу — руҳнинг вужуддан ажралиб чиқиш лаҳзасидир, деб таърифлайди фалсафа фанлари номзоди Анатолий Скачко.

Қирқ кун деганда эт суякдан ажралади деб тушунтиришади бизга кексалар. Шундан кейингина руҳ осмонга чиқиб кетади, лекин қирқ кунгача яқин орада юради. Жон узилиши ҳам оғир. Марҳумнинг оғзига кўзгу тутилди — нафас йўқ. Лекин орада маълум вақт ўтиб, кимдир етиб келувдики, беихтиёр кўзлари очилиб кетади ёки, жуда бўлмаганда, юзи бир учади. Баъзан эса, аксинча, марҳумнинг кўзи юмилиши қийин, ниҳоят, илҳақ бўлиб кўз тиккан одами етиб келиб овоз бергандагина кўзлари хотиржам юмилади. «Жон беролмай қийналиб ётган экан боя-қиш» дейишади шундай кезлари атрофдагилар. Бунда изти-робли лаҳзаларни ким кўрмаган дейсиз. Дастлабки қирқ кун ичида марҳумнинг овози эшитилиши, қўл тегизиши ҳам бор гап — ўз бошимдан кечирганим учун бунга имоним комил.

(Давоми бор).

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» (Наука и жизнь) № 4 [438] 1991 г.

Қўлёзма ва расмлар Саҳифаловчи Ҳалима УСМОН қизи қайтарилмайди. Бадий муҳаррир Уста ВАЛИ

Ойномамиз мақолаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмуш»дан олинган деб кўрсатилиши шарт.

Унвонимиз: 700000, Тошкент ГСП(П) Гоголь кўчаси, 70-уй
Телефон: 33-07-05;

Теришга 15.02.1991 йилда берилди. Босишга 22.03.1991 йилда руҳсат этилди. Қоғоз 60×90¹/₈ Ботик босма. Ботик босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуна-лар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нусхаси 377181. Буюртма № 4949. Нашр. № 556. Обуна нархи 60 т., чакана нархи 80 т.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти-нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, ГСП, 700083, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

© «Фан ва турмуш»




Пул нима! Суратларда кўриб турганингиз какао меваси, денгиз чиғаноқлари, жаҳонгир Искандар зарб эттирган олтин танга, «Ипак йўли»да муомалада бўлган араб дирҳами, замонавий америка доллари—барчаси ҳам пул. Уларнинг ажойиб саргузаштлари сизни қизиқтирса ажаб эмас.

ПУЛ * ПУЛ * ПУЛ



**КОИНОТНИНГ
ЕРГА
НОМАСИ**



ФАН. ТУРМУШ

ISSN 0134—4560
индекс 75421
Баҳоси 60 тийин.
Чакана нархи 80 тийин